

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС**

**ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИБИЁТ ИНСТИТУТИ**

**МИНАВАРОВ АДИХАМ АНВАРОВИЧ**

Билим соҳаси: 500000- Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот

Таълим соҳаси: 510000– Соғлиқни сақлаш

**“МУТАХАССИСЛИККА КИРИШ”**

**ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА**

Тиббий профилактика иши-5510300 таълим йўналиши талабалари учун

**АНДИЖОН 2020 йил**

# O'QUV ADABIYOTINING NASHR RUXSATNOMASI

O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lif vazirligining 20 20 yil "14" avgust dagi "418" -sonli buyrug'iiga asosan

*A.A. Minavarov*

(muallifning familiyasi, ismi-sharifi)

*5510300-Tibbiy profilaktika ishi*

(ta'lif yo'nalishi (mutaxassisligi))

ning

talabalari (o'quvchilari) uchun tavsiya etilgan

*Mutaxassislikka kirish nomli*

(o'quv adabiyyotining nomi va turi: darslik, o'quv qo'llanma)

*o'quv qo'llanmasi*

ga

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi tomonidan litsenziya berilgan nashriyotlarda nashr etishga ruxsat berildi.



Vazir

(imzo)

*I. Madjidov*

Ro'yxatga olish raqami 418-479

**УДК:613(075.8)**

**ББК 51.2 я 73**

**Муаллиф:**

**А.А.Минаваров** – Андижон давлат тиббиёт институти “Умумий гигиена” кафедраси катта ўқитувчиси

**Тақризчилар:**

**Э.З. Исаков** – Тошкент тиббиёт академияси Фаргона филиали “Гигиена ва жамоат соғлигини саклаш” кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**С.М.Бабич** – Андижон давлат тиббиёт институти “Ижтимоий гигиена ва ССБ” кафедраси мудири, тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Уишибу ўқув қўлланма “Тиббий профилактика иши” – 5510300 таълим йўналишии 1 курс талабалари учун ишлаб чиқилган, «Мутахассисликка кириши» фани намунавий ўқув режсанинг 3.01 блокида берилган. Ўқув қўлланмада «Мутахассисликка кириши» фанининг назарий асосларини ўзлаштириши учун зарур бўлган назарий ва амалий билимлар ҳажми тўлиқ ёритилган. Талабалар билимининг якуний даражасини аниқлаши мақсадида, ўқув қўлланмада вазиятли масалалар, саволлар, тестлар ва глоссарий келтирилган.

АДТИ Кенгашининг 2020 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_сон қарорига асосан тасдиқланди ва чоп этишга тавсия этилди.

**Кенгаш котибаси, доцент:**

**Х.А.Хусанова**

<b>МУНДАРИЖА</b>		
Кириш		4
Тиббий профилактика йўналишида гигиенанинг ўрни. Гигиенанинг бўлимлари. Аҳоли саломатлиги кўрсаткичлари ҳақида тушунча.		5
Гигиена соҳасидаги асосий қонуний хужжатлар билан танишиш. ЎзРининг Аҳолининг санитария эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонуни.		16
ДСЭНМ ўқув модули иш фаолияти асосида ДСЭНМ тузилиши билан танишиш. ДСЭНМ санитария-гигиена бўлими фаолияти ҳақида тушунча.		25
Гигиенада қўлланадиган усуллар ҳақида тушунча. Санитар текширув усуллари ва уларнинг аҳамияти.		42
Огоҳлантирувчи ва жорий санитария назорати. Бирламчи қонуний хужжатларни ўрганиш.		54
Коммунал гигиена фани ҳақида тушунча. Коммунал гигиена бўлимининг текширув обьектлари ҳақида тушунча.		63
Хоналар микроиқлими кўрсаткичларини текшириш (ҳаво ҳарорати, намлиги, ҳавонинг ҳаракат тезлиги) ва гигиеник баҳолаш асослари.		75
Хоналар ҳавосининг тозалигини тезкор усулда текшириб баҳолаш асослари.		84
Лаборатория текширишлари учун сув намуналарини олиш услублари. Органолептик текшириш усули ёрдамида сувни сифатини баҳолаш. Лаборатория текширишлар учун тупроқдан намуна олиш усули.		91
Овқатланиш гигиенаси фани ҳақида тушунча. Овқатланиш гигиенаси бўлимининг текширув обьектлари ҳақида тушунча.		103
Кунлик овқатланиш меъёрлари. Таомнома тузиш усули.		114
гигиенаси фани ҳақида тушунча. гигиенаси бўлимининг текширув обьектлари ҳақида тушунча.		128
нинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари ва уларни баҳолаш ҳақида тушунча. Саломатлик гурухлари.		134
Мехнат гигиенаси фани ҳақида тушунча.Мехнат гигиенаси бўлими текширув обьектлари ҳақида тушунча.		145
Радиацион гигиена фани ҳақида тушунча. Радиологик бўлимнинг текширув обьектлари ҳақида тушунча.		156
Глоссарий		166
Адабиётлар рўйхати		173

## **КИРИШ**

“Мутахассисликка кириш” фани талабаларга институтдаги ўқиш жараёнида олий таълим муассасаларига таалуқли бўлган, унинг мазмуни ва моҳиятини ифодалайдиган томонлари билан тўлароқ танишиш имкониятини беради. Бу фан орқали олий таълим муассасининг тузилиши, унинг бошқариш тизимидағи бўғинлари, уларнинг хар бирини ўқув жараёнида тутган ўрни ва роли ҳамда талабанинг мутахассислиги бўйича тушунча беради.

“Мутахассисликка кириш” фани кадрлар тайёрлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим стандарти ва бакалавриат таълим йўналиши малака талабларига асосланган ҳолда яратилган. Бу фан талабаларга мутахассислик йўналиши бўйича ўқитиладиган барча фанларни ўзида мужассамлаштирган ҳолда ўргатади.

Бу фан тиббий–профилактика соҳаси мутахассислик бўйича билим беришга, жумладан, инсон организмига таъсир этувчи атроф муҳитдаги омилларнинг таъсирини ўрганиб, олинган натижалар асосида аҳоли учун энг мувофиқ яшаш, ўқиш, меҳнат қилиш, даволаниш шароитларига, овқатланиш тартибига, сув таъминотига доир гигиеник масалаларини ишлаб чиқади. Бўлажак врач гигиенист, эпидемиолог дастлабки гигиенага доир билимларига асосланган ҳолда аҳоли ўртасида санитар билимдонликни ошириш бўйича ҳал қилинадиган тадбирларни бажаришга, атроф муҳит омилларини инобатга олиб аҳоли ўртасида соглом турмуш тарзига доир тушунчаларни шакллантиришга йўналтиради, касалликларни олдини олишда профилактика тадбирларни ташкиллаштириши учун мутахассислик (овқатланиш гигиенаси, эпидемиология, меҳнат гигиенаси, ҳарбий гигиена, радиацион гигиена ва коммунал гигиена) фанларига замин яратади.

“Мутахассисликка кириш” ўқув қўлланмаси тиббий-профилактика факультети талабаларининг амалий машғулотларга тайёрланишлари учун мўлжалланган. Ўқув қўлланма бир нечта бўлимлардан иборат. Ҳар бир машғулот материалида унинг мақсади, мавзунинг асосий саволлари, ҳамда

машғулотга тайёрланишда қайси саволларга эътиборни қаратиш лозимлиги  
хам кўрсатилган.

Ўқув қўлланманинг ҳар бир бўлими янги педагогик технологияга асосланган, мавзунинг асосий мазмуни, графологик таркиби, дарс элементлари: талабалар билимини сақлаш учун вазиятли масалалар, тестлар ва тегишли тарқатма материаллар - гигиенадан қўлланиладиган замонавий приборлар, мосламалар фото расмлари, схемалари ва жадваллар мажмуасидан ташкил топган.

Бу ўқув қўлланмадан билимларни назорат қилиш, ўз-ўзини назорат қилиш, шунингдек ўрганиш ва мустақил ўрганиш мақсадларида фойдаланиш мумкин. У жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш юзасидан қўлланувчи асосий ўқув дарсликларга қўшимча қўлланма сифатида фойдаланишга мўлжалланган.

Ушбу ўқув қўлланма дарс бериш жараёнларини мувофиқлаштириш, талабаларнинг мустақил ишларини оптималлаштириш, уларнинг вақтларини тежаб тартибга солиш каби мақсадларни қўйган.

Қўлланма санитария-эпидемиология хизмати ва санитария врачи фаолиятига тааллуқли бўлган жуда муҳим маълумотларни ўз ичига олади.

Тиббий-профилактика соҳаси бўйича врачларни тайёрлашда катта аҳамият касб этади.

Муаллиф бу ўқув қўлланманинг мукаммалаштирилишида берилган тавсиялар ва камчиликларни чуқур миннатдорчилик билан қабул қиласди.

**“Тиббий профилактика йўналишида гигиенанинг ўрни. Гигиенанинг бўлимлари. Аҳоли саломатлиги кўрсаткичлари ҳақида тушунча.”**

*Nygienos* грекчада олинган бўлиб, саломатликка кўмаклашувчи, саломатлик келтирувчи маъносини беради. Гигиена фани- мустақил фаолият кўрсатувчи фан бўлиб, одам организмига атроф мухитдаги омилларнинг таъсирини ўрганибина қолмай Олинадиган натижалар асосида аҳоли учун энг мувофиқ яшаш, меҳнат қилиш шароитларини, овқатланиш тартибларини, сув таоминотии, туарар-жойлар билан таминлаш масалаларини ишлаб чиқади.

Бу мақсадларга эришиш учун гигиена ўз олдига қуидаги вазифаларни қўяди. Атроф мухитдаги омилларни ўрганиш ва уларни одам организмига таъсир этиш хусусиятларни аниқлади. Олинган натижаларга асосланиб одам организми учун бефарқ бўлган ва узоқ муддат давомида таъсир этганда хам зарарли таъсир кўрсатмайдиган гигиеник меъёрлар ва регламентларни ишлаб чиқади. Ишлаб чиқилган меъёрлар ва регламентларни ҳаётга тадбиқ қилиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилади.

Бизга маълумки, хар кандай гигиеник меъёр ёки регламентни ҳаётга тадбиқ қилишни гигиенанинг мухим бир қисми бўлган санитария амалга оширади. Гигиенага оид вазифаларни амалга оширишда турли усуллардан фойдаланилади ва бу усуллар ўзининг мохиятига қўра қуидаги гурухларга бўлинади:

**Атроф мухит омилларини текшириш усуллари (усуллардан намуналар келтирилган):** санитар тавсифий усул, физикавий усуллар, кимёвий усуллар, биологик усуллар. Атроф мухит омилларини организмга таъсирини ўрганиш усуллари: физиологик холатларни текшириш усуллари айrim органларнинг функционал холатларини текшириш усуллари.

**Гигиеник меъёрлар ва регламентларни ўрнатиш ва уларнинг хаққонийлигини рўёбга чиқариш усуллари:** статистик усуллар ,хисоблаш усуллари. Гигиенада қўлланадиган усулларга келтирилган таърифлар билан бизни тиббий-биологик ва бошқа фанларга ва соҳаларга доир текшириш усулларини тўла-тўқис билиш кераклиги ҳақида маълумотлар беради ва бу усулларсиз бирорта хам гигиеник вазифани тулақонли хал этиш мумкин эмаслигини кўрсатади.

**Гигиенанинг замонавий муаммолари қуидагилар хисобланади:**

- атроф мухитнинг ўзгариб турувчи омилларини баҳолаш ва уларни меъёрлаштириш
- аҳолининг овқатланишини оптимизациялаш
- урбанизацияга таалуқли бўлган муаммоларни хал этиш

- саноат корхоналаридаги меҳнат шароитларини соғломлаштириш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиши (шу жумладан кичик ва ўрта корхоналарда), қишлоқ хужалигида хизмат қиласиган ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат шароитларини (шу жумладан фермер хўжаликлари) соғломлаштиришга доир тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқади.
- Қишлоқ гигиенаси муаммолари (шу жумладан хусуийлаштириш)
- акселерациясига доир бўлган муаммолар
- Гигиенанинг маҳсус саволлари бўлган аҳоли ўртасидаги хавфли ўсма касалликлари, юрак-қон томир системаси касалликларининг даражасини камайтириш тадбирлари.

Хар бир давлатнинг соғлиқни сақлаш тизими олдига қўйиладиган асосий вазифаларнинг асоси бўлиб, аҳолининг соғлиғини сақлаш ва уни хар томонлама мустаҳкамлаш хисобланади. Иккинчи навбатда аҳоли ўртасида қайд қилинадиган касалликларнинг келиб чиқмаслигини олдини олиш, инсонларнинг фаоллик йилларини узайтириш вазифасини бажаради. Бундай улкан вазифаларни хал этиш фақат даволаш соҳасидаги шифокорларнинг иши бўлмай, балки унинг профилактик йўналишига хам таълуқлидир. Шунинг учун соғлиқни сақлаш тизимидағи профилактик йўналиш унинг асосий принципи бўлиши керак.

Инсонларнинг саломатлиги кўп жихатдан унинг ўзига боғлиқдир, аммо айрим жихатлари бўйича шу давлатдаги ижтимоий-иктисодий шароитлар, аҳолига тиббий хизмат қўрсатиш даражаси, миллий даромаддаги соғлиқни сақлашга ажратиладиган маблағ миқдори кабилар билан белгиланади.

Аҳолининг саломатлик қўрсаткичлари қаторига туғилиш ва ўлим даражаси, жисмоний ривожланиш қўрсаткичлари, касалланиш даражаси, аҳолининг узок умр кўриш муддати ва бошқалар киради. Бу қўрсаткичларнинг миқдори ва табиати биринчи навбатда яшаш шароитлари меҳнат қилиш шароити атроф мухитнинг холати кабилар билан белгиланади. Инсон учун атроф мухит параметрларининг энг мувофиқ даражаларини яратиш масалалари билан гигиена фани шуғулланади. Санитария

статистикасининг асосий вазифаларидан бири аниқ олинган туман, шаҳар, вилоят аҳолиси саломатлигини ўрганиб, уни янада яхшилаш учун тиббий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уни амалиётга тадбиқ қилишдан иборат.

Шифокор аҳоли саломатлигини ўрганиш ва унга баҳо беришдан аввал соғлиқва хасталик тушунчаси нима, у нималарга боғлиқ деган саволга аниқ жавоб бера олиши керак.

Саломатлик ва хасталик — бу ижтимоий шарт-шароитлар ва омиллар таъсирида вужудга келган, ижтимоий муҳитнинг маҳсулидир. Саломатлик — бу туғма, ортирилган ва ижтимоий омиллар таъсирининг маҳсули бўлмиш биологик ва ижтимоий сифатларнинг гармоник бирлиги, мутаносиблигидир, бу бирликни, мутаносибликнинг бузилиши хасталиқдир. Саломатлик ва хасталик — инсон ҳаётий фаолиятининг маҳсули бўлиб улар орасидаги фарқ шу ҳаёт фаолиятини таъминловчи шарт-шароитлардан иборатdir. Агар бундай шароит инсон учун, унинг ҳаёт фаолияти, ўзини ҳис қилиши учун қулай бўлса бу саломатлик, у чегараланган, сиқилган, бузилган тақдирда эса касаллик пайдо бўлади ва хасталикка олиб келади. Демак, инсон саломатлигига у яшаб турган конкрет муҳитдан ва унинг конкрет фаолиятидан, ҳаёт фаолиятининг ҳар томонлама кўринишидан, инсоннинг мақсадидан, яшашидан ижтимоийлигидан ажralган ҳолда қараш мумкин эмас. Конкрет шахс, инсон саломатлигини баҳолаш, характерлаш қанча қийин бўлса, жамият, аҳоли саломатлигига баҳо бериш уни характерлаш ундан ҳам қийин. Жамият саломатлиги — фақат тиббий тушунча бўлиб қолмай, балки у, кўп жиҳатдан — жаъмият, ижтимоий сиёсий ва иқтисодий категориялардан бири бўлиб, ижтимоий сиёсатнинг обьекти ҳисобланади, шунинг учун ҳам уни тиббий моҳиятидан кўра, кўпроқ ижтимоий моҳиятидан келиб чиқсан ҳолда баҳолаш зарур. Шундай қилиб, аҳоли саломатлигини, уни характерловчи тиббий статистик ва демографик кўрсаткичларни, уларга таъсир этувчи табиий, ижтимоий ва биологик омиллар билан боғлаб ўрганиш керак. Аҳоли саломатлигини 4 гурӯҳ тиббий-статистик кўрсаткичлар характерлайди: 1. Демографик кўрсаткичлар .

2. Аҳоли касалланишининг ва ногиронлигининг кўрсаткичлари. 3.Аҳоли жисмоний ривожланишининг кўрсаткичлари .4. Аҳолини яшаш давомийлиги.

Аҳоли саломатлигини, ижтимоий шароитига, жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тараққиётига, ижтимоий омилларга ҳамда инсонни ўраб турган табиий шарт-шароитлар, ташқи муҳитга бөглиқлигини кўрсатади.



Расм 1.Аҳоли саломатлигига таъсир қилувчи омиллар

Аҳоли саломатлигини ўрганиш усусларини ишлаб чиқиш, аҳоли саломатлигининг асосий кўрсаткичларини ижтимоий, биологик омиллар, ташқи муҳит, конкрет ҳаёт, меҳнат, турмиш шароитлари билан боғлаб ўрганиш санитария статистикасининг асосий вазифасидир.

**Демографик статистика.**Демография — (грекча: демос — аҳоли, графио — ўрганаман) аҳоли ва унинг ривожланиши ҳақидаги фан. Демографик статистика ахолининг сони, таркиби, тугилиши, ўлими, кўпайиши, ҳаракати ҳақидаги асосий қонуниятларни ўрганади. Демографик маълумотлар ахолининг тиббий ёрдамга бўлган эҳтиёжини қондириш учун, уни режалаштиришда катта аҳамиятга эга (муқим шифохонадаги ўринлар сони, поликлиникадаги лавозимлар, штатлар, ясли, санаториялардаги ўринлар сони, врачлар ва ўрта тиббиёт ходимларининг, дорихоналарнинг сони ва

бошқалар). Аҳолини статистик ўрганиш асосан икки хил йўналишда олиб борилади:

1. Аҳоли статикаси, бошқача қилиб айтганда аҳолининг маълум бир вақтда олинган сони, таркиби (жинси, ёши, касби, машғулоти, оиласвий аҳволи, миллати, тили, маълумоти), тураг жойи, географик жойланиши, зичлиги ҳақидаги маълумотларни уз ичига олади.

2. Аҳоли динамикаси (ҳаракати) — аҳоли сонининг ўзгариши. У ўз навбатида икки хил бўлади:

а) механик ҳаракат

б) хабиий ҳаракат (туғилиши ва ўлим натижасида).

Аҳолининг ёши бўйича таркибини билмасдан туриб, улар орасида туғилиш, ўлим, касалланиш кўрсаткичларига тўғри баҳо бериб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасида 33 905 800 аҳоли яшайди (1 январ 2020й.). Аҳолининг ўртacha ёши - 28,5 й.(2017й.), 1991й. эса - 23,3 й., яъни аҳолининг ўртacha ёши 5,2 й. ўсиб бормоқда. 1926й. шахар аҳолиси 21,9% ташкил қилса, 1 январ 2017 й. бу кўрсаткич - 50,6% тенг бўлди. Яъни шахар аҳолиси қишлоқ аҳолисига нисбатан ўсиб бормоқда. Бу урбанизация масалаларини долзарблигига олиб келади.

Аҳоли зичлиги-1 км<sup>2</sup> майдонга тўғри келган аҳоли сони. Ўзбекистонда 1979 йил 1 кв. км га 34.4 та аҳоли тўғри келса, 1989 йилда у 44.5 кишини ташкил қилди. Республикамизда — йилига шаҳар аҳолиси сони кўпайиб бормоқда, бу кўрсаткич 1970 йили 33% ни ташкил этган бўлса, 1989 йилга келиб 41% ни ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикасида аҳоли зичлиги, яъни 1 кв.км га 150 дан кўп аҳоли тўғри келади, аҳоли зичлигидан 1-ўринда Андижон вилояти туради - 680,2 аҳоли тўғри келади, Москва вилоятида эса -334,5 аҳоли тўғри келади. Андижон вилояти республиканинг 1 % территориясини эгаллайди, лекин бу ерда умуий аҳолининг 9% яшайди.

## Плотность населения Республики Узбекистан

(на 1 января 2019 года; число жителей на 1 кв.км )



Расм 2. Ўзбекистон Республикаси

Шундай қилиб, аҳоли саломатлиги, унинг санитария ҳолати деганимизда комплекс тиббий-статистик кўрсаткичларни ва уларга таъсир этувчи табиий, ижтимоий, биологик ва психологияк омилларни назарда тутган бўламиз.


### “Близ усули”

№	Мавзулар саволи	Биламан	Билишни хохлайман	Билдим
1.	Гигиеник меъёр			
2.	Гигиеник регламентни			
3.	Статистик усули			
4	Ташқи мухит			
5	Урбанизация			
6	Демография			

## Инсерт жадвали


Түшүнчалар	V	+	-	?
Ахоли зичлиги				
Түғилиш күрсаткичи				
Ахоли таркиби				
Экологик омиллар				
Физикавий омиллар				
Ижтимоий омиллар				

**Комплекс ижтимоий-гигиеник тадқықотлар объектлари. Ахоли гурухлари:** ёши, жинси, худудий-маиший (шахар, қишлоқ ва бошқа ахолиси), ижтимоий ва касбий (ишчи, колхозчи, хизматчи, талаба, мактабгача ёшдаги болалар, ўқувчилар, колледж, лицей ўқувчилари ва бошқа гурухлари), этник, турли миллатлар, тўла ва тўла бўлмаган оиласлар, соғлиги ҳолати бўйича (оғримаган, тасодифий оғриганлар, турли касалликлар билан оғриган bemорлар ва бошқалар). **Статистик кузатув бирлиги** – статистик йиғиндини бирламчи элементи бўлиб, ўрганиш учун мўлжалланган барча хусусиятларга эга (хисоб белгилари).. Кузатув бирлиги максадга асосан bemор, ўлган шахс, соғлом инсон, оила, цех ва бошқалар бўлиши мумкин.



жинс

Статистик йиғинди:  $n = 7$



ёш



турап жойи



касаллик

ва бошқ.

**Расм 3. Статистик йиғиндини тузилиши**

### **Вазиятли масаллар намуна жавоблари билан**

**Масала № 1.** Шу йилда тиббиёт институти талабаларининг ўткир респиратор касалликлар билан оғриганларни ўрганишда кузатув бирлиги бўлиб, шу йилда тиббий муассасаларга ўткир респиратор касаллик билан мурожаат қилган тиббиёт институти талабалари ҳисобланади.

**Масала № 2.** Н – корхонасида ишловчи оила аъзоларига шу йили кўрсатилган тиббий ёрдам ҳажмини ўрганишда кузатув бирлиги бўлиб, Н – корхонасида ишловчи битта ишчининг оиласи ҳисобланади.

### **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ**

1. Тиббий профилактика хақида тушунча.
2. Профилактика турлари: бирламчи, иккиламчи ва учламчи.
3. Тиббий таълимда гигиенанинг ўрни.
4. Гигиенани бошқа фанлар билан боғликлиги.
5. Аҳоли саломатлиги ва уларни профилактикасида гигиенани аҳамияти.
6. Ўзбекистон Республикаси аҳолиси саломатлиги ва уни шакллантирувчи омиллар.
7. Саломатлик холатининг кўрсаткичлари.
8. Физика омилларини гигиеник аҳамияти.

9. Кимёвий омилларнинг гигиеник ахамияти.
10. Биологик омилларнинг гигиеник ахамияти.
11. Табиий ва антропоген омилларнинг ахамияти.
12. Атроф мухит ифлосланишинаҳоли саломатлигига таъсири.

## ТЕСТ

- 1. Инсон саломатлигини саклашда экологияни ўрни қанча?** 1. 30%  
2. \*20% 3. 25%
- 2. Инсон саломатлигини саклашда соғлом турмуш тарзини ўрни қанча?**  
1. \*55% 2. 30% 3. 25%
- 3. Гигиена – бу:**
  1. Табиат мухити факторлари таъсирида касалликни ривожланиш механизми;
  2. Умумий ва давлат доирасидаги тузилмалар;
  3. \* профилактик тадбирлар оркали умумий ва шахсларни соглигини саклаш ва мустахкамлаш.
- 4. Санитария – бу:**
  1. \*Санитар коидалар ва таклифларни амалиётда ишлатилган, ишлаб чиқарилган гигиеник нормативлар;
  2. Атроф техноген мухит факторлари таъсирида касалликни ривожланиш механизми хакидаги фан;
  3. Турли гигиеник шароитларда ахолининг соғлиҳ холатини ўрганувчи фан.
- 5. Гигиена фанининг асосий максади:**
  1. Атроф – мухитнинг нокулай факторларига организмни қарши туриши;
  2. \*Одамлар соглигини мустахкамлаш ва саклаш;
  3. Инфекцион касалликлар келиб чикишини огохлантириш.
- 6. Олдини олишнинг асосий турларини келтиринг:**
  1. \* бирламчи; 2. конуний; 3. комбинацион-дискретлик.
- 7. Шахсий тадбир йўналиши:**
  1. Касалликларни ривожланиш механизмига.
  2. \*Соғлом хаёт тарзи бузилишини олдини олиш.
  3. Мавжуд бўлган касалликни кучайишини огохлантирмоқ.

**8.Қуидаги келтирилгандардан кайси бири хаёт тарзи хавфи қаторига киради:** 1.\* Гиподинамия.2. Заарларган тупроқ.3. Фойдасиз профилактика ишлари.

**9. Атроф-мухитни холатини ўрганиш усуллари:** 1.Психогигиеник;

2. Клиник, физиологик;3. \*Санитар текширув ва ёзиб олиш.

**10. Аклиматизация бу - ...**

1. Барча орган ва системаларнинг функцияини оширилиши.

2. \*Ташки мухитга қоникиш учун турли хислатларни ишлаб чикиш.

3. Юқори хароратда ишлашга лаёкатини саклаб колиш.

**11. Гигиена Фани нимани ўрганади?**

А\* Одам организмиға ташқи мухит омилларининг таъсирини ўрганади

В. Аҳолини касалланиш даражаси ва даволаш усулларини

С. Атроф мухитни физикавий хоссаларини

Д. Аҳолини ўлим кўрсаткичи ва даволаш усулларини

**12. Гигиена фанининг асосий мақсади?**

А. Ташқи мухит омиллари таъсирида юзага келган касалликларни даволаш усулларини ишлаб чиқиш

В. \*Атроф мухитдаги омилларнинг энг мувофиқ ёки индефферент яшаш шароитлари билан таъминлаш мақсадида уларга гигиеник регламентлар ишлаб чиқади

С. Касалликларни даволаш усулларини кўпайтириш

Д. Атроф мухитдаги физик омилларни таърифлаш.

**13. Ташқи мухит омилларини қайси гурухларга бўлиб таърифлаш қабул қилинган?**

А. Фойдали, заарли, заарсиз.

В. Кимёвий, биоген, электрик ва ижтимоий

С. Токсикологик, патологик, руҳий-физиологик, ижтимоий-иқтисодий

Д.\* Физикавий, кимёвий, биологик, ижтимоий-гигиеник.

## **“Гигиена соҳасидаги асосий қонуний хужжатлар билан танишиш.**

### **ЎзРнинг Аҳолининг санитария эпидемиологик осойишталиги** **тўғрисидаги қонуни.”**

Санитария шифокорининг фаолиятида қўлланиладиган қонуний хужжатлар ўз аҳамияти, таркиби ва йўналиши бўйича З гурӯхга бўлинади.

#### **1. Асос бўлувчи хужжатлар.**

1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мустақил Республиkaning асосий қонуний хужжати. Унда атроф муҳитларни ҳимоя қилишга ҳам катта аҳамият берилган. "Ер, фойдали қазилмалар, муҳит, ресурслар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси умумдавлат бойлик ҳисобланиб, давлат ҳимоясидадир" (50, 5455 бандлар). Юқорида кўрсатилган атроф муҳит объектларини ва аҳоли саломатлигани саклашда, республикада экологик ҳолатни яхшилаш соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат санитар-эпидемиологик назорат маркази фаолиятининг асосини ташкил қиласди.

1.2. "Фуқаролар саломатлигини саклаш ҳақидаги қонун" (1996) Ўзбекистон Республикаси ҳукуматини республика аҳоли саломатлигини саклаш ва мустаҳкамлаш ҳақида ғамхўрлигини ифодалайди. 12 бандда қулай санитар -эпидемиологик ҳолатга эътибор берилган. Ўзбекистонда экологик ҳолатни яхшилашда профилактик чора -тадбирлар муҳим аҳамиятга эга эканлиги кўрсатилган.

1.3. "Ўзбекистон Республикасида давлат санитария назорати" ҳақидаги қонун аҳолини санитария эпидемиологик қулай ва радиацион ҳавфсиз шароитлар билан таъминлаш бўйича жамият қарашларини ифодалайди, ҳамда инсонни қулай атроф муҳитга эгалик ҳуқуқини белгилайди.

1.4. "Атмосфера ҳавосини ҳимоялаш ҳақидаги қонун". Ушбу қонуннинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат: атмосфера ҳавосини табиий таркибини саклаш, атмосфера ҳавосига кимёвий, физик, биологик ва бошқа омилларнинг заарли таъсирларини камайтириш ва олдини олиш. Атмосфера ҳавосини ҳимоялаш соҳасида давлат органлари, корхоналар, муассасалар,

уюшмалар, жамоа бирлашмалари ва фуқаролар фаолиятини қонуний бошқариш.

1. 5. Ўзбекистон Республикаси меҳнат кодексида аҳоли саломатлигани сакл аш ва бошқа масалаларнинг акс этганлиги. Санитар-гигиеник таълимнинг зарурлиги, саломатлик ва физиологик ҳолатлар хусусиятлари талабларга жавоб берувчи шароитларда меҳнат қилиш ва ўқитиш (19банд).

2. Умумдавлат меъёрий-қонуний хужжатлар.

Атроф муҳит ҳолати ва коммунал объектларда ДСЭНМ шифокори фаолиятида қуидаги хужжарлардан фойдаланади:

- 1) санитария қоидалари ва меъёрлари;
- 2) давлат стандартлари (ДСТ, ГОСТ);
- 3) қурилиш меъёрлари ва қоидалари (ҚМҚ, СНИП);
- 4) санитария қоидалари (СҚ);
- 5) асос бўлувчи бўйруқлар, низомлар;

3. Меъёрий-услубий хужжатлар.

Амалдаги меъёрий услубий хужжатларга, таркиби бўйича турли хил бўлган ва кўп сонли бўлган кўрсатмалар, услубий кўрсатмалар, услубий тавсиялар киради.

Ўзбекистон Республикасининг қонуни “Аҳоли ўртасида микронутриент этишмаслиги профилактикаси тўғрисида” 2010 йил қабул килинган.

“Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонуни (2015й.).

СЭ хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чоралари хақидаги ЎзРси Президентининг фармони 09.09.2019 й.Н УП-5814 қабул килинган.

## I. Санитария-эпидемиология ташкилотининг фаолиятида ҳуқуқий асосларини ташкил қилувчи хужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Қонституцияси.
2. Давлат санитария назорати тўғрисидаги қонун.
3. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қонун.

4. Гигиеник меъёрлар, санитария ва эпидемияга қарши қоидалар ва меъёрлар.
5. Маҳаллий ҳокимият ташкилотлари қарорлари.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси  
Давлат санитария назорати тўғрисидаги  
қонун

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг  
соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қонун

Гигиеник меъёрлар, санитария ва  
эпидемияга қарши қоидалар ва меъёрлар

Маҳаллий ҳокимият ташкилотлари  
қарорлари

#### **Расм 4. Хуқуқий асосларини ташкил қилувчи ҳужжатлар**

#### **II. Санитария-хуқуқий далолатномалар лойиҳаларини тасдиқловчи давлат бошқарув ташкилотлари**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти.
2. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик палатаси, сенат.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.
4. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги ва маҳаллий ҳокимиятлар.

**“Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”**

**(2015 й.) Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: 1-боб. Умумий қоидалар**

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади.** Ушбу Қонуннинг мақсади аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги  
тўғрисидаги қонун ҳужжатлари** - Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун

хужжатларидан иборатдир. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Асосий тушунчалар.** Ушбу Қонунда қуидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги**

– аҳоли соғлигининг ҳолати бўлиб, бунда инсонга яшаш муҳити омилларининг зарарли таъсири мавжуд бўлмайди ва унинг ҳаёт фаолияти учун қулай шарт-шароитлар таъминланади;

**давлат санитария назорати**

– аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишларининг олдини олишга, уларни аниқлаш ва бартараф этишга доир фаолият;

**инсоннинг яшаш муҳити**

– инсоннинг ҳаёт фаолияти шарт-шароитларини белгилайдиган обьектлар, ҳодисалар ва атроф-муҳит омиллари мажмуи;

**санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирлар**

– юқумли ва паразитар касалликлар пайдо бўлишининг ҳамда тарқалишининг олдини олишга ва уларни бартараф этишга қаратилган ташкилий, маъмурий, муҳандислик-техник, тиббий-санитария чора-тадбирлари ҳамда бошқа чора-тадбирлар;

**санитария-эпидемиологик вазият**

– аҳоли яшаётган муҳитининг ва соғлигининг муайян ҳудуддаги, кўрсатилган аниқ вақтдаги ҳолати;

**санитария-эпидемиология хизмати**

– аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги фаолиятниамалгаоширувчи давлат санитария-эпидемиология назорати марказларини, орттирилган иммунитет танқислиги синдромига (ОИТСга)

қарши курашишмарказларини, дезинфекция станцияларини, ўлат, карантин ва ўта хавфлиинфекцияларни профилактика қилиш марказларини, илмий-тадқиқотмуассасаларини ўз ичига олган ягона тизим;

### **Чекловчи тадбирлар (карантин)**

– юқумли ва паразитар касалликлар тарқалишининг олдини олишга қаратилган, хўжалик фаолияти ва бошқа фаолиятнинг алоҳида тартибини, аҳоли, транспорт воситалари, юклар ва (ёки) товарлар ҳаракатланишингчекланишини назарда тутадиган маъмурий, тиббий-санитария чора-тадбирлари ва бошқа чора-тадбирлар;

### **Юқумли ва паразитар касалликлар**

– инсонга у яшаётган мухитнинг биологик омиллари таъсир кўрсатиши ҳамда касалликка чалинган инсондан ёки ҳайвондан соғлом инсонга касаллик юқиши мумкинлиги сабабли пайдо бўладиган ва тарқаладиганинсон касалликлари.

### **5-модда. Санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари**

Санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари давлат органлари ҳамда бошқа органлар, юридик ва жисмоний шахслар томонидан риоя этилиши шарт бўлган аҳолининг санитария-эпидемиологикосойишталиги соҳасидаги талабларни белгилайдиган ҳужжатлардир.

Санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачи томонидан тасдиқланади ҳамда, агар ҳужжатларнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилган бўлмаса, расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ваколатлари

7-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ваколатлари

8-модда. Давлат санитария назоратини амалга оширувчи органлар

9-модда. Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахслар

10-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачининг ваколатлари

11-модда. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкентشاҳар, туманлар ва шаҳарлар бош давлат санитария врачларининг ваколатлари

12-модда. Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдоршахсларнинг хуқуқлари

13-модда. Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдоршахсларнинг мажбуриятлари

14-модда. Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштирок этиши.

### **Вазиятли масалалар**

Масала № 1. Болалар мактабгача муассасасида қизамиқ аниқланди, Сизни чора-тадбирларингиз.

Масала № 2. Мактабда вирусли гепатит аниқланди, Сизни чора-тадбирларингиз.

Масала № 3. Аҳоли турар жойларида нокулай эпидемиологик вазият, Сизни чора-тадбирларингиз.

**Масала № 4.**Давлат санитария эпидемиология назорат марказлари фаолиятининг хуқуқий асосларини ташкил қилувчи хужжатларни айтинг.

Назорат саволлари

1. Гигиена соҳасидаги асосий қонуний хужжатлар турлари.
2. Умумдавлат хужжатларнинг асосий турларини санаб ўтинг.
3. Санитария-эпидемиология ташкилотининг фаолиятида хуқуқий асосларини ташкил қилувчи хужжатлар.
4. Санитария-хуқуқий далолатномалар лойиҳаларини тасдиқловчи давлат бошқарув ташкилотлари.
5. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қонун.

6. Атроф мухит ҳолати ва коммунал объектларда ДСЭНМ шифокори фаолиятида қуидаги хужжарлардан фойдаланади:
7. “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонуни (2015й.).
8. Ўзбекистон Республикасида санитария-эпидемиология хизмати.
9. Аҳолининг санитария-эпидемиология масалаларида хотиржамлигини таъминлаш тамоийиллари.

## ТЕСТ

**1. “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қачон қабул қилинган?**

1. 1991 й.2. 2010 й.3. \*2015 й.

**2. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қонун қачон қабул қилинган? 1. \*1996 й.2. 1991 й.3. 2010 й.**

**3. Давлат санитария назорати бу:**

1. \*аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишларининг олдини олишга, уларни аниқлаш ва бартараф этишга доир фаолият;
2. аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишларининг олдини олишга, уларни бартараф этишга доир фаолият;
3. аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ни аниқлаш ва бартараф этишга доир фаолият;

**4. Юқумли ва паразитар касалликлар бу:**

1. инсонга у яшаётган мухитнинг касалликка чалинган инсондан ёки ҳайвондан соғлом инсонга касаллик юқиши мумкинлиги сабабли пайдо бўладиган ва тарқаладиган инсон касалликлари.
- 2.\* инсонга у яшаётган мухитнинг биологик омиллари таъсир кўрсатиши ҳамда касалликка чалинган инсондан ёки ҳайвондан соғлом инсонга касаллик юқиши мумкинлиги сабабли пайдо бўладиган ва тарқаладиганинсон касалликлари.

3. инсонга у яшаётган мухитнинг биологик омиллари таъсир кўрсатиши ҳамда касалликка чалинган инсондан соғлом инсонгакасаллик юқиши мумкинлиги сабабли пайдо бўладиган ва тарқаладиганинсон касалликлари.

### **5. Чекловчи тадбирлар (карантин) бу:**

1. юқумли ва паразитар касалликлар тарқалишининг олдини олишга қаратилган, хўжалик фаолияти ва бошқа фаолиятнинг алоҳида тартибини, аҳоли, транспорт воситалари, юклар ва (ёки) товарлар ҳаракатланишинингчекланишини назарда тутадиган тиббий-санитария чора-тадбирлари ва бошқа чора-тадбирлар;

2. \* юқумли ва паразитар касалликлар тарқалишининг олдини олишга қаратилган, хўжалик фаолияти ва бошқа фаолиятнинг алоҳида тартибини, аҳоли, транспорт воситалари, юклар ва (ёки) товарлар ҳаракатланишинингчекланишини назарда тутадиган маъмурий, тиббий-санитария чора-тадбирлари ва бошқа чора-тадбирлар;

3. юқумли ва паразитар касалликлар тарқалишининг олдини олишга қаратилган, хўжалик фаолияти ва бошқа фаолиятнинг алоҳида тартибини, аҳоли, транспорт воситалари, юклар ва (ёки) товарлар ҳаракатланишинингчекланишини назарда тутадиган маъмурий чора-тадбирлари ва бошқа чора-тадбирлар;

### **6. Санитария-эпидемиологик вазият бу:**

1.\* аҳоли яшаётган мухитининг ва соғлигининг муайян ҳудуддаги, кўрсатилган аниқ вақтдаги ҳолати;

2. аҳоли яшаётган мухитининг ва соғлигининг муайян ҳудуддаги, кўрсатилган ҳолати;

3. аҳоли ишлаётган мухитининг ва соғлигининг муайян ҳудуддаги, кўрсатилган аниқ вақтдаги ҳолати;

### **7. Санитария-эпидемиология хизмати бу:**

1. ахолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги фаолиятниамалга оширувчи давлат санитария-эпидемиология назорати марказларини ва пунктлари.

2. аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги фаолиятниамалга оширувчи давлат санитария-эпидемиология назорати марказларини ва хўжалик муассасалар.

3. \* аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги фаолиятниамалга оширувчи давлат санитария-эпидемиология назорати марказларини.

### **8. Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги бу:**

1.\* аҳоли соғлигининг ҳолати бўлиб, бунда инсонга яшаш мухити омилларининг заарли таъсири мавжуд бўлмайди ва унинг ҳаёт фаолияти учун қулай шарт-шароитлар таъминланади;

2. аҳоли соғлигининг ҳолати бўлиб, бунда инсонга яшаш мухити омилларининг заарли таъсири мавжуд бўлмайди ва унинг ҳаёт яхшилади;

3. аҳоли соғлигининг ҳолати бўлиб, бунда инсонга яшаш мухити омилларининг заарли таъсири мавжуд бўлмайди.

### **9. Инсоннинг яшаш мухити бу:**

1. инсоннинг ҳаёт фаолияти шарт-шароитларини белгилайдиган объектлар, ва атроф-муҳит омиллари мажмуи;

2. инсоннинг ҳаёт фаолияти шарт-шароитларини белгилайдиган ҳодисалар ва атроф-муҳит омиллари мажмуи;

3.\* инсоннинг ҳаёт фаолияти шарт-шароитларини белгилайдиган объектлар, ҳодисалар ва атроф-муҳит омиллари мажмуи;

### **10. Санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирлар бу:**

1. юқумли касалликлар пайдо бўлишининг ҳамда тарқалишининг олдини олишга ва уларни бартараф этишга қаратилган ташкилий, маъмурий, муҳандислик-техник, тиббий-санитария чора-тадбирлари ҳамда бошқа чора-тадбирлар;

2. \* юқумли ва паразитар касалликлар пайдо бўлишининг ҳамда тарқалишининг олдини олишга ва уларни бартараф этишга қаратилган ташкилий, маъмурий, муҳандислик-техник, тиббий-санитария чора-

тадбирлари ҳамда бошқа чора-тадбирлар;

3. юқумли ва паразитар касалликлар пайдо бўлишининг ҳамда тарқалишининг олдини олишга ва уларни бартараф этишга қаратилган ташкилий, муҳандислик-техник, тиббий-санитария чора-тадбирлари ҳамда бошқа чора-тадбирлар.

**11. Қайси йилда қайси рақам билан Давлат санитария назорати қонуни тасдиқланган:**

A. 2 феврал 1985 йил № 550Б. 1 декабр 1986 йил № 600

B. \*3 июн 1992 йил № 657/12Г. 5 январ 1999 йил № 475

**12. Ўзбекистон Республикаси қомуси қайси йилда тасдиқлаган:**

A. 1985 йил 8 декабрБ. 2 феврал 1985 йил № 550

B.\* 8 декабр 1992 йилГ. 15 январ 1987 йил

**ДСЭНМ ўқув модули иш фаолияти асосида ДСЭНМ тузилиши билан**

**танишиш. ДСЭНМ санитария-гигиена бўлими фаолияти ҳакида**

**тушунча.**

**Давлат санитария назорати** - бу санитария қонунларининг бузилишини олдини олиш, аниқлаш ва уларга чек қўйишга қаратилган санитария эпидемиология хизматининг фаолиятидир.

Давлат санитария назорати Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли санитария эпидемиология назорати марказларига тегишли идоралар ва муассасалар орқали амалга оширилади.

Ушбу ташкилотлар ва муассасаларнинг вазифалари ва иш фаолиятининг мазмуни Ўзбекистон Республикаси қомуси, Республика Президентининг «Фуқораларини саломатлигини ҳимоя қилиш», «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг фармонлари ва бошқа қарорлари, харакатдаги меъёрий хужжатлари билан белгиланади.

Давлат санитария назорати: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология назорати республика маркази, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар,

туманлар ҳамда шаҳарлар давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари томонидан; Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг, Ички ишлар вазирлигининг, Миллий хавфсизлик хизматининг, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг тегишли таркибий бўлинмалари томонидан амалга оширилади. Давлат санитария назорати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган бошқа вазирликлар ва идораларнинг тегишли таркибий бўлинмалари томонидан амалга оширилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология назорати республика маркази, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари ушбу модданинг биринчи қисми учинчи хатбошисида ҳамда иккинчи қисмida кўрсатилган таркибий бўлинмаларнинг фаолиятига услубий раҳбарлик қилинишини, бу фаолият мувофиқлаштириб борилишини таъминлайди.

### **Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор**

**Шахслар.** Давлат санитария назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш: Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачининг, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар бош давлат санитария врачларининг, улар ўринbosарларининг; Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг, Ички ишлар вазирлигининг, Миллий хавфсизлик хизматининг, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг тегишли таркибий бўлинмалари раҳбарларининг;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мансабдор шахсларнинг зиммасига юклатилади.

Санитария - эпидемиология хизмати муассасалари аҳолининг турмуш шароитини, меҳнат, яшаш, овқатланиш, атроф-муҳит ҳолатини соғломлаштириш, янада яхшилаш бўйича халқ-хўжалиги обьектларида санитария назоратини олиб бориш орқали умумжамият профилактикаси билан шуғулланади. Санитария-эпидемиология хизмати ташкилотлари

санитария-гигиеник ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни олиб боради ва ушбу тадбирларни ўтказиш бўйича давлат санитария назоратини ўтказади. Давлат санитария эпидемиология назорат марказларининг структураси:

Барча Давлат санитария эпидемиология назорат марказлари қўйидаги асосий бўлимлардан ташкил топган:


- санитария-гигиена
- эпидемиология
- дезинфекция
- лаборатория бўлими.






Давлат санитария эпидемиология назорат марказларининг қўшимча бўлималарини ташкил қилиниши уларнинг турига ва категорияларга боғлиқ.

Давлат санитария эпидемиология назорат марказлари давлат тасарруфидан чиқарилмайди ва хусусийлаштирилмайди.

Расм 5. Ўзбекистонда санитария-эпидемиология хизматини ташкил этиш мавзусининг грофологик структураси ва амалий кўникмаларини эгаллашнинг «қадамба- қадам» технологияси.

#### Ўқув объектлари Ўқув элементлари





2. Халқ хўжалиги обьектларини, технологик қурилмалар ва ускуналар ҳамда транспорт воситаларини режалаштириш, жойлаштириш, лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланишга топшириш пайтида аҳоли

саломатлигига зарар етказиши мумкин бўлган ташқи муҳит омилларини олдини олиш бўйича огоҳлантирувчи санитария назоратини ўтказиш.

3.Аҳоли санитария маданиятини ошириш.

4.Ишлаб чиқариш ва ижтимоий фаолиятининг асосий таркибий қисми бўлган санитария ва эпидемияга қарши тадбирларни ўтказиш.

Юқорида келтирилганларга қўшимча Республика Давлат санитария эпидемиология назорат марказлари қўйидаги вазифаларни бажаради: мамлакатимизда орттирилган тажриба ва дунёдаги энг илгор ютуқлардан фойдаланган ҳолда санитария-гигиена, эпидемиология ва юқумли касалликлар профилактикаси соҳалари бўйича тиббиёт фанини тарақкий эттиришнинг стратегик ва истиқбол режаларини тузиш, фан-техника соҳасидаги ютуқларни ва илгор тажрибаларни амалиётга тадбиқ этиш, Давлат санитария эпидемиология назорати бўйича нормативлар ва стандартлар тизимини яратиш.

Шаҳар ва туман Давлат санитария эпидемиология назорат марказларининг функциялари:

Туман ва шаҳарлар (*туманларга бўлинмаган*) давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари ўз ваколатлари доирасида:

- аҳолининг санитария-эпидемиологик хотиржамлигини таъминлаш бўйича маҳаллий давлат бошқарув идоралари, ҳуқуқни ҳимоя қилиш, табиатни ҳимоя қилиш, назорат қилиш идоралари ва жамоат бирлашмалари билан бирга иш олиб боради;
- қайси идорага бўйсунишидан ва мулкчиликнинг шаклларидан қатъий назар давлат идоралари, корхоналар, ташкилотларга атроф муҳитни, соғломлаштириш, аҳоли орасида касалликларнинг тарқалишини олдини олиш ва камайтириш бўйича санитария-гигиеник ва эпидемияга қарши нормалар ва қоидаларга риоя этиш масалаларида йўл-йўриқлар кўрсатади;
- касалликнинг олдини олиш ва санитария-эпидемияга қарши йиллик ва ойлик иш режаларини тузади;

- тегишли ташкилотлар ва муассасалар билан биргалиқда санитария-соғломлаштириш тадбирлари режасини ишлаб чиқиша қатнашади;
- назорат остидаги объектларни санитария ҳолатини яхшилаш учун режа-масалалар ишлаб чиқади ва ўтказилаётган тадбирларни самарадорлигини таҳлил қиласы;
- одамларни яшаш ва ишлаш шароитларига ёмон таъсир қилувчи, атроф мұхитни заһарловчы кимёвий, биологик ва физик манбаларни аниклады;
- маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораларига санитария-соғломлаштириш тадбирларини ўтказиш ва уни қўриб чиқиши бўйича таклифлар тайёрлайди;
- санитария эпидемиология станциялари ишида янги ташкилий формаларни ва услубларни, эффектив профилактик воситалар ва усулларни ишлаб чиқади ва амалда қўллады;
- назоратдаги объектларда лаборатория текширувларини ва асбоблар ёрдамида ўлчашларни ўтказади, корхоналар лабораторияларига атроф мұхитни ифлосланганлигини назорат қилиш бўйича методик ёрдам қўрсатади;
- қайси идорага бўйсунишидан ва мулкчиликнинг шаклидан қатъий назар товар ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларига сертификат беришни пуллик хизмат асосида ўтказади;
- назорат остидаги объектларнинг меҳнаткашлари ва аҳоли орасида илмий, гигиеник билимларни тарғибот қилишда қатнашади.

**Давлат санитария эпидемиология назорат марказлари таркиби:**

Бош врач.

**Санитария гигиена бўлими:**Комунал гигиена бўлинмаси. Меҳнат гигиена бўлинмаси. Овқатланиш гигиена бўлинмаси. гигиена бўлинмаси.  
**Санитария гигиеник лабаратория:** коммунал ва овқатланиш гигиена,

ҳамда овқат маҳсулотлари ва ташқи муҳит объектларида қолдиқ пестицидлар миқдорини аниқлаш бўлинмаси.

**Эпидемиология бўлими:** Эпидемияга қарши бўлинма. Паразиталогия бўлими лаборатория билан. Эпидемиологик кўзатиш

гурухи.Бактериологик лабаратория. Вирусологик лабаратория.

**Дезинфекцион бўлим.**Камерали дезинфекция, санитария обработка бўлинмаси.Ўчоқли дезинфекция ва эвакуация бўлинмаси.

Давлат санитария эпидемиология назорат марказлари бўлимларининг иш вазифалари:

1. Мехнат гигиенаси бўлими.

- мулкчиликнинг шаклидан ва қайси идорага бўйсунишидан қатъий назар корхоналар, бирлашмалар ва бошқа ишлаб чиқариш объектлари учун ер участкаси ажратишда иштирок этиш ва хulosaga бериш.
- мулкчиликнинг шаклидан ва қайси идорага бўйсунишидан қатъий назар корхоналар, бирлашмалар ва бошқа ишлаб чиқариш объектларини лойиҳалаш, куриш, қайта куриш, янгилаш чоғида, корхоналарнинг техника билан қайта қуроллантириш ва уларни фойдаланишга топшириш пайтида санитария нормалари, қоидалари ва гигиеник нормативларга амал қилинганлигини назорат этиш ва хulosalalar бериш.
- лаборатория ва инструментал ўлчов усулларини кўллаб, микро-иқлим, шовқин, вибрация, чанг, электромагнит ва иссиқлиқдан нурланиш, вентиляция самарадорлиги, табиий ва сунъий ёритилганликни ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарининг санитария-гигиеник ҳолатини ўрганиш.
- қасб касалликлари, заҳарланишлар ва баҳтсиз ҳодисаларини олдини олиш мақсадида мулкчиликнинг шаклидан қатъий назар, корхоналар, муассаса, ташкилот ва бирлашмаларнинг ходимларини дастлабки ҳамда даврий тиббий кўриқдан ўтказиш ва олинган маълумотлар асосида аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

- қишлоқ хўжалиги, саноат ишлаб чиқариш корхоналаридаги ишчилар ўртасида жароҳатланиш ва ногиронликни, вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизликни, умумий ва касб касалликларини аниқлаш.
- ишчиларни соғломлаштириш, дам олиш ва иш шароитларини яхшилаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиши.
- қишлоқ хўжалиги ва саноат корхоналарида ишлаётган аёл ва ўсмирларнинг меҳнат шароитларини ўрганиш ва унда меҳнат бўйича қонунларга риоя қилинишини текшириш.
- ишчиларнинг техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишларини, шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланишларини назорат остига олиш.
- минерал ўғитлар ва кимёвий заҳарларни ишлаб чиқариш, саклаш, транспортировка қилиш ва қўллашда санитария қоидаларига риоя қилишларини назорат остига олиш.

## 2. Овқатланиш гигиенаси бўлими:

- мулкчиликнинг шаклларидан қатъий назар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва озиқ-овқат хомашёси ишлаб чиқариш, уларни саклаш, ташиб, сотиш билан шуғулланувчи корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмаларни қуриш учун ер участкасини ажратишда иштирок этиш ва хulosалар бериш.
- қайд этилган идоралар, корхоналар, муассасаларни лойиҳалаштириш, қуриш, қайта қуриш, янгилаш ва уларни фойдаланишга топшириш чоғида санитария нормалари ва гигиеник нормативларга амал қилингандигини назорат этиш ва хulosалар бериш.
- янги озуқа кўшимчаларини маҳсус қўшиладиган биологик фаол моддаларни, озиқ-овқат маҳсулотлари сакланадиган идишларни янги турларини ишлаб чиқишида ва қўллашда уларнинг заҳарлилигига гигиеник жиҳатдан баҳо бериш.

- озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, транспортировка(*маҳсус мосламаларда*) қилиш, сақлаш ва тарқатишда санитария-гигиеник нормаларга риоя қилишни назорат остига олиш.
- маҳсулот ишлаб чиқариши, идишлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, ўраш материалларини санитария талаблари нуқтаи назаридан текшириш.
- умумий овқатланиш объектлари, сут, гўшт саноат корхоналари, савдосотик тармоқлари устидан санитария-гигиеник ва лаборатория назоратини ўтказиш.
- овқатланиш(*алиментар*) йўллари орқали келиб чиқиши мумкин бўлган юқумли касалликларни ва озиқ-овқатдан заҳарланишларнинг профилактик тадбирларини ишлаб чиқиш.
- сут, гўшт заводлари, озиқ-овқат дўконлари, овқатланиш объектларида ишчиларнинг саломатлигини ва уларнинг профилактик тиббий кўриқдан ўз вақтида ўтишларини назорат қилиш.
- ҳар хил табақалардаги аҳолининг ўзига хос бўлган физиологик хусусиятларини қайд қилиб оқилона овқатланиш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.
- озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи, умумий овқатланиш корхоналарида ишловчи ишчи хизматчиларнинг саломатлигини ўрганиш.

### 3. Коммунал гигиенаси бўлими:

- мулкчиликнинг шаклларидан қатъий назар коммунал хўжалик, спорт иншоотлари, санитария майший бинолар, даволаш профилактика, турар жой бинолари ва бошқа муассасалар бинолари учун ер участкаси ажратишда иштирок этиш ва хulosалар бериш.
- қайд этилган идоралар, корхоналар, муассасаларни лойиҳалаш, қуриш, қайта қуриш, янгилаш ва уларни фойдаланишга топшириш чоғида санитария нормалари, қоидалари ва гигиеник нормативларга амал қилинганинглигини назорат этиш ва хulosалар бериш.

- давлат идоралари, мулкчиликнинг шаклларидан қатъий назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар хўжалик ичимлик суви таъминотининг марказлаштирилган тизимлари етказиб берадиган сувнинг сифати гигиена талабларига ва давлат стандартларига мос бўлишилигини таъминлашларини назорат этиш.
- давлат идоралари, мулкчиликнинг шаклларидан қатъий назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар ва алоҳида шахслар рўзғорда ва майший мақсадларда ишлатиладиган ҳавзалардаги сувнинг, шу жумладан марказлаштирилмаган тартибда таъминланадиган сувнинг сифати амалдаги санитария нормалари ва қоидаларига мос бўлишилигини таъминлашларини назорат қилиш.
- лаборатория ва инструментал текшириш усулларини қўллаб ташқи мухитнинг санитария ҳолатини, шунингдек унинг аҳоли соғлигига таъсир этишни ўрганиш.
- атмосфера ҳавосини траспорт воситалари чиқиндиларидан мухофаза этиш бўйича тадбирлар ўтказиш.
- атмосфера ҳавоси, тупроқ, сув ҳавзаларини санитария ҳолатини бузгаётган саноат корхоналари ва майший муассасалар манбаларини аниқлаш, рўйхатга олиш, паспортини тузиш, улардан ифлосланишнинг олдини олиш.
- тозалаш қурилмаларини ва асбобларини техникавий ҳолатини, ишлатилишини назорат остига олиш ва самарадорлигини баҳолаш.
- тураг жой пунктларини сув билан таъминлаш, канализация, тозалаш ва кўкарамзорлаштириш ишларини назоратга олиш.
- шовқинга қарши кураш тадбирларини кўриш.
- аҳолининг ва коммунал обьектдаги ишчиларнинг соғлигини ўрганиш.
- аҳолининг соғлом бехатарлигини таъминлаш тадбирларини кўриш.
- коммунал обьектларини лаборатория ва санитария назорати остига олиш.

- ўрмон, боғ, ҳайвон, сув манбалари атрофида кимёвий заҳарларга ишлов бериш объектларини, шунингдек шу кимёвий заҳарларни савдо орқали аҳолига сотишни назорат қилиш

4. Болалар гигиенаси бўлими:

- болалар муассасалари, ўқув юртларини қуриш учун ер участкаси ажратилишида иштирок этиш ва хулосалар бериш.
- юқорида қайд этилган объектларни ва лойиҳалаш, қуриш, қайта қуриш, уларни фойдаланишга топшириш чоғида санитария нормалари қоидалари ва гигиеник нормативларига амал қилингандигини назорат этиш ва хулосалар бериш.
- болалар мебели, ўйинчоқ, китоб, кийим ва шахсий фойдаланиш асбобларини жорий қилиш ва ишлаб чиқариш даврида санитария назоратини ўтказиш.
- Болаларни ўқитиш ва тарбия қилиш, овқатланиш, дам олиш шароитларини (*кун тартибини, ўқув жадвалини*) санитария ва гигиеник жиҳатдан баҳолаш.
- мактабгача тарбия муассасалари, мактаб-интернат, гимназия, лицейлар, касб-хунар коллажлари, болаларни соғломлаштириш муассасаларида ва шу каби мактабдан ташқари объектларида тиббий хизмат ташкил этилгандигини, санитария -гигиена ва эпидемияга қарши кураш қоидаларига риоя қилинаётгандигини назорат остига олиш.
- полимер материалларни қўлланилишини, болалар мебели, кийим-кечак, китоб, ўйинчоқ, кундалик асбобларни ишлаб чиқарилишини назоратга олиш.
- ўсмирларга касб танлаш тўғрисида маслаҳат бериш.
- ишчи ўсмирларнинг турмуш, меҳнат шароитларини, уларга тааллуқли меҳнат қоидаларига риоя қилишни назорат остига олиш.
- болалар муассасалари ходимларининг профилактик тиббий кўрикларини ўз вақтида ўтказилишини назорат қилиш.

- мактабгача тарбия муассасаларидаги болаларни, мактаб, гимназия, лицей ва коллежларда ўқиётган ўқувчиларни тиббий қўриқдан ўз вақтида ўтказилишини ташкил қилиш.
- болаларнинг касалликларини, жисмоний ривожланишларини ўрганиш уларга таъсир қиласиган омилларни аниқлаш: болаларни гармоник ривожланиши бўйича санитария-гигиеник чора-тадбирларнинг ишлаб чиқиш.

## 5. Эпидемиология бўлими:

- мулкчиликнинг шаклларидан қатъий назар, корхоналар муассасалар, ташкилотлар, бирлашмаларни раҳбарлари ва алоҳида шахслар юқумли ва паразитар ва бошқа оммавий касалликларни олдини олишга қаратилган тадбирларни, шунингдек улар келиб чиқсан тақдирда, бу касалликларни йўқотиш чораларини ўз вақтида амалга оширишлари устидан назорат олиб бориш.
- муҳим стационарларда ички инфекцияни тарқалишини олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ўтказилишини назорат қилиш.
- юқумли касалликка чалинган bemorlarни ўз вақтида аниқлаш ва касалхоналарга ётқизиш, инфекция манбаларини (*ўчоғини*) эпидемиологик текшириш ва назорат қилиб туриш.
- юқумли ва паразитар касалликлар ўчоқларида карантин, ташкилий ва профилактик тадбирларни ўтказиш.
- клиник, бактериологик ва эпидемиологик диагностикани жорий этиш.
- иншоотларни (*объектларни*) режа бўйича текшириш, ҳамда инфекцион касалликлар билан оғриган bemorlar ва инфекция манбалари билан контактда бўлган шахсларни бактериологик текшириш ва бактерия ташувчиларни аниқлаш.
- сурункали юқумли касаллик билан оғриган bemorlarни ва реконвалецентларни диспансеризация қилиш устидан назорат ўрнатиш.

- профилактик эмлашларни назоратга олиш ва методик жиҳатдан раҳбарлик қилиш.
- аҳолининг ҳар хил гурухлари орасида тарқалган юқумли касалликларни ўрганиш ва уларни олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

**ДСЭНМнинг асосий иш усуслари:** назорат остидаги обьектларнинг санитария ҳолатини ёзиш усули; лаборатор ва инструментал текшириш усуслари (текширишга кўра кимёвий, физик, биологик, физиологик); огоҳлантирувчи ва жорий давлат санитария назорати, атроф-муҳит омилларининг инсон организмига таъсири, аҳолининг яшаш ва майший шароитлари, юқумли ва юқумсиз касалликлар, аҳоли демографияси ва касалланиш маълумотларни ишлаб чиқиш ва ўрганишга асосланган статистик тадқиқот усули.

Санитария текшириш натижалари асосида текширув далолатномаси (315-Х/Ш), кўринишида, санитар қоидаларни бузганлиги тўғрисидаги баённома (309-Х/Ш), жарима солиш қарори (310-Х/Ш) ва иш фаолиятини тўхтатиш ва рухсат этмаслик тўғрисидаги (306-Х/Ш) қарори тўлдирилади.

- Текширилаётган обьектнинг санитария ҳолати қониқарсиз бўлса (далолатномада бу бузилишлар кўрсатилади) муддатлари кўрсатилган ҳолда керакли тадбирлар ўтказиш талаб қилинади. Бу талаблар бажарилмаган ҳолда ДСЭНМ Бош Давлат санитария врачи (ёки ўринбосари) "Санитар қонун, санитария меъёр ва қоидалари, гигиеник кўрсатмаларни бузганлиги тўғрисидаги маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиш ҳақидаги йўриқнома", шунингдек Вазирлар мажкамасининг 1998 йил 8 апрелдаги Давлат санитария эпидемиология назорати фаолияти самарадорлиги ошириш бўйича 147-сонли буйруғига асосан керакли тадбирий чораларни кўради.

### **Вазиятли масалалар**

**Масала № 1.** Ўзбекистон Республикаси ДСЭНМ лари ҳар бир таркибий қисмларининг асосий вазифалари нималардан иборатлигини аниqlанг

Сан.эпид хизмат таркиби	Вазифалари
1. Ўзбекистон Республикаси ССВ лиги Давлат санитария – эпидемиология Бош бошқармаси.	_____
2. Ўзбекистон Республикаси ДСЭНМ лари.	_____
3. Қорақалпоғистон Республикаси ДСЭНМ лари ва Тошкент шаҳар ДСЭНМ лари.	_____
4. Вилоятлар ДСЭНМ лари.	_____
5. Шаҳарлар ва туманлар ДСЭНМ лари.	_____
6. Дезинфекция хизмати.	_____
7. Лаборатория.	_____

**Масала № 2.** Қўйида кўрсатилган функцияларни бажарувчи санитария-эпидемиология хизматининг таркибий қисмларини айтиб беринг.

Ўзбекистон Республикаси санитария - эпидемиология хизмати таркибий қисмлари	ФУНКЦИЯЛАРИ
_____	<ol style="list-style-type: none"> <li>Огоҳлантирувчи санитария назорати.</li> <li>Жорий санитария назорати.</li> <li>Эпидемияга қарши чора – тадбирларни режалаштириш ва координациялаш.</li> <li>Вирусли гепатитга қарши кураш.</li> <li>Алохида инфекцияларга нисбатан чора - тадбирларни ташкиллаштириш ва ўтказиш.</li> <li>Дезинфекцион чора - тадбирлар</li> </ol>

	<p>ўтказиш.</p> <p>7. Лаборатория текширувлари ўтказиш.</p>
--	---

**Масала № 3.** Давлат санитария эпидемиология назорат марказлари ишини ташкиллаштириш ва унинг мазмуни билан танишишлари зарур.

### **Назорат саволлари**

1. Аҳолининг санитар-эпидемиологик барқарорлигини таъминлаш бўйича асосий ташкилий чора-тадбирлар.
2. Соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва гигиеник тарбиянинг амалга оширилишида ДСЭНМ роли.
3. Давлат санитария назоратида қўлланиладиган қонуний хужжатлар.
4. ДСЭНМ БЎГ бўлими ишини уюштиришнинг асосий йўналишлари.
5. ДСЭНМ БЎГ бўлимида асосий тадқиқот услублари.
6. Кайси ДСЭНМ I даражадаги бошқарувга киради?
7. ДСЭН ташкилий аспектлари.
8. ДСЭН вазифалари.
9. Коммунал гигиена соҳасида давлат санитария назорати.
10. ДСЭНМ коммунал гигиена бўлимининг асосий вазифалари.
11. Атроф мухитни соғломлаштириш устидан олиб бориладиган чора-тадбирларга қаратилган огохлантирувчи санитария назорат.
12. Атроф мухитни соғломлаштириш устидан олиб бориладиган чора-тадбирларга қаратилган жорий санитария назорат.
13. Аҳоли ўртасида касалланиш ҳолатини камайтириш ва уни олдини олишга йўналтирилган чора-тадбирлар.
14. Болалар саломатлиги ва жисмоний ривожланишини назорат килиш.

### **ТЕСТ**

**1.Ўзбекистон Республикасида санитария-эпидемиология хизматининг асосий вазифаси-**

1. \*Инсон саломатлигини сақлаш.

2.Режаларни амалга ошириш.

3. Болалар саломатлиги ва жисмоний ривожланишини назорат килиш.

**2.Ўзбекистон Республикасида санитария-эпидемиология хизматининг хуқуқий асослари-**

1. «Фуқаролар саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисидаги» Қонун;

«Ўзбекистон Республикасида Давлат санитария назорати тўғрисидаги»

Қонун; Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг фармойишлари ва

буйруқлари; ДавСТ, СанМ ва Қ, ПДК.

2. \*Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;

«Фуқаролар саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисидаги» Қонун;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг фармойишлари ва буйруқлари;

ДавСТ, СанМ ва Қ, ПДК.

3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;

«Фуқаролар саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисидаги» Қонун;

«Ўзбекистон Республикасида Давлат санитария назорати тўғрисидаги»

Қонун; Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг фармойишлари ва

буйруқлари; ДавСТ, СанМ ва Қ, ПДК.

**3. ДСЭНМ да назорат турлари -**

1. Доимий назоратининг бирлик принципи.

2.Жорий санитария назоратининг бирлик принципи.

3.\*Огохлантирувчи ва жорий санитария назоратининг бирлик принципи.

**4.ДСЭНМ таркиби-**

1. Рахбарият.Санитария-гигиена бўлими. Эпидемиология бўлими.

Дезинфекция бўлими.

2. \*Рахбарият.Санитария бўлими. Эпидемиология бўлими. Дезинфекция бўлими.

3. Рахбарият.Санитария-гигиена бўлими. Дезинфекция бўлими.

**5.Мехнат гигиенаси бўлими ДСЭНМ қайси бўлими таркибига киради?**

1. Эпидемиология бўлимига.

2.\*Санитария-гигиена бўлимининг таркиби

3. Дезинфекция бўлимига.

**6. болаларгиенаси бўлими ДСЭНМ қайси бўлими таркибига киради?**

1.\*Санитария-гигиена бўлимининг таркибига.

2. Эпидемиология бўлимига.

3.Рахбариятга.

**7. Овқатланиш гигиенаси бўлими ДСЭНМ қайси бўлими таркибига киради?**

1. Санитария бўлимининг таркибига.

2. Санитария-овқатланиш бўлимининг таркибига.

3.\*Санитария-гигиена бўлимининг таркибига.

**8. Коммунал гигиена бўлими ДСЭНМ қайси бўлими таркибига киради?**

1.\*Санитария-гигиена бўлимининг таркибига.

2. Санитария бўлимининг таркибига.

3. Санитария-коммунал бўлимининг таркибига.

**9. Санитария-гигиена лабораториясиДСЭНМ қайси бўлими таркибига киради?**

1.\*Санитария-гигиена бўлимининг таркибига.

2. Санитария бўлимининг таркибига.

3. Гигиена-коммунал бўлимининг таркибига.

**10.Врачлар ва уларнинг ёрдамчилари томонидан объектларга даврий равишда ташриф буюриш қайси назорат турига киради?**

1. Контрол назоратининг бирлигига.

2.Жорий санитария назорат.

3.\*Огохлантирувчи санитария назорат.

**11. Давлат санитария назорати қандай қисмлардан иборат:**

А. \*огохлантирувчи ва жорий санитария назоратлари

Б. огохлантирувчи санитария назорати ва санитария маориф иши

В. жорий санитария назорати ва илмий ишлар

Г. жорий санитария назорати ва тиббий кўриклар

Д. жорий санитария назорати ва аҳолининг овқатланишини ўрганиш.

### **13. Туман ДСЭНМ қайси ташкилотга бўйсинади:**

- А. хокимият, шаҳар ДСЭНМ
- Б. \*туман соғлиқни сақлаш бошқармаси
- В. соғлиқни сақлаш вазирлиги
- Г. хокимият, шаҳар ДСЭНМ, туман соғлини сақлаш бошқармаси
- Д. хокимият, туман соғлиқни сақлаш бошқармаси

**Гигиенада қўлланадиган усуллар ҳақида тушунча. Санитар текширув усуллари ва уларнинг аҳамияти.**

**Атроф мухит тушунчаси.** Атроф мухит деганда инсонни ўраб турган борлик ва унинг таркибига кирувчи атмосфера хавоси, сув мухити, тупроқ мухити, озиқ-овқат маҳсулотлари, ҳамда ишлаб чиқариш ва инсонларнинг ҳўжалик фаолиятлари кузатиладиган ва инсон организмига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган гигиеник омилларнинг мажмуасини мужассамлаштирган мухит назарда тутилади. Атроф мухитнинг асосий обьектлари қаторига хаво, сув, тупроқ, овқат маҳсулотлари, меҳнат ва турмуш шароитлари, болаларнинг тарбиялаш ва ўқитиш шароитлари ҳисобланади. Бу обьектларнинг хар бири учун у ёки бу хусусиятлар хосдир, шунинг учун бу омилларни қуидаги гурухларга бўлиш жоиздир.

**Физикавий омиллар** - хаво мухитининг харорати, намлиги, ҳаракати тезлиги, атмосфера босими, шовқин, тебраниш, ҳавонинг чангланганлиги, турли табиатга эга бўлган нурланишлар, электромагнит тўлқинлар ва х.к. Атроф мухитдаги кўпгина физикавий омиллар табиий хисобланиб, айрим шароитларда инсоннинг ҳаёти ва фаолияти учун жуда зарурдир; қолган омиллар эса сунъий келиб чиқиши табиатига эга бўлганлиги учун (лазер нурлари, ўта юқори частотали электр майдонлари ва б.) инсон организми учун зурурий омил эмас. Хоҳ табиий ва хоҳ сунъий табиатга эга бўлган физикавий омиллар айрим шароитларда ва даражаларда организм учун

заарли таъсир этиш хусусиятига эга, натижада организмда патологик холатларни келтириб чиқариши мумкин.



Расм 6. Люксметр

**Кимёвий омиллар.** Инсонни ўраб турган ҳамма мухитда кимёвий омилларнинг мажмуаси мавжуддир. Улар ҳаво, сув, тупроқ, озиқ-овқат махсулотлари таркибига киради. Инсон организми билан атроф мухитнинг бирлиги ташқи мухит объектларининг табиий кимёвий таркиби ҳамда одам организми ўртасидаги муносабати ва мувозанати билан боғлиқдир. Шунинг учун атроф мухит объектларида у ёки бу кимёвий элементнинг юқори ёки паст даражадаларда бўлиши одам организмидаги ҳам ўз аксини топади, айниқса атроф мухит объектларида сунъий тарзда хосил бўлган кимёвий бирикмалар организм учун бегона бўлиб, уларнинг миқдорлари рухсат этиладиган миқдорлардан ортиб кетганда организмда заҳарланиш холатларини келтириб чиқариши мумкин.



Расм 7. Кимёвий омиллардан ҳимоя воситалар

**Биологик омиллар.** Биологик омиллар гурухига бизни ўраб турган мухитдаги турли табиатга эга бўлган макро ва микроорганизмлар, вируслар, замбуруғлар, гелминтларни ёки уларнинг ишлаб чиқарган махсулотларини киритиш мумкин. Атроф мухитда бўладиган айрим турдаги микроорганизмлар ижобий рол ўйнайди. Чунки улар сув, тупроқ мухитининг ўз-ўзидан тозаланиш жараёнларида иштироқ этади ва айрим турдаги микроорганизмлар эса овқат махсулотларини ишлаб чиқаришда кенг кўламда фойдаланилади. Микроблар, вируслар, замбуруғларнинг атроф мухит объектларида мунтазам равишда бўлиши гигиеник нуқтаи-назардан номувофиқ хисобланади.



Расм 7. Кимёвий омиллардан ҳимоя воситалар

**Ижтимоий омиллар.** Бу омиллар қаторига инсонларнинг меҳнат қилиш, дам олиш, кундалик турмуш шароитлари, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш кабиларни киритиш мумкин. Ижтимоий омиллар ўзининг таркиби бўйича жуда мураккаб бўлиб, уларнинг табиати ва энг аввал айрим бир давлатнинг ижтимоий-иқтисодий шароитларига боғлиқдир.

Гигиена фани мустақил фаолият кўрсатувчи фан бўлиб, одам организмига атроф мухитдаги омилларнинг таъсирини ўрганибгина қолмай олинган натижалар асосида аҳоли учун энг мувофиқ яшаш, меҳнат қилиш шароитларини, овқатланиш тартибларини, сув таъминотини, турад-жойлар билан таъминлаш масалаларини ишлаб чиқади. Бу мақсадларга эришиш учун гигиена ўз олдига қўйидаги вазифаларни қўяди:

Атроф мухитдаги омилларни ўрганиш ва уларни одам организмига таъсир этиш хусусиятларни аниқлайди.

Олинган натижаларга асосланиб одам организми учун бефарқ бўлган ва узоқ муддат давомида таъсир этганда ҳам заарли таъсир кўрсатмайдиган гигиеник меъёрлар ва регламентларни ишлаб чиқади.

Ишлаб чиқилган меъёрлар ва регламентларни ҳаётга тадбиқ қилиш ва уларнинг бажарилишини назорат қиласи.

Бизга маълумки, ҳар қандай гигиеник меъёр ёки регламентни ҳаётга тадбиқ қилишни гигиенанинг мухим бир қисми бўлган санитария амалга оширади. Гигиенага оид вазифаларни амалга оширишда турли усуслардан фойдаланилади ва бу усувлар ўзининг моҳиятига кўра қўйидаги гурухларга бўлинади:

**Атроф мухит омилларини текшириш усувлари** (усувлардан намуналар келтирилган): санитар тавсифий усул, физикавий усувлар, кимёвий усувлар, биологик усувлар. **Атроф мухит омилларини организмга таъсирини ўрганиш усувлари:** физиологик холатларни текшириш усувлари айрим органларнинг функционал холатларини текшириш усувлари.



Расм 8.Ишчи зоналарда заарли моддаларни таъсири

Келтирилган омилларнинг одам организмига таъсирини ўрганиб, гигиена фани бошқа табиий фанлар билан яқин алоқада бўлади, жумладан физиология, токсикология, кимё, физика, клиник фанлар кабилар. Атроф мухитдаги келтирилган омилларнинг жуда кўплиги ва табиати бўйича турлича таъсир этиш хусусиятларини инобатга олиниб, улар учун гигиеник меъёрлар ва регламентлар ўрнатилган. Белгиланган меъёрларга асосан одам организми учун заарли таъсир кўрсатадиган микдорлари жихатини хисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Масалан яашаш жойларининг микроиқлим параметрлари, хоналарнинг табиий ва сунъий ёритилиш даражалари, сув истеъмоли меъёрлари, овқатланишнинг физиологик меъёрлари ва б.

**Регламентлар** деганда атроф мухитдаги омилларнинг рухсат этилган параметрлари бўлиб, улар келтирилган омиллар гурухларининг ҳар бирига ҳам таалуқли бўлиши мумкин. Мас., гигиеник регламентларга ҳаво ва сув мухитидаги кимёвий омилларга нисбатан ишлаб чиқилган РЭК лар, шовқин ва тебранишга доир РЭД, РМ-ларга нисбатан ишлаб чиқилган РЭД лар, ўта юқори частотали электромагнит майдонлар учун меъёрлар шулар жумласидандир.

**Гигиеник меъёрларга** риоя қилиш инсон организмнинг нормал ўсиб ривожланишига таъсир қилибгина қолмай, балки турли касалликларни олдини олишда ҳам катта аҳамиятга эга. Гигиеник меъёрлани яратиш жуда мураккаб жараён бўлиб, турли хил тажрибалар ўтказиш йўли билан яратилади.



Расм 9. Гигиеник меъёрларни аниқлаш

**Гигиеник меъёрлаш қуйидаги босқичда ўтказилади:**

- 1- босқич : меъёрланинг керак бўлган хақида маълумот йифиш.
- 2- босқич йигилган маълумотлар асосида гигиеник меъёр белгилаш.
- 3- босқич: зарурат туғилганда меъёрни қайта қўриб чиқиб, янгиси билан алмаштириш.

**Барча гигиеник меъёрлар 2 та катта гурухга бўлинади :** 1. Доимий гигиеник меъёрлар; 2. Вақтинчалик гигиеник меъёрлар.

**Гигиеник нормативлар- Гигиеник меъёрлар:** овқатланишнинг физиологик меъёрлари, сув истеъмоли , ёритилганлик меъёрлари, микроиклим параметрлари.

**Гигиеник регламентлар:**

- -РЭК (руҳсат этилган концентрация)
- -РЭД (руҳсат этиладиган даража)
- -РЭД (руҳсат этиладиган доза)
- -ОБУВ – модданинг таҳминий ҳавфсизлик даражаси,
- ОДУ- руҳсат этиладиган таҳминий даража
- Санитар меъёрлар: ЎзР нинг СанҚМ, услугубий тавсияномалар, услугубий кўрсатмалар, инструктив хатлар ва б.к.

**Доимий гигиеник меъёрларга** риоя қилиш инсон саломатлигини таъминласа, вақтингалик гигиеник меъёрлар фақат хавфсизлигини таъминлайди.

**Доимий гигиеник меъёрларга қўйидагилар киради:**

ПДК - йўл қўйса бўладиган концентрация,

ПДД - йўл қўйса бўладиган доза,

ПДУ - йўл қўйса бўладиган даражা,

ПДВ - атмосфера хавосига чиқариладиган заарли моддаларни йўл қўйса бўладиган миқдори,

ПДС - оқава сувларга чиқариладиган суюқ чиқиндилар учун йўл қўйса бўладиган миқдор,

ДКМ - йўл қўйса бўладиган мигрантлар миқдори,

ДОК - йўл қўйса бўладиган қолдиқ миқдор,

ДСД - йўл қўйса бўладиган қунлик миқдор,

ОБУВ - таҳминий хавфсиз таъсир даражаси,


ДСТ - давлат стандартлари,

СанПИН - Санитар Қоида ва Меъёрлар

**Вақтингалик гигиеник меъёрлар** организмга салбий таъсир кўрсатиши мумкинбўлган заарли моддалар улар вақтингча, яъни 2 йил муддатгача қўйилади. Бу вақтдавомида заарли моддаларнинг хоссалари, таъсир механизmlари, органотроп таъсири кучли таъсир кўрсатиш шароитлари ўрганилади. 2 йилдан сўнг вақтингалик гигиеник меъёр доимий гигиеник меъёр билан алмаштирилади.



Расм 10.Иш шароитида гигиеник меъёрларни аниқлаш



Расм 11. Гигиеник меъёрлар

**Гигиеник меъёрлар ва регламентларни ўрнатиш ва уларнинг хаққонийлигини рўёбга чиқариш усуллари:** статистик усуллар, хисоблаш усуллари. Гигиенада қўлланадиган усулларга келтирилган таърифлар билан бизни тиббий-биологик ва бошқа фанларга ва соҳаларга доир текшириш усулларини тўла-тўкис билиш кераклиги ҳакида маълумотлар беради ва бу

усулларсиз бирорта хам гигиеник вазифани тулақонли хал этиш мүмкин эмаслигини күрсатади.

Давлат санитария эпидемиология назорат марказлари ўз ишида қуидаги асосий иш усулларини қўллади: - назорат қилинаётган обьектни санитария ҳолатини ёзиш усули; - лаборатория ва асбоблар билан текшириш усули; - статистик усул.

Санитария текширув натижалари, шу обьектнинг текширув мақсадига мувофик тавсиялар бериш ёки бошқа формада далолатнома тузиш билан якунланади. Текширилаётган обьектни санитария ҳолати қониқарсиз бўлса, муддатлари кўрсатилган ҳолда керакли тадбирлар ўтказиш талаб қилинади. Улар бажарилмаганда тегишли юридик ва жисмоний шахсларга Бош давлат санитария врачи ёки унинг муовини Ўзбекистон Республикасининг «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги қонунига ҳамда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга асосан маъмурий чора қўллади.

### **Мавзуни амалий кўникмаларини эгалашнинг ўқув технологияси**

**“Шажара дарахти” усули**

**“Атроф мухит омилларини текшириш усуллари”**

**Санитар тавсифий усул**

**Физикавий усуллар**

**Атроф мухит омилларини текшириш  
усуллари**

**Кимёвий усуллар**

**Биологик усуллар**

**Хаво  
харакати**

**Атмосфера  
босими**

## «Ечим дарахти» усули “ДСЭНМнинг асосий иш усуллари”

### Давлат санитария эпидемиология назорат марказлари асосий иш усуллари



### Вазиятли масалалар

**Масала № 1.** «Чархпалак» тренинги. Ташқи мухитдаги одам организмига таъсир этувчи омиллар. Омилларни текшириш усулига қараб мослаштиринг?

Таъсир этувчи омилни турига қараб текшириш усул	Кимёвий омиллар	Биологик омиллар	Физик омиллар
1. Санитария текшириш усали			
2. Лаборатория текшириш усали			
3. Тажриба усали			
4. Физиологик кузатиш усали			
5. Кимёвий текшириш усали			
6. Бактериологик			

текшириш усули			
7. Токсикологик ва биологик текшириш усули			
8. Клиник текшириш усули			

**Масала № 2.**«Чархпалак» тренинги. Омилларни текшириш усулига қараб мослаштиринг.

Аниқлагичлар	Биотик омиллар			
	Ҳаво хароратини	Намликни	Ҳаво ҳаракати тезлигини	Босим
1. Символи термометр				
2. Психрометр				
3. Анемометр				
4. Гигрометр				
5. Кататермометр				
6. Спиртли термометр				

### **Назорат саволлари**

1. Гигиенада қўлланадиган усуллар ҳақида тушунча.
2. Гигиенанинг замонавий муаммолари.
3. Атроф мухит омилларини текшириш усуллари.
4. Гигиеник меъёрлар ва регламентларни ўрнатиш ва

уларнинг хаққонийлигини рўёбга чиқариш усуллари.

5. Санитар текширув усуллари ва уларнинг аҳамияти.
6. ДСЭНМнинг асосий иш усуллари.
7. Атроф мухит омилларини гигиеник меъёрлаштириш асослари.

## ТЕСТ

**1. ПДД нима ?1.** \*Йўл қўйса бўладиган доза2. Химояланиш

3. Эквивалент доза

**2. Паст интенсивлик омили нима?1.** ПДК га доир моддалар

2.\* Оз микдорда мунтазам таъсир килувчи ташки мухитнинг зарарли омиллари3.Шовкин, газлар билан ифлосланувчи шахарлар.

**3.Микроиқлим параметрларига нималар киради-1.** Биодоза, соғлом.2.

Атмосфера босими, Кетле индекси.

3. \*Харорат, намлик, хаво-харакат тезлиги

**4. Палатада хаво харакат тезлиги нормада қанча бўлади?**

1.01-0,6 м/с2. \*0,2-0,3 м/с.3. 0,3-0,8 м/с

**5.Вақтинчалик гигиеник меъёрлар неча йил муддатга қўйилади?**

1. доимий2.1 йил муддатгача3. \*2 йил муддатгача

**6. Барча гигиеник меъёрлар бўлинади:**

1. \*Доимий гигиеник меъёрлар, вақтинчалик гигиеник меъёрлар

2. Статистик гигиеник меъёрлар, вақтинчалик гигиеник меъёрлар

3. Статистик гигиеник меъёрлар, доимий гигиеник меъёрлар

**7. Регламентлар деганда нимани тушунасиз?**

1. Статистик гигиеник меъёрлар2. \* Атроф мухитдаги омилларнинг рухсат этилган параметрлари3. Санитар тавсифий усул

**8. Атроф мухит омилларини текшириш усуллари**

1. \*Санитар тавсифий усул, физикавий усуллар, кимёвий ва биологик усуллар

2. Тадрижий усул, физикавий усуллар, кимёвий ва биологик усуллар

3. Санитар тавсифий усул, кимёвий ва биологик усуллар

**9. Катотермометрда нима аниқланади?** 1. Ҳаво намлиги

2.\* Ҳаво ҳаракат тезлиги3. Ҳаво ҳарорати

## **10. Қайси асбобда ёруғлик аниқланади?**

1. Барограф.
2. Термограф.3.\* Люксметр.

**Огоҳлантирувчи ва жорий санитария назорати. Бирламчи қонуний хужжатларни ўрганиш.**

Давлат санитария-эпидемиология хизмати муассасалари ўз фаолиятида огоҳлантирувчи ва жорий санитария назоратини олиб борадилар.

**Огоҳлантирувчи санитария назорати қуйидаги асосий элементларни ўз ичига олади:**

1. Барча лойиҳалаштирилаётган обьект иншоотларни рўйхатга олиш.
2. Қурилиш учун ажратилган ер майдонларига розилик бериш.
3. Қурилиш (қайта қуриш) обьекти, иншоотининг лойиҳасини кўриб чиқиш, гигиеник хулоса бериш ва тасдиқлаш.
4. Қурилиш (қайта қуриш) мобайнида обьектнинг тасдиқланган лойиҳага мос ҳолда қурилаётганини мунтазам назорат қилиш.
5. Қурилган (қайта қурилган), қайта жиҳозланган обьектни, иншоотларни қабул қилишда иштирок этиш.
6. Огоҳлантирувчи санитария назорати атмосфера ҳавоси, сув ҳавзалари, тупроқни муҳофазалаш ва аҳолини ичимлик суви билан тамилланиш бўйича ҳам олиб борилади, яъни атмосфера ҳавосини (сувни, тупроқни) ифлослантирувчи барча муассасаларни, жумладан, саноат корхоналари, саноат ва майший-хўжалик манбаларини тўлиқ рўйхатдан ўтказиш; стационар пунктларда ташқи муҳитнинг санитария ҳолатини назорат қилиш бўйича лаборатория текширувини ташкил этиш ва олиб бориш; аҳолининг касалланиш даражасини ва унга таъсир этувчи атмосфера ҳавосини (сув ҳавзалари ва манбаларини, тупроқни) мунтазам режа асосида санитария-гигиеник ҳолатини ўрганиш, янги янада рационал, техник тозалагичлар усусларини ишлаб чиқиш ва уларни санитар-гигиеник жиҳатдан синовдан ўтказиш, ифлосланишни олдини олиш ва йўқотиш

бўйича санитария -гигиеник вазифаларни белгилаш: атмосфера ҳавосини (сувни, тупроқни) ифлосланишдан ҳимоялаш бўйича вазирликлар, ташкилотлар, хўжаликларга соғломлаштириш бўйича амалга ошириш лозим бўлган тадбирий режали-вазифаларни тақдим этиш.

7.Огоҳлантирувчи санитария назоратини олиб бориш давомида барча саноат хом ашёлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар, совун, мактаб парталари, бўёқлар ва бошқа аҳоли саломатлигига салбий таъсир этиши мумкин бўлган моддалар, материалларга санитария-гигиеник нормативлар, меъёрлар, қоидалар ва давлат стандарт (ДавСТ)ларини ўрнатиш.

8.Кимё ва кимё саноатида ишлаб чиқарилаётган янги кимёвий маҳсулотлар, кимёвий хом ашёларни гигиеник баҳолаш ва давлат стандартларини белгилаш.

9.Барча янги ишлаб чиқарилаётган биологик препаратларни (тирик ва ўлик вакциналар, ташхисловчи зардолар, профилактика ва даволаш мақсадида ишлатиладиган бактериофаглар, токсинлар, анатоксинлар, гаммаглобулин, колибактерин, антифагин, барча антибиотиклар, люминисцент хусусиятига эга бўлган антителалар, аллергенлар, токсоплазмоз препаратлари, фибринолизин ва бошқалар) санитария-гигиеник нормалари ва қоидаларига мос келиши устидан Давлат санитария назоратини ўрнатиш ва уларни энг юкори даражадаги заарсизлигини таъминлаш.

**Жорий санитария назорати** санитария -эпидемиология муассасаларининг барча бўлимлари ва бўлинмалари томонидан амалга оширилади. Жорий санитария назорати ДСЭНМнинг кундалик олиб бораётган фаолиятларини белгилайди. Уларга асосан қуйидагилар киради:

1.Мехнат (тарбия, ўқитиш) шароитларини санитария -гигиеник жиҳатдан ўрганиш, ишлаб чиқариш шароитга гигиеник жиҳатдан баҳо бериш (технологик жараённинг характеристи, ишлаб чиқариш жараёнини механизацияланганлик даражаси, ишлаб чиқариш жиҳозлари ва

аппаратларнинг ҳолати, санитария техник қурилмалар ва жиҳозлар билан таъминланганлик ва бошқалар)

2. Ташкилотлар, коммунал муассасалар, ўкув юртлари, болалар муассасалари, ишлаб чиқариш, жамоат ва маданий-маиший биноларда санитария-гигиеник нормалар ва қоидаларга риоя қилиниши бўйича доимий, мунтазам равишда лаборатория назоратини олиб бориш.

3. У ёки бу салбий омилларни аниқлаш, уларни камайтириш ва обьектларнинг ҳолатини яхшилаш бўйича чора тадбирлар ишлаб чиқиш.

4. Ишчилар, хизматчиликлар, орасидаги касалланиш, шикастланиш ҳолларини ўрганиш, касбдан заҳарланиш, касб касалликларини олдини олиш ва профилактикаси бўйича чора тадбирлар ишлаб чиқиш.

5. Профилактик кўрикларни ташкил этиш ва уларни ўтказиш, ўсмирлар ва аёлларни ишлашлари устидан санитария қонунчилигига қаттиқ риоя қилинаётганлиги бўйича назорат ўрнатиш.

6. болаларнинг нормал жисмоний ривожланиши учун уларнинг саломатлигини мустаҳкамловчи ва тўлалигича физиологик талабларга жавоб берувчи шароитларни ҳар томонлама, чуқур ўрганиш.

7. Мактабда, болалар муассасаларида болаларнинг кун тартибини ва уларни ўқитишни гигиеник қоидаларга мос келишслигини назорат қилиш.

8. Ҳаво, сув, сув ҳавзалари ва тупроқ ҳолатини гигиеник жиҳатдан ўрганиш ва назорат қилиш.

9. Чегараларни санитария мухофазасини таъминлаш.

10. Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқиш, уларни ташиш, сақлаш ҳамда сотиш даврида санитария -гигиеник қоидаларга риоя қилинишини таъминлаш.

11. Аҳолини рационал овқатланишини ташкил этиш бўйича тадбир-чоралар ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга тадбиқ этиш.

12. Корхоналарни ишлашида санитария маданиятини ошириш бўйича комплекс тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни ўтказиш.

13. Мажмуий режада, жамоа шартномаларида кўрсатилган соғломлаштириш тадбирларининг бажарилиши устидан назорат ўрнатиш ва ушбу тадбирларнинг самарадорлигини ўрганиш, санитария-гигиеник меъёрларга мос келадиган соғломлаштириш бўйича режа вазифани ишлаб чиқиш ва тавсия этиш.

Келтирилганлардан кўриниб турибдики, санитария-эпидемиология хизмати муассасалари, санитария врачининг фалоятини асосий қисмини жорий санитария назоратини ташкил этади. Жорий санитария назорати режали, мақсадли ва комплекс тарзда олиб борилиши лозим.

**Атроф муҳит ҳолати ва коммунал объектларда ДСЭНМ шифокори фаолиятида қўйидаги хужжарлардан фойдаланади:**

- 1) санитария қоидалари ва меъёрлари;
  - 2) давлат стандартлари (ДСТ, ГОСТ);
  - 3) қурилиш меъёрлари ва қоидалари (ҚМҚ, СНИП);
  - 4) санитария қоидалари (СҚ);
  - 5) асос бўлувчи буйруқлар, низомлар;
3. Меъёрий-услубий хужжатлар.



Оператив (*шошилич*) хужжатлар: булар унчалик статистик аҳамиятга эга эмас, бу хужжатлар санитария врачларининг иш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлиб, фақатгина Давлат санитария эпидемиология назорат марказларининг назоратидаги объектлар томонидан Давлат санитария эпидемиология назорати марказининг тавсияномаларини қандай (*II*) бажарилишини назорат қилиш учун қўлланилади. Бу хужжатларга қўйдагилар киради.

4. Масала.
5. Режа.
6. Топшириқ.
7. Муассасалардаги соғломлаштириш чора–тадбирларининг қамровли режаси.
8. Корхона раҳбарияти томонидан чиқариладиган қарорлардан кучирмалар.
9. Тиббий кўрикларни ўтказиша қўлланиладиган хужжатлар.
10. Санитария ветеринария хужжатлари.

III. Ҳисобга олиш хужжатлар: Давлат санитария эпидемиология назорат марказлари назорати остидаги объектлар устидан кузатув олиб бориш ва статистик ҳисботларни тузишда катта аҳамиятга эгадир. Буларга қўйидаги хужжатлар киради:

- 1.Давлат Санитария назоратига олинган объектларни (*дислокация*) рўйхатга олиш журналиф-300/у
2. Курилиш учун ажратилган ер-жой ҳақидаги хulosса ф-301/у
- 3.Курилиш учун ажиратилган ер майдонларига берилган хulosаларни рўйхатга олиш журнали ф-302/у
4. Хulosса (лойиха бўйича) ф-303/у
5. Лойихаларни ва лойиха бўйича хulosаларни рўйхатга олиш журнали ф-304/у
6. Курилаётган, таъмирланаётган муассасанинг огохлантирувчи санитария назорати картаси ф-305/у
7. Тақиқлаш, тухтатиб қўйиш туғрисидаги қарор ф-306/у ва х.к.

ДСЭНМда шошилинч (*оператив*) рўйхатга олиш учун зарур бўлган тиббий хужжатлар сони – 89 тадан ортик бўлиб, улар ДСЭНМда фаолият кўрсатаётган врачларнинг кунлик иш фаолиятларини самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳисобот статистик хужжатлар: булар фақат статистик ҳисоботларни тузишда ишлатилади. Буларга қўйдагилар киради:

1. ДСЭНМри фаолиятининг йиллик ҳисоботи Ф-18/у
2. Юқумли ва паразитар касалликлар хақидаги йиллик ҳисобот Ф-2/у
3. Профилактик эмлашлар хақидаги ярим йиллик ва ойлик ҳисобот Ф-5/у
4. Юқумли касалликларга қарши эмланган болалар контингенти хақидаги йиллик ҳисобот Ф-6/у
5. Айрим юқумли ва паразитар касалликлар хақидаги ойлик ҳисобот Ф-1/у

#### Ҳисоб-китоб, ҳисобот маълумотларига бўлган асосий талаблари

► Ишончлилик.

► Аниқлилик.

► Рўйхатга олишликнинг тўлиқлиги.

► Тенглаштириш ва солиштириш.

► Зудлик (шошилич), ўз вақтидалилк.

#### Вазиятли масалалар

**Масала № 1.** Қўйида кўрсатилган функцияларни бажарувчи санитария-эпидемиология хизматининг таркибий қисмларини айтиб беринг.

Ўзбекистон Республикаси санитария - эпидемиология хизмати таркибий қисмлари	ФУНКЦИЯЛАРИ
	8. Огоҳлантирувчи санитария

	<p>назорати.</p> <p>9. Жорий сананитария назорати.</p> <p>10. Эпидемияга қарши чора – тадбирларни режалаштириш ва координациялаш.</p> <p>11. Вирусли гепатитга қарши кураш.</p> <p>12. Алохида инфекцияларга нисбатан чора - тадбирларни ташкиллаштириш ва ўтказиш.</p> <p>13. Дезинфекцион чора - тадбирлар ўтказиш.</p> <p>14. Лаборатория текширувлари ўтказиш.</p>
--	--

### **Назорат саволлари**

1. Атроф мухитни соғломлаштириш устидан олиб бориладиган чора-тадбирларга қаратилган огохлантирувчи санитария назорат.
2. Атроф мухитни соғломлаштириш устидан олиб бориладиган чора-тадбирларга қаратилган жорий санитария назорат.
3. Аҳоли ўртасида касалланиш ҳолатини камайтириш ва уни олдини олишга йўналтирилган чора-тадбирлар.
4. ДСЭНМ да назорат турлари.
5. Жорий санитария назорати ДСЭНМнг қайси олиб бораётган фаолиятларини белгилайди?
6. ДСЭНМнинг ҳисобга олиш, оператив хужжатлари тўғрисидаги тушунча.
7. Ҳисобга олиш оператив хужжатларининг йўналишлари?
8. ДСЭНМги ҳисобга олиш, оператив хужжатларининг аҳамияти.
9. Йиллик ҳисобот тўғрисида тушунча.
- 10. Ҳисоботнинг таркиби.**

**11.Ҳисобга олиш тиббиёт хужжатлари 3 гурухга бўлинади, булар қайсилар?**

## **ТЕСТ**

- 1. Врачлар ва уларнинг ёрдамчилари томонидан объектларга даврий равища ташриф буюриш қайси назорат турига киради?** 1. Контрол назоратининг бирлигига.2. Жорий санитария назорат.3.\*Огоҳлантирувчи санитария назорат.
- 2. ДСЭНМ да назорат турлари -**1. Доимий назоратининг бирлик принципи.2. Жорий санитария назоратининг бирлик принципи.3.\*Огоҳлантирувчи ва жорий санитария назоратининг бирлик принципи.
- 3. Жорий санитария назорати ДСЭНМнинг қайси олиб бораётган фаолиятларини белгилайди?**1. доимий олиб бораётган фаолиятларини белгилайди2. \*кундалик олиб бораётган фаолиятларини белгилайди3. ярим йиллик олиб бораётган фаолиятларини белгилайди
- 4. Барча лойиҳалаштирилаётган объект иншоотларни рўйхатга олиш, қурилиш учун ажратилган ер майдонларига розилик бериш -қайси назоратга киради?**1.\* Огоҳлантирувчи санитария назоратига2. Жорий санитария назоратига3. Эпидемиология назоратига.
- 5. Барча лойиҳалаштирилаётган объект иншоотларни рўйхатга олиш, қурилиш учун ажратилган ер майдонларига розилик бериш қайси назоратга киради?**1. Жорий санитария назоратига2.\* Огоҳлантирувчи санитария назоратига3. Эпидемиология назоратига.
- 6. Кимё ва кимё саноатида ишлаб чиқарилаётган янги кимёвий маҳсулотлар, кимёвий хом ашёларни гигиеник баҳолаш ва давлат стандартларини белгилаш бериш қайси назоратга киради?**
  1. Жорий санитария назоратига2. Эпидемиология назоратига.
  3. \* Огоҳлантирувчи санитария назоратига.
- 7. Даволаш масканларини санитар текширув турлари:**
  1. \*огоҳлантирувчи;2. Белгиловчи3. оралик;

**8. Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқиши, уларни ташиш, сақлаш хамда сотиш даврида санитария -гигиеник қоидаларга риоя қилинишини таъминлаш қайси назоратга киради?**

1. \*Жорий санитария назоратига 2. Эпидемиология назоратига.

3. Огохлантирувчи санитария назоратига.

**9. Чегараларни санитария муҳофазасини таъминлаш қайси назоратга киради?** 1. \*Жорий санитария назоратига 2. Эпидемиология назоратига.

3. Огохлантирувчи санитария назоратига.

**10. Ҳаво, сув, сув ҳавзалари ва тупроқ ҳолатини гигиеник жиҳатдан ўрганиш ва назорат қилиш қайси назоратга киради?**

1. Эпидемиология назоратига. 2. \*Жорий санитария назоратига.

3. Огохлантирувчи санитария назоратига.

**11. Ҳисобга олиш тиббиёт хужжатлари 3 гурухга бўлинади-**

1. \*Оператив (шошилинч) хужжатлар. Ҳисобга олиш хужжатлар. Ҳисобот статистик хужжатлар.

2. Оператив (шошилинч) хужжатлар. Ҳисобот статистик хужжатлар.

3. Оператив (шошилинч) хужжатлар. Ҳисобга олиш хужжатлар. Статистик хужжатлар.

**12. Қайси хужжатлар асос бўлувчи ҳисобланади:**

А. ЎзР қомуси, ҚМҚ ва СанМваҚ Б. ҚМҚ ва СанМваҚ, ЎзССВ буйруқлар В.

\*ЎзР қомуси, давлат санитария назорати қонуни, меҳнат кодекси

Г. юқори ташкилотларнинг фармонлари Д. СанМ ва Қ ва меҳнат кодекси

**13. Қайси хужжатлар умумдавлат меъёрий хужжатлари таркибига киради:** А. ҚМҚ ва СанМваҚ Б. ЎзРССВ буйруқлари В. \*санитария меъёр ва қоидалари, гигиеник меъёрлар Г. ЎзР қомуси ва меҳнат кодекси

Д. давлат санитария назоратива меҳнат кодекси

## **Коммунал гигиена фани ҳақида тушунча. Коммунал гигиена бўлимининг текширув объектлари ҳақида тушунча.**

**Коммунал гигиенайинсонга** табий ва онтропоген омиллар таъсирини ўрганадиган ва шулар асосида гигиеник меъёрларни, ҳамда санитария қоидаларини ишлаб чиқадиган фан бўлиб, бу қоидаларга риоя қилиш саломатликни таъминлайди ва ахоли турмуш шароитларини яхшилади. Коммунал гигиена атроф муҳитнинг ифлосланишини олдини олиш ва бартараф этишга, уни соғломлаштиришга қаратилган, ахолини касалланишининг олдини олишга ва камайтиришга қаратилган санитария-гигиеник ва санитария эпидемик тадбирларни ишлаб чиқишга ва амалда қўлланишини назорат қилишга тадбиқ қилинишининг илмий асоси ҳисобланади.

**Коммунал гигиена** фан сифатида ўзининг олдига учта асосий масалани қўйган:

1. Ахоли тураг жойларида ташқи муҳитнинг инсон саломатлигига таъсирини ўрганиш.
2. Ахоли яшаш жойларни соғломлаштириш, озодалаштириш ва оптимал шароитга келтириш учун зарурый санитария меъёр ва профилактика тадбирларини ишлаб чиқиши.
3. Коммунал гигиена соҳисида санитария қонунларининг асосларини ишлаб чиқиши.

Коммунал гигиенаси бўлими.

- мулкчиликнинг шаклларидан қатъий назар коммунал хўжалик, спорт иншоотлари, санитария майший бинолар, даволаш профилактика, тураг жой бинолари ва бошқа муассасалар бинолари учун ер участкаси ажратишида иштирок этиш ва хулосалар бериш.
- қайд этилган идоралар, корхоналар, муассасаларни лойиҳалаш, қуриш, қайта қуриш, янгилаш ва уларни фойдаланишга топшириш чоғида санитария

нормалари, қоидалари ва гигиеник нормативларга амал қилинганини назорат этиш ва холосалар бериш.

- давлат идоралари, мулкчиликнинг шаклларидан қатъий назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар хўжалик ичимлик суви таъминотининг марказлаштирилган тизимлари етказиб берадиган сувнинг сифати гигиена талабларига ва давлат стандартларига мос бўлишилигини таъминлашларини назорат этиш.
- давлат идоралари, мулкчиликнинг шаклларидан қатъий назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар ва алоҳида шахслар рўзғорда ва майший мақсадларда ишлатиладиган ҳавзалардаги сувнинг, шу жумладан марказлаштирилмаган тартибда таъминланадиган сувнинг сифати амалдаги санитария нормалари ва қоидаларига мос бўлишилигини таъминлашларини назорат қилиш.
- лаборатория ва инструментал текшириш усулларини қўллаб ташқи мухитнинг санитария ҳолатини, шунингдек унинг аҳоли соғлигига таъсир этишни ўрганиш.
- атмосфера ҳавосини траспорт воситалари чиқиндиларидан мухофаза этиш бўйича тадбирлар ўтказиш.
- атмосфера ҳавоси, тупроқ, сув ҳавзаларини санитария ҳолатини бузатган саноат корхоналари ва майший муассасалар манбаларини аниқлаш, рўйхатга олиш, паспортини тузиш, улардан ифлосланишнинг олдини олиш.
- тозалаш қурилмаларини ва асбобларини техникавий ҳолатини, ишлатилишини назорат остига олиш ва самарадорлигини баҳолаш.
- турар жой пунктларини сув билан таъминлаш, канализация, тозалаш ва кўкаламзорлаштириш ишларини назоратга олиш.
- шовқинга қарши кураш тадбирларини кўриш.
- аҳолининг ва коммунал объектдаги ишчиларнинг соғлигини ўрганиш.
- аҳолининг соғлом бехатарлигини таъминлаш тадбирларини кўриш.

- коммунал объектларини лаборатория ва санитария назорати остига олиш.
- ўрмон, боғ, ҳайвон, сув манбалари атрофида кимёвий заҳарларга ишлов бериш объектларини, шунингдек шу кимёвий заҳарларни савдо орқали аҳолига сотишни назорат қилиш.

**Коммунал гигиенада қўланиладиган усуллар.** Коммунал гигиенада, илмий изланишларда ва санитария амалиётида қўйидаги усуллардан фойдаланилади:

1. Аҳоли яшаш шароитларини санитария текширувидан ўтказиш ва олинган натижаларни статистик қайта ишлаб чиқиши.
2. Гигиеник текширувларни асбоб-ускуналар ёрдамида ўтказиш. Буларга ҳарорат, намлик, ҳаво босими ва ҳаракат тезлиги, иссиқлик ва ультрабинафша нурнинг кучланиши, ёритилганлик, шовқин интенсивлиги ва бошқа физик, кимёвий кўрсаткичларни ўлчаш.
3. Гигиеник текширувларни маҳсус лаборатория шароитида ёки уларнинг ёрдамида ўтказиш. Буларга ичимлик сувини, чиқинди сувларни, ёпиқ хоналар ҳавосини, атмосфера, тупроқ ва ташқи муҳитнинг бошқа элементларининг физик-кимёвий, биологик, бактериологик, гельментологик, токсикологик ва радиологик усуллар билан текширувлар киради.
4. Ташқи муҳит омилларининг инсон организмига таъсирини физиологик усуллар ёрдамида аниглаш.
5. Лаборатория шароитларида тажриба ўтказиш усуллари (камераларда, маҳсус тажрибавий асбобускуналарда).
6. Аҳоли яшаш жойларининг санитария шароитларига боғлиқ статистик синов усуллари билан аниглаш.
7. Ташқи муҳит таъсирини аниглаш учун ахолининг турли гурухларини оммавий қўрикдан ўтказиш усуллари.

### **Коммунал гигиенанинг мақсадлари, иш шакллари ва усуллари.**


Коммунал гигиена фанининг асосий мақсадлари:

1. Сув ва ичимлик-хўжалик сув таъминоти гигиенаси. Мазкур бўлимда ичимлик сувининг сифати, тозалаш қурилмаларини жойлаштириш ва ишлатиш, аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминловчи тармокларга қўйиладиган гигиеник талаблар ўрганилади.



Расм 12. Ичимлик сувининг тозалаш қурилмалари

2. Сув объектларини санитария муҳофазалаш гигиенаси. Ушбу бўлимда сув ҳавзалари сувларининг сифати масалалари, уларни ичимлик-хўжалик суви манбаси сифатида ишлатиш мумкинлиги, ҳамда сув ҳавзалари сувининг сифатини турғун сақлаш мақсадида чиқинди-оқава сувларини туширилишига қўйиладиган гигиеник талаблар ўрганилади.



Расм 13.Ичимлик сувининг тозалаш қурилмалари



Расм 14. Сув тозалувчи мослама - циклон

3. Тупроқнинг санитария ҳимояси ва аҳоли турар- жойларини санитария тозалаш гигиенаси. Бу бўлимда тупроқни кимёвий ва биологик моддалар билан ифлосланиш шарт-шароитлари ўрганилади. Ифлослантирувчиларни тупроқ орқали ер ости сувларга, атмосфера ҳавосига, ўсимликларга ўтиб инсон саломатлигига ва турмуш шароитига таъсир кўрсатиши ўраганилади. Бўлимда яна суюқ чиқиндилардан санитария тозалашга қўйиладиган гигиеник талаблар ҳам ўрганилади.



Расм 15. Тупроқ намунасини текшириш

4. Атмосфера ҳавосини санитария муҳофазалаш гигиенаси. Бу бўлимда атмосфера ҳавосини ифлосланишининг қандай даражаси аҳоли саломатлигига заарсиз эканлиги, аҳоли турмушининг санитария-маиший шароитларни бузмайдиган ҳолати, аҳоли тураг жойлари ҳавоси таркибида ифлослантирувчиларнинг гигиеник меъёридан ошиб кетиш даражасини вужудга келишини олдини олиш мақсадида атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбаларни жойлаштиришга ва ишлатилишига қўйиладиган гигиеник талаблар ўрганилади.



Расм 16. Атмосфера ҳавосини санитария муҳофазалаш

5. Туар жой, умумжамоа, маданий-маиший ва даволаш профилактика муассасалари гигиенаси. Бунда туар жой бинолари ички омилларининг инсон учун оптимал даражаси (ҳаво ҳаракати, нисбий намлиқ, ҳаво ҳарорати, хонанинг радиацион режими), даволаш профилактик муассасаларини лойиҳалаштириш, ободонлаштириш ва жиҳозланишига қўйиладиган талаблар, маданий-маиший муассасаларни (ҳаммом, кирхона, сартарошхона, кинотеатр, театр, цирк ва бошқаларни) лойиҳалаштириш, ободонлаштириш ва жиҳозланишига қўйиладиган талаблар, спорт иншоатларини (сузиш ҳавзалари, спорт комплекслари ва заллари) лойиҳалаштириш, ободонлаштириш ва жиҳозланишига қўйиладиган талаблар қаралади.

6. Аҳоли туар жойларини лойиҳалаштириш (режалаштириш, жойлаштириш) гигиенаси бу бўлимда аҳоли туар жойларини режалаштиришда табиийиқлим шароитларининг аҳамияти ва уларни режалаштиришда ҳисобга олиш, аҳоли туар жойлари.





Расм 17. Ахоли турар жойларини лойихалаштириш кундалик санитария назоратида санитария шифокори 4 хил санитар гигиеник текширишлар ўтказади:

- 1) режали, чуқурлаштирилган;
- 2) мақсадли, рейдли;
- 3) назоратли (назорат тартибида);
- 4) танлов асосида.

Худудларда селитең мінтақаны режалаштириш ва курилишга қўйиладиган гигиеник талаблар, қишлоқ ахолиси, турар жойларини режалаштиришни ўзига хос томонлари ўрганилади.

#### Расм 18. Микроклимат параметрларни аниклаш учун приборлар




## Люксметрлар



## Термогигрометр



## **Мавзуни амалий қўникмаларини эгалашнинг ўқув технологияси “Нима учун”усули**



**Вазиятли масала № 1.** Тураг жой минтақасидан катта магистрал кўча ўтган, унинг атрофида яқин жойлашган кўп қаватли тураг жой иморатлари бор. Бу ерда яшовчилар шовқин, чанг, газ уларни безовта қилишидан шикоят қилдилар. Сўраб-сурештирилганда аҳолининг саломатлиги яхши эмаслиги аниқланди, яъни уларда бош айланиши кузатилмоқда. Ушбу худудда қандай текширишлар ўтказилиши керак ва бу ҳолатни ҳавонинг ифлосланиши билан боғлиқлигини қандай аниqlаш мумкин?

**Вазиятли масала №2.** Санитария шифокори атмосфера ҳавосини санитария муҳофазасига йўналтирилган гигиеник чора- тадбирларни баҳолаш жараёнида саноат корхонасининг лойихасини санитар- экспертиздан қуидаги кетма-кетлик асосида ўтказди.

1. Корхона ва унинг асосий ҳамда қўшимча технологик жараёнлари билан танишиш.
2. Технологик чора -тадбирларни комплекс баҳолаш.

3. Атмосфера ҳавосига чиқариладиган чиқинди моддалар хисоб китобини тұғри амалға оширилгандығы текшириш.
4. Атмосфера ҳавосида чиқиндиларни тарқалиш шарт- шароитларини хисобланғандығы текшириш.
5. Чиқиндиларни тозалашни технологик тизимини бақолаш.

Ишлаб чиқариш корхоналари лойихаси санитар экспертизаси тұғри амалға оширилгандығы юзасидан хулоса беринг.

**Вазиятли масала №3.** Туар жой минтақасининг экологик холатига атмосфера ҳавосидан олинган синамалар асосида бақо беринг. Аниқланишича, углерод оксиди ва углеводородлар күча ёқасида меъёрдан 5-6 маротаба ошган. Даражат остида 3 маротаба, имарат остида 2 маротаба, мавзе ичида 1 маротаба, РЭМдан ошганлығы аниқланды. Бу маълумотлар асосида тадбирлар ишлаб чиқинг.

### **Назорат саволлари**

1. Коммунал гигиена фани.
2. Коммунал гигиена фани вазифаси.
3. Коммунал гигиена бўлими врачанинг вазифалари.
4. Коммунал гигиена соҳасида давлат санитария назорати.
5. ДСТ 950 – 2011 бўйича ичимлик сув сифатига қўйиладиган гигиеник талаблар.
6. Тупроқнинг гигиеник аҳамияти.
7. Тупроқнинг эпидемиологик аҳамияти.
8. Тупроқ – ноюқумли бўлган касалликларни тарқалишида омил сифатида.
9. Тупроқ – юқумли бўлган касалликларни тарқалишида омил сифатида.
10. Шахарлардаги асосий шовқин маънбалари ва уларни гигиеник аҳамияти.

### **ТЕСТ**

**1. Қуйдаги келтирилгандардан қайси бири экологик ҳавфқаторига киради:**

**1.\*** Хавонинг, сувнинг ва тупроқниг заарланиши.

**2.** Ижтимоий холат.

**3.** Паст даражадаги тиббий ёрдам.

**2. Ернинг биосфераси – бу...**

1.Атмосфера, гидросфера ва литосфера йифиндиши.

2.\*Ернинг атмосфераси, гидросфераси и литосферасини тирик организмлар билан қопланган қисми.

3. Ернинг энг харакатчан қисми.

**4. Xона микроклими кўрсаткичлари:**

1. Ҳарорат ва ҳаво ҳарорати тезлиги;

2. Ҳарорат, радиацион ҳарорат, ҳаво ҳарорати тезлиги;

3.\* Ҳарорат, нисбий намлиқ, ҳаво ҳаракати тезлиги;

**5. Хонани шамоллатишнинг фойдалик кимёвий кўрсаткичлари:**

1. Хонанинг ҳаво алмашуви.

2.\* Ҳаво таркибидаги СО<sub>2</sub>.

3. Ҳаво ҳаракати тезлиги.

**6. Шифохона хоналарида шамоллатишни самарасини кўтарилиши учун:**

1. \*Ҳаво ҳаракати тезлиги;

2. Хонанинг ичкарида жойлашганлиги;

3. Ҳаво таркибида углерод оксидини борлиги.

**7. Шахарларда атмосфера ҳавосининг ифлосланиш манбаи:**

1. Ядохимикатлар, транспорт воситалари

2.\* Ишлаб чикириш корхоналари, транспорт воситалари, ёқилғи ёқиши ва б.

3. Заводлар, буғхона.

**8. Туар жойларда микроорганизмлар билан ҳавонинг ифлосланиши қўйида келтирилган қайси омиллар билан боғлиқ?**

1. Инфекция манбасининг мавжудлиги, ҳаво ҳарорати ва унинг намлиги.

2. Инфекция манбасининг мавжудлиги, чангланиш даражаси ва ҳаводаги зарарли моддаларнинг мавжудлиги.

3.\*Инфекция манбасининг мавжудлиги, хонанинг инсоляцияси ва уни шамоллатиш сифати.

**9. Қачон декомпрессион касаллик юзага чиқади?**

1. Юқорига кўтарилиганда.
2. \*Нормал босимли хаводан паст босимли хавога тезда ўтганда.
3. Босимнинг тезда тушиб кетишидан.

**10. Нима учун шахарлар атрофида айланма йўл қурилади?**

1. Юк автомобилларини ҳаракатланиши учун.
2. Транспорт воситасининг яхши ҳаракатланиши учун.
3. \*Автомобил транспортларидан шахар ҳавосини газлар билан ифлослашини камайтириш учун.

**Хоналар микроиқлими кўрсаткичларини текшириш (ҳаво ҳарорати, намлиги, ҳавонинг ҳаракат тезлиги) ва гигиеник баҳолаш асослари.**

Микроиқлимнинг аҳамияти жуда катта: ҳавонинг ҳарорати, намлиги, ҳаракат тезлиги ва иссиқлик нурларидан иборат бўлган атроф мухитнинг холати микроиқлим деб аталади. Бундан ташқари атмосфера босимини ҳам микроиқлим кўрсаткичлари қаторига киритилади. Ҳавонинг бу кўрсаткичлари одам организмида иссиқлик алмашинув жараёнига таъсир кўрсатиши билан муҳим гигиеник аҳамият касб этади. Ҳавонинг температурасини аниқлашда симобли ёки спиртли термометрлар ёрдамида аниқланади.





Расм 19. Ҳаво ҳароратини аниқлаш учун приборлар

Ҳаво ҳароратини маълум вақт ичидаги (бир неча кун ёки хафта) ўзгаришини узлуксиз ёзиб олиш учун термографлардан фойдаланилади.




Расм 20. Термографлар

**Ҳаво намлигини аниқлаш.** Ҳавонинг муайян сув буғлари билан тўйинган микдори намлиkdir. Гигиена амалиётида намликни уч туридан кўпроқ фойдаланилади. Муайян жойнинг намлигига баҳо беришда абсолют, максимал ва нисбий намликлар аниқланади. Абсолют намлик Август ёки Асман психрометрлари ёрдамида аниқланади. Нисбий намлик психрометрик гигрометрлар ёрдамида ҳам аниқланади. Бундан ташқари ҳаво намлигини аниқлашда гигиена амалиётида гигрометр ва гигрограф асбобларидан ҳам фойдаланилади. **Психрометр** - Абсолют намликни аниқлайди



Расм 21. Гигрометр (нисбий намликин аниқлайды)



Расм 22. Гигрограф

Жумладан гигрограф асбобидан намликин муайян вақт оралигидა ўзгариб туришини доимий тарзда ёзиб олишда фойдаланилади.



Расм 23. Микроиклиим параметрларини аниқлаш учун приборлар

**Хаво ҳаракат тезлигини аниқлаш.** **Анемометр-** ҳаво ҳаракати тезлиги 0,3 - 500м/сгача аниқлайди.



**Термоанемометр-** ҳаво ҳаракати тезлиги 0,03 - 5м/с гача, t 10-60°Сда аниқлайди.




**Кататермометр** - иситувчи спиртли термометр, ҳаво ҳаракати тезлиги 0,1-1,5м/с гача, t 36,5°Сда аниқлайди.



**Электротермометр** - ҳаво ҳаракати тезлиги 0,003 - 5 м/сача аниқлайди.




Мазкур жойда муайян вакт давомида шамол такрорланишининг фоизлар билан ифодаланган график тасвири **шамоллар гули** дейилади. Шамоллар гули шахарларни режалаштириш, турар жойлар, шифохоналар, болалар муассасалари ва турли хавони ифловчи саноат корхоналарни лойихалаш ва қуришда жуда катта аҳамиятга эга.




Расм 23. Шамоллар гули

**Атмосфера босимини аниқлаш.** Атмосфера босими симобли ёки анероид барометрлар ёрдамида аниқланади. Атмосфера босимининг маълум вақт давомида ўзгариши барографлар ёрдамида узлуксиз ёзиб олинади.

**Барометр**



**Барометр-анероид**



**Барограф**

Рсм.24. Атмосфера босимини аниқлаш учун приборлар

Микроиқлимни гигиеник текширишни, хавонинг физикавий хусусиятларининг организмга комплекс таъсирига асосланиб олиб борилади. Даволаш–профилактика муассасаларида микроиқлимнинг куйидаги кўрсаткичлари тавсия этилади :

#### **Хаво харорати :**

Катта одамларга мўлжалланган палаталарда

$20\text{ C}^0$

Болалар палаталарида	28
Чала туғилган чақалоқлар палаталарида	25
Тұғруқ хоналарда	25
Операция хоналарида	21
Жаррохлик бўлимларининг яра боғлаш ва муолажа бажариш хоналарида	22
Нисбий намлик миқдори	30-50%
Ҳавонинг ҳаракат тезлиги	0,2-0,4 м/с
Иқлимга қараб, ҳаво ҳарорати ясли ва боғчаларда 20-24,20-26.	
Мактабларда 16-22,18-20.	

**“Блиц усули”**

№	Мавзулар саволи	Биламан	Билишни хохлайман	Билдим
1.	Микроиқлим хақида түшунча.			
2.	Микроиқлим параметрлари.			
3.	Палатадаги микроиқлим меъёрлари.			
4	Микроиқлим кўрсаткичларини аниқловчи асбоб ускуналар.			
5.	Шамоллар гули ва унинг гигиеник ахамияти.			
6.	Атмосфера босимининг ахамияти			

7.	Ҳаво намлигини ўлчаш			
8.	Ҳаво ҳароратини ўлчаш			

### Инсерт жадвали

Тушунчалар	V	+	-	?
Кататермометр				
Анемометр				
Барометр				
Термограф				
Психрограф				
Гигрограф				

### Мавзууни амалий қўнималарини эгалашнинг ўкув технологияси “Шажара дарахти” усули



1. Агарда ҳаво ҳаракати - 10°C, намлик - 92%, ҳаво ҳаракат тезлиги- 5,0 м/с микроклимат турини күрсатинг: (совкаттирувчи)
2. Агар ҳаво харорати +37°C, намлик - 88 %, ҳаво ҳаракати тезлиги- 0,05 м/с бўлса микроклимат турига баҳо беринг: (қиздирувчи)
3. Агар ҳаво харорати +20°C намлик 35% ҳаво ҳаракати тезлиги 0,1 м/с бўлса микроклимат турига баҳо беринг: (комфорт).
4. Агар ҳаво харорати +4°C, намлик 88 %, ҳаво ҳаракати тезлиги 15 м/с бўлса микроклимат турига баҳо беринг: (салқинлатувчи).

### **Назорат саволлари**

1. Атроф мухит омилларини гигиеник меъёрлаштириш асослари.
2. Микроиклиим омиллари.
3. Ёпиқ хоналар шароитида микроиклиим кўрсаткичларини меъёрлаштиришни таъминловчи усууллар.
4. Ҳаво ҳаракатининг кичик тезликларини ўлчаш учун қайси асбоб ишлатилади?
5. Одамлар иштироки билан боғлиқ хоналарнинг ҳавосини ифлосланиш бевосита кўрсаткичи бўлиб нима хизмат қиласи?
6. Ўқув юртларида хоналар ҳавосини нисбий намлигининг чегараси қандай бўлиши шарт?
7. Қайси хоналарда жанубий томон рухсат этилади?
8. “Шамоллар гули»га тушунча беринг.
9. Микроиклиим параметрлари.
10. Микроиклиим параметрларианиқлаш учун приборларни айтиб беринг.

### **ТЕСТЛАР**

1. **Микроиклиим параметрларига нималар киради ?** А)Биодоза, соғлом.Б)\*Харорат, намлик, ҳаво-ҳаракат тезлиги.В)Атмосфера босими, Кетле индекси.Г)Ҳаво намлиги, ИТМ, Кетле индекси.
2. **Палатада ҳаво намлиги нормада қанча бўлади?**  
А)20-30 %.Б)10-20% В)\*40-60 % Г)50-70 % Д)20-50 %

**3. Палатада ҳаво ҳаракат тезлиги нормада қанча бўлади?**

А)\*0,2-0,3 м/с.Б)0,3-0,8 м/сВ)01-0,6 м/сГ)0,4-0,7 м/с

**4. Ҳаво ҳаракат тезлиги қайси асбобда аниқланади?**

А)\*Анемометр.Б. Гигрометр.В. Барограф.Г. Термограф.

**5. Ҳаво ҳарорати қайси асбобда аниқланади?**

А..Анемометр.Б. Гигрометр.В. Барограф.Г. \*Термограф.

**6. Атмосфера босими қайси асбобда аниқланади?**

А..Анемометр.Б. Гигрометр.В.\*Барограф.Г. Термограф.

**7. Ҳаво намлиги қайси асбобда аниқланади?**

А.Анемометр.Б. Гигрометр.В. Барограф.Г. \*Термограф.

**8. Ҳаво намлиги қайси асбобда график тасвирда ёзиб олинади?**

А. Гигрометр.Б. Барограф.В. Термограф.Г. \*Гигрограф.

**9. Ҳаво ҳаракати тезлиги қайси асбобда аниқланади?**

А.Анемометр.Б. Гигрометр.В.\*Кататермометр.Г. Термограф.

**10. Ҳаво ҳарорати палатадаги меъёри ?**

А. \*18-20Б. 16-18В. 14-15Г. 20-22

**11. “Шамоллар гули»га тушунча беринг-1.\*Шу худуддаги каттик шамолларни график тасвирининг йўналиши2. Шамолларнинг йўналиши 3. Инфракизил, кўринувчи нурлар.**

**Хоналар ҳавосининг тозалигини тезкор усулда текшириб баҳолаш асослари.**

**Ҳаво муҳитидан намуналар олиш жойлари, усуллари ва асбоблари.**

Намуна ҳаво муҳитида ҳар хил заарлантирувчи моддалар: чанг заррачалари, аэрозоллар, газсимон моддалар ва буғлар, кимёвий токсик моддалар текшириш мақсадида олинади. Ҳаво муҳитини текшириш 2 босқичдан: намуна олиш ва уни таҳлил қилишдан иборат. Текшириладиган ҳаво муҳитидан намуна олиш –бу ишнинг энг аҳамиятли қисми бўлиб, лаборатория таҳлили туғри чиқишида муҳим ўрин тутади ва лаборатория

текширишларининг моҳиятини йўқоташи мумкин. Ҳаво муҳитидан намуна олишда қўйидаги қоидаларга риоя қилиш керак:

1. олинган намуналар, шу ҳаво муҳитининг таркибига тўғри келиши;
2. олинган намуналар лаборатория таҳлилини ўтказишга етарли бўлиши.

Ҳаво муҳитидан намуна олиш ҳар хил сабабларга боғлик бўлади: ҳаво муҳитининг агрегат аҳволи (аэрозоллар, буғлар, газсимон моддалар), текшириладиган модданинг ҳаво таркиби билан реакцияга киришиши, текшириладиган моддалар сони, таҳлил қилиш усули ва ҳ.к. Кимёвий токсик моддаларнинг максимал концентрациясини аниқлаш учун, намуна қисқа вақт 15-30 мин. давомида катта ҳажмда олинади (кимё лабораторияларда авария холатлари юз берганда, термометрлар синганда симоб буғларини ва ҳ.к.).

Ҳаво муҳитини текширишда ва бундаги заарли моддаларни аниқлашда намуналарнинг олинган жойларига боғлиқ. Гигиеник талабларга биноан кам деганда битта жойдан 5 та намуна олиниши керак. Намуна олиш нукталари ва даражаси полдан 1,5-2 метр баландликда врачлар белгилаб берган жойлардан олинади. Бу –иш жойлари (дам олиш зонаси) болаларнинг узок вақт бўладиган жойлари ва тез –тез ўтадиган йўлаклари хисобланади.

**муассасаларини текширишда лаборатор –инструментал текширишлар** чуқурлаштирилган санитария –гигиена назоратини олиб боришда ўтказилади. **Ўлчовлар ва намуналар** намуна нима мақсадда олинишига боғлиқ иш бошланишидан **олдин, кун мобайнида ва ишдан кейин** олинади.

Лаборатор усулда текшириш ўтказишда ҳаво муҳитидан намуна ҳар хил усулларда олинади. Кенг тарқалган усуллар: аспирацион усул ва намунани идишга олиш.

**Намунани идишга олиш** газ пипеткалари, банқалар, резина камералари, шприцлар ва ҳ.к. ёрдамида амалга оширилади ва қўйидаги усуллар кўлланилади:

1. сувни тўкиш усули,

2. жой алмаштириш усули (ҳаво мұхитидан 10 баравар ҳажмдаги ҳаво ўтказилади 2л/мин. тезликда),
3. вакуум усулида (вакуум ҳосил қилинган идишга).

**Аспирацион усули:**

1. сув аспиратори
2. электр аспиратори -822 моделдаги,
3. чангютгич /пылесос/,
4. аспиратор АЭРА.
5. шахсий намуна олиш асбоби (каръераларда маҳсус кийимларга илиб қўйилади)
6. Углерод 2 оксиdi ( $\text{CO}_2$ ) –хидсиз газ, бу хоналар ҳавосининг ифлосланганлик кўрсаткичи хисобланади. Намуна хона диагонали бўйича жойлашган 3 нуқтада нафас олиш зонасидан олинади. Асосан синф хоналарида, спорт залларда қиши ойларида, ТУВ жойлашган хоналарда, болалар муассасаларда ёғоч, кўмир ва суюқ ёқилғилар билан иситиш амалга оширилганда  $\text{CO}_2$  газига текшириш учун намуна олинади. Намуна газоанализатор ГМК-3, экспресс анализ ўтказишида газоанализатор УГ-2, аспираторлар ва газ найчаси (пипетка) ёрдамида олинади. Олинган намуна 2 сутка давомида лаборатория таҳлил қилиниши керак. Аспиратор ёки хоналардаги **CO<sub>2</sub> миқдори 0,1 мг/м<sup>3</sup>** дан ошмаслиги керак.

Ҳаво мұхити намуналаридаги ҳар хил газсимон ва буғ ҳолатидаги моддаларни ўзига тортиш ускуналари фойдаланилади. Булар: Зайцев, Рыхтер, Петри, Полежаев, Реберг, тешик (пористые) пластинкали ва ҳ.к. Тортиш ускуналари асосан шиша цилиндрга ҳар хил найчалар (резина трубкаларини тиркаш учун) уланган бўлади ва унга дистилланган сув, ҳар хил суюқликлар ёки қаттиқ сорбентлар солинади. Зайцев, Петри, Полежаев тортиш ускуналарига дистилланган сув, ҳар хил суюқликлар солиш учун, қаттиқ сорбентлар (селикагель, активланган кўмир, кальций хлориди, гигроскоп ёки шийша ваталар ва ҳ.к.) солиш учун эса U –шаклидаги, гофрировкаланган шиша трубкали колонкалар ва ҳ.к. ишлатилади.

### “Блиц усули”


№	Мавзулар саволи	Биламан	Билишни хохлайман	Билдим
1.	Атмосфера ҳавосининг газ таркиби.			
2.	Ҳаво алмашинуви хақида тушунча.			
3.	Биноларни тоза ҳаво билан таъминлашни турлари.			
4	Ҳаво намунасини олиш усуллари.			
5.	Ҳаво тортиш усуллари.			
6.	Аспиратор прибор.			
7.	Атмосфера ҳавосида CO <sub>2</sub> ни йўл қўйилган миқдори.			

### Инсерт жадвали

Тушунчалар	V	+	-	?
CO <sub>2</sub> миқдори				
Аспирацион усул				
Зарарли моддалар ҳаво мухитида				
Ҳаво мухитидан намуналар				

олиш жойлари				
Хаво мұхитидан намуналар олиш усуллари				
Хаво мұхитидан олинган намуналарга хulosса бериш				

**Мавзуни амалий күникмаларини эгалашнинг ўқув технологияси**  
**“Шажара дарахти” усули “Хаво алмашинуви турлари”**



**Вазиятли масала**

**Масала №1.** ЎТМ синф хонасидаги хаво-иссиклик тартиби текширилганды қуйидаги маълумотлар олинди: хавонинг алмашинуви таббий усулда  $0,2 \times 0,2$  ўлчамдаги фрамуга ёрдамида ташкиллаштирилади. Хавонинг ҳарорати 24 даражани, намлиги 20%ни, ҳавонинг ҳаракат тезлиги 0,02 метр сонияни ташкил қиласи.  $\text{CO}_2$  нинг микдори дарснинг охирида 0,2%ни ташкил қиласи. Синф хонасининг майдони  $50 \text{ m}^2$ ни, баландлиги эса 3 метрни ташкил қиласи.

1. Синф хонасининг хаво-иссиқлик тартибини баҳоланг.
2. Синф хонасидаги хаво-иссиқлик тартибини меъёrlаштириш чоратадбирларини кўрсатинг.

**Жавоб.** Синф хонасининг майдони  $50\text{m}^2$ . Форточка майдони ва  $1/50$  бўлиши керак пол майдонидан масалада  $0,04\%$  ( $0,2 \times 0,2$ ), Синф темпиратураси  $21^{\circ}\text{C}$  бўлиши керак, намлиги  $40-60\%$  бўлиши керак.

**Хулоса:** Синф хонасининг ҳаво мухитининг микроиклим параметлари ва  $\text{CO}_2$  миқдори СанКМ 0102-2000 талабларига жавоб бермайди.

### **Назорат саволлари**

1. Ҳаво мухитини заралантирувчи моддаларни айтиб беринг.
2. Заралантирувчи моддаларнинг организмига таъсирини айтинг.
3. Ҳаво мухитидан намуналар олиш жойлари.
4. Ҳаво мухитидан намуналар олиш усууларини тушунтириб беринг.
5. Намуналар олиш асбобларини айтиб беринг.
6. Тортиш (поглатител) ускуналарининг турларини айтинг .
7. Суюқ воситалар қуиши учун ишлатиладиган тортиш ускуналарини айтинг.
8. Ҳаво мухитига бўлган гигиеник талаблар.
9. Ҳаво мухитини гигиеник баҳолаш меъёрий хужжатини айтинг.
10. Ҳаво мухитидан олинган намуналарга ким хулоса беради.
11. Ҳаво мухитинининг ифлосланишининг олдини олиш тадбирларини айтиб беринг.

### **ТЕСТ**

#### **1. Ҳаво мухитидан намуналар олиш усууларини кўрсатинг:**

1. \*Сув аспиратори, электр аспиратори, чангютгич, аспиратор АЭРА усууда 2. Сувни тўкиш, жой алмаштириш, вакуум усулида 3. Аспирацион ва намунани идишга олиш усулида 4. Сув аспиратори, электр аспиратори.

#### **2. Ютиш (поглатител) ускуналари нима учун ишлатилади?**

1. Ҳаво намунасида газсимон ва буғ ҳолатидаги моддаларни сақлашга.

2. \*Хаводан намуна олишда дистилланган сув, ҳар хил суюқликлар солишига
3. Ҳаво намунасидан қурғошин олиш учун қаттиқ сорбентлар солишига
4. Ҳаво намунасидаги кимёвий моддаларни узига тортишга.

**3.Ҳаво муҳитидан намуна олиниши нимага боғлиқ ?**

1. Хоналарда болаларнинг бўлишига.
2. \*Ҳаво муҳитидаги заарли моддаларига.
3. Иш бошланишидан олдин, кун мобайнида ва ишдан кейин олишига.
4. Вентиляция мосламаларининг ишлаш натижасига.

**4.Ҳаво муҳитидан намуна олишда суюқ воситалар қўйиш учун ишлатиладиган ускуналарни кўрсатинг: 1.\*Зайцев, Петри, Полежаев.**

2.U –шаклидаги, гофирланган, шийша трубкали колонкалар.3.Зайцев, Петри, Полежаев, Реберга, Рыхтера.4.Зайцев, Петри, Полежаев, U – шаклидаги.

**5. Атмосфера ҳавосидаги CO<sub>2</sub> ПДК си:** А) 0.2-0.3 %      Б) 0.3- 0.4 %  
В)\* 0.03-0.04 %      Г) 0.04-0.05 %

**6. Бино ичидаги CO<sub>2</sub> ПДК си:** А) 0.2 %    Б) 0.3 % \*В) 0.1 %    Г) 0.4 %

**7. Нафас орқали чиқарилган ҳаво таркибидаги CO<sub>2</sub> миқдори:**

А) 4 %      Б) 3 %      В) 5 %      Г) 2 %

**8. 1 соат давомида нафас орқали чиқариладиган CO<sub>2</sub> нинг ўртача миқдори:** А) 20.4 л      Б) 24.6 л \*В) 21.6 л      Г) 25.0 л

**9.Углерод оксиди билан захарлангандаги асосий белгилар бу ...**

- 1.\* Гипоксемия (карбогемоглобининг хосил бўлиши).
2. Ферментлар фаолигини бузилиши (нафас олиш ферментларини).
3. Метогемоглобайнинг хосил болиши (гипоксия);
4. Туар жойларда CO<sub>2</sub> мавжуд булишининг ахамияти.

**10. Қайси усул билан хонадаги карбонат кислотасининг миқдори аникланади?** 1. шприц, экспресс усули 2. \* экспресс усули ишкорий эритма билан 3. Зайцев, Петри, Полежаев, U –шаклидаги.

**Лаборатория текширишлари учун сув намуналарини олиш  
услублари. Органолептик текшириш усули ёрдамида сувни  
сифатини баҳолаш. Лаборатория текширишлар учун тупроқдан  
намуна олиш усули.**

Сув сифатининг назорати ва уни ўрнатилган гигиеник талабларга мос келишини сувни сув маънбаларидан олиш жойларида, тозалаш босқичларида, тақсимловчи тармоққа беришдан аввал ва тақсимловчи тармоқда олиб борилади. Сув олиш иншоотларида, тоза сув сақлаш резервуарларида, босим ҳосил қилувчи тармоқларда ва тақсимловчи тармоқларида сувдан синама олиш ва синамалар сони республика Давлат Санитария эпидемиология назорат марказлари билан келишилган ҳолда белгиланади. Тақсимловчи тармоқда сув синама олиш жойлари асосий магистрал тармоқларнинг қўча, сув олиш тармоқлари, боши берк тармоқлар ва тармоқни юқори кўтарилиган жойларида, юқори қаватларга сувни ҳайдаб бериш жойларида белгиланади.

Сувнинг сифатини назоратида бажариладиган назорат қуйидаги турларга ажратилади:

- Қисқартирилган назорат (умумий микроблар сони, коли индекс, органолептик кўрсаткичлар);
- Умумий физик-кимёвий назорат: (келиб чиқиши жихатидан табиий ва сувни сифатини тайёрлаш жараёнида қўшиладиган компонентлар);
- Махсус вирусологик ва паразитологик;
- Махсус токсикологик назорат (алоҳида заҳарли моддалар, канцероген таъсир самарасига эга бўлган моддалар);
- Махсус радиацион назорат.

Тақсимловчи тармоқда ичимлик сувини сифати қисқартирилган назорат кўрсаткичлари бўйича текширилади. Умумий физика-кимёвий кўрсаткичлари бўйича назорат маҳаллий ДСЭНМ ходимлари ёки сув таъминоти бошқармаси ташаббуси билан сув сифатининг ёмонлашуви ва бошқа шикоятлар бўлганда олиб борилади. Таҳлил учун олинадиган

синамалар сони истемолчилар сонига боғлиқ ҳолда қуидаги белгиланган меъёрга мос келиши керак.

**Ҳар ойда тармоқдан олинадиган синамалар сони**

**Жадвал 1.**

Аҳоли сони (минг ҳисобида)

10 гача

Ҳар ойда тармоқдан олинадиган синамалар сонининг энг кам микдори

2

10 – 20

10

20 – 50

30

50 – 100

100

100 дан кўп

200

**Ичимлик сувининг органолептик хусусиятлари қуидагича тавсифланади:**

- 1) ичимлик сувининг органолептик хусусиятининг рухсат этиладиган ўзгариш интенсивлиги (хиди, ранги, таъми, лойқалиги);
- 2) энг кам концентрацияда ичимлик сувининг органолептик хусусиятларига салбий таъсир кўрсатиши эҳтимоли бўлган кимёвий моддалар таркиби.

**Сувнинг органолептик кўрсаткичлари қуидаги талабларга мос келиши**

**зарур:**

**Жадвал 2.**

Кўрсаткич	Меъёри
Хид, 20 ва 60 градусларда	2 баллдан ортиқ эмас
Қўшимча таъм, 20 градусда	2 баллдан ортиқ эмас
Ранги, пластино – коболтли шкалада	20 градусдан ортиқ эмас
Лойқалиги, стандарт шкала бўйича	1,5 мг.л (2,0) дан ортиқ эмас

**Ичимлик сувининг органолептик хусусиятларини ўрганиш**



**Расм 25. Ичимлик сувининг органолептик хусусиятларини ўрганиш**  
Ичимлик сувининг органолептик хусусиятларига салбий таъсир кўрсатиши эҳтимоли бўлган кимёвий моддаларни меъёри қуидаги жадвалда кўрсатилгандан ортаслиги керак.

Жадвал 3.

<b>Сувнинг табиий таркибида учрайдиган моддалар</b>	<b>Меъёри (мг.л)</b>
1. Куруқ қолдик	1000 (1500) кўп эмас
2. Хлоридлар	250 (350) кўп эмас
3. Сулфатлар	400 (500) кўп эмас
4. Темир	0,3 (1,0) кўп эмас
5. Мис	1,0 кўп эмас
6. Рух	3,0 кўп эмас
7. Умумий қаттиқлиги	7,0- м.экв.л. кўп эмас
8. Водород кўрсаткичи (рН)	6 – 9
9. Полифосфатлар (РО2)	3,5
10. Нефт маҳсулотлари	0,1

### **Микроорганизмлар сони.**

Умумий микроблар сони 1 мл сувда 100 дан ортаслиги керак.

Коли-индекс – 3

Коли-титр – 300

Эшерихий, колифаг ва гельминтлар бўлмаслиги керак.




Рис. 26. Ичимлик сувининг лаборатор текшириш

**Тупроқ** - ташқи муҳитнинг асосий элементларидан бири бўлиб, инсон ўзининг ҳаёт фаолияти давомида у билан доимо алоқада бўлади. Тупроқ қаттиқ, суюқ ва газ ҳолдаги таркибий қисмлардан ташкил топган бўлиб, унинг таркибида органик, минерал моддалар мавжуддир. Тупроқнинг асосий массаси мураккаб тузилишга эга ва у минерал (тупроқ, қум, охак ва бошқалар) ва органик (чиринди) моддалардан ташкил топган. Таркибий қисмларнинг қандай нисбатда ва миқдорда эканлиги, тупроқнинг физико-механик хусусиятини белгилайди. Шунинг учун тупроқнинг бу хусусиятини аниқлашнинг аҳамияти катта. Тупроқ ташқи муҳитнинг асосий элементларидан бўлиб, инсон ўзининг ҳаёт фаолияти давомида у билан доимо алоқада бўлади. Тупроқ қаттиқ, суюқ ва газ ҳолдаги тарқмибий қисмлардан ташкил топган ва таркибида органик, минерал моддалар мавжуд. Тупроқ таркибида турли касаллик қўзғатувчи микроблар, гельминтлар учрайди, шунинг учун эпидемиологик нуқтаи назардан ҳам аҳамияти катта. Тупроқнинг физико-механик хусусияти қурилиш учун жой танлашда муҳим аҳамиятга эга.

**Лаборатория текшириш ишлари учун тупроқдан намуна олиш:**



Рис.27. Тупроқдан намуна олиш

**Тупроқнинг физико-механик ва кимевий хусусиятларини текшириш учун тупроқдан намуна олиш** 2 та  $25\text{ m}^2$  ли майдонда амалга оширилади. Майдоннинг биттаси атроф муҳитни ифлословчи манбага яқин ва иккинчиси ундан узокда жойлашиши керак. Тупроқдан намуна танланган жойнинг диагоналлари бўйича маҳсус бурғи, пармаловчи асбоб ёки белкурак ёрдамида олинади. Намуналар 5-8 жойдан 0,8-1 кг атрофида олиниб, тоза целофан халтачаларга солинади. Ўртача намуна миқдори 1-1,5 кг бўлиб, бу намуналар хар хил чуқурликдан ( $0,25, 0,75, 1, 1,5$  м) ва текшириш мақсадига кўра ундан чуқурроқ қисмларидан ҳам олиниши мумкин. Олинган намуналар қопқоғи яхши ёпиладиган банкаларга ёки полиэтилен қопчаларга солиниб, оғзи маҳкам беркитилади, рақамланади ва илова қофози солинади. Илова қофозида намуна олинган жойи, вақти, чуқурлиги, ва тупроқдан намуна олинаётган вақтдаги метеорологик шароитлар ҳам ёзиб қўйилади. Лабораторияда тажриба ўтказиш учун **тупроқ намунаси** табиий шароитларда яхши қуритилган бўлиши керак.

**Гелминтоскопик текширишлар учун тупроқ намунасини олиш** тупроқнинг ҳам юза ва ҳам чуқур қатламларидан олиниши лозим.



Рис. 28. Тупроқнинг гелминтоскопик текшириш

**Бактериологик текширувлар учун олинган тупроқ намуналари** стерилланган асбоб ва идишларга олиниши керак. Олинган намуналар ҳажми 200-300 см<sup>3</sup> бўлиши лозим. Олинган намуналарнинг сақланиш муддати 1-2<sup>0</sup>C хароратда 24 соатгача.



Рис. 29. Тупроқнинг бактериологик текшириш

## Тупроқнинг физико-механик хусусиятларини текшириш



Рис. 30. Тупроқнинг физико-механик хусусиятларини текшириш

**Тупроқнинг донадорлиини аниқлаш** учун тешиги 0,25 ммдан 10 ммгача бўлган элаклар тўпламидан фойдаланилади. Бунинг учун текширилаётган тупроқ намунасидан 300 гр олинади, яхшилаб қуритилади, ҳамда элаклар тўпламининг юқорисидагига солинади ва аста секин эланади. Элашнинг охирида ҳар бир элакда ушланиб қолган тупроқнинг микдори тарозида тортилади ва тупроқ диаметрларига қараб уларнинг даража микдори аниқланади.



Рис. 31. Тупроқнинг ғоваклилигини аниқлаш

**“Блиц усули”**

<b>№</b>	<b>Мавзулар саволи</b>	<b>Биламан</b>	<b>Билишни хоктайман</b>	<b>Билдим</b>
1.	Ичимлик сувининг физиологик ахамияти.			
2.	Ичимлик сувининг гигиеник ахамияти.			
3.	СанҚВМ 950-2011.			
4	Ичимликсувининг органолептик кўрсаткичлари.			
5.	Ичимлик сувининг кимёвий таркибига бўлган гигиеник талаблар.			
6.	Ичимлик сувининг эпидимиологик кўрсаткичлари (колитр, коли-индекс).			
7.	Тупроқнинг ғоваклиги			

**Инсерт жадвали**

Тушунчалар	V	+	-	?
Органолептик				
Коли-титр				
Коли-индекс				
Тупроқнинг физико-механик хусусиятлари				
Тупроқнибактериологик текшируви				

Тупроқни гельминтологик текшируви				
---	--	--	--	--

## **Вазиятли масалалар**

**Масала №1.** Сув тармоғидаги ичимлик сувининг сифати ва тармоқни Давлат қабул қилиш хайъати томонидан ишга тушиши мумкинлиги түғрисида хулоса беринг. Сувнинг сифатини текшириш

I. Сувнинг органолептик кўрсаткичлари

1. ҳиди 20 °C ва 60°C -- балларда ---- 1
2. таъми 20 °C ва 60 °C - балларда ---- 1
3. ранги коболтий шкала бўйича – 25
4. лойқалиги мг/л -- 1,7

11.Сувнинг микробиологик кўрсаткичлари

1. Умумий микроорганизмлар сони – 175
2. Коли- индекс 4

111.Сувнинг кимёвий кўрсаткичлари

1. Фтор мг/л -- 1,8
2. Темир мг/л -- 0,3
3. Сульфатлар мг/л – 350

**Масала №1 - ечиш бўйича намуна:**

Сифатли ичимлик суви билан таъминлашдаги сув тармоғида сувнинг сифат кўрсаткичлари ДавСТ 950-2011 “Ичимлик суви”да берилган гигиеник талабларга қуидаги кўрсаткичлар: ранги, лойқалиги, умумий микроорганизмлар сони, коли индекс ва фтор миқдори бўйича жавоб бермайди.

Таклиф: Сувни сифатини гигиеник талабга жавоб бериши учун сувнинг коагуляция, самарали заарсизлантириш усули ва фторсизлантириш ўтказиш керак.

**Вазиятли масала № 2.** Сув тармоғидаги ичимлик сувининг сифати ва тармоқни Давлат қабул қилиш хайати томонидан ишга тушиши мүмкінлиги тұғрисида хulosа беринг. Сувнинг сифатини текшириш

I Сувнинг органолептик күрсаткичлари

1. хиди 20 °C ва 60 °C -- балларда ---- 2
3. таъми 20 °C ва 60 °C - балларда ---- 2
4. ранги коболивий шкала бўйича – 40
5. лойқалиги мг/л -- 2,0

II. Сувнинг микробиологик күрсаткичлари

5. Умумий микроорганизмлар сони – 82
6. Коли индекс 7

III. Сувнинг кимёвий күрсаткичлари

1. Фтор мг/л -- 0,8
2. Темир мг/л -- 1,3
3. Сульфатлар мг/л – 320

**Вазиятли масала №3.** Сув тармоғидаги ичимлик сувининг сифати ва тармоқни Давлат қабул қилиш хайати томонидан ишга тушиши мүмкінлиги тұғрисида хulosа беринг. Сувнинг сифатини текшириш

I. Сувнинг органолептик күрсаткичлари

1. хиди 20 °C ва 60 °C -- балларда ---- 2
2. таъми 20 °C ва 60 °C - балларда ---- 2
1. ранги коболивий шкала бўйича – 35
2. лойқалиги мг/л -- 3,7

II. Сувнинг микробиологик күрсаткичлари

1. Умумий микроорганизмлар сони – 115
2. Коли индекс 6
3. Қолдиқ хлор - 0

III. Сувнинг кимёвий күрсаткичлари

25. Фтор мг/л -- 1,9
26. Темир мг/л -- 0,3

27. Сульфатлар мг/л – 300

**Вазиятли масала № 4.** Мактаб ичимлик суви таркиби текширилганда, ичимлик суви таркибіда қуийдагилар аникланған : темир – 0,2 мг/л, мис - 1,0 мг/л, хлоридлар 300 мг/л. Ичимлик суви таркибига баҳо беринг?

**Хулоса :**

**Вазиятли масала № 5.** Ичимлик сувининг эпидемиологик ҳолатига баҳо беринг? Ичимлик суви таркибидаги микроорганизмлар сони 1 литрда 150 та, коли индекс 4 га ва коли титр эса 400 га тенг.

**Хулоса :**

**Вазиятли масала № 6.** Туар жой массивини қурилиши учун ер майдони ажратылған .Тупроқдаги кимёвий моддалар микдори РЭМ дан 3 маротоба ортиқ. Хлебников санитария сони 0,72 тупроқнинг ҳолатига баҳо беринг ва яна қандай текшириш ишлари олиб борилиши кераклигини айтинг. Ажратылған ер майдонига гигиеник баҳо беринг.

### **Назорат саволлар**

1. Ичимлик сувини эпидемиологик томондан ҳавфсизлигини таъминловчи күрсаткичлар ва меъёрлари.
2. Сув ва сув таъминоти гигиенасидан амалдаги меъёрий хужжатлар.
3. Юқумли касалликларни тарқалишида сув омилиниң аҳамияти.
4. Ноюқумли касалликларни юзага келишида сувнинг кимёвий күрсаткичларининг аҳамияти.
5. Ичимлик сувининг эпидемиологик ҳавфсизлигини таъминлаш меъёрлари;
6. Сувнинг органолептик күрсаткичларини таъминловчи гигиеник меъёрларнинг асослари.
7. Сув таъминоти тармоғыда лаборатория кузатувни олиб бориш учун қандай синама олинади?
8. Сувнинг сифатини тұлық кузатиш учун қайси жойлардан синамалар олинади?

9. Сув таъминоти тармоғларида сувнинг қайси сифатлари бўйича баҳо берилади?
10. ДавСт 950 – 2011 бўйича ичимлик сув сифатига қўйиладиган гигиеник талаблар.
11. Ичимлик сувидан синама олиш сони нималарга боғлиқ.
12. Лабораторияда текшириш учун тупроқдан синама олишусуллари.
13. Тупроқ ва унинг хоссалари хақида тушунча.
14. Тупроқнинг физик-механик хоссаларининг гигиеник ахамияти.
15. Тупроқнинг эпидемиологик ахамияти.
16. Тупроқнинг ифлосланишини аниқлашнинг гигиеник ахамияти.
17. Тупроқни ифлословчи манбалар
18. Тупроқни лаборатория текширишидан ўтказишнинг ахамияти.
19. Лаборатория текширишлари учун тупроқдан намуна олиш усули.
20. Тупроқнинг физик-механик хусусиятларининг ахамияти ва уларни аниқлаш усуллари.

### **Тестлар**

**1.Ичимлик суви таркибидаги хлоридлар микдори.**

А) 300мг/лБ)\*250 мг/лВ) 350 мг/лГ) 400 мг/л

**2.Ичимлик суви қайси стандартга жавоб бериши керак?А) Гост- 930-**

**2000Б) Гост – 960-2000В)\* Гост- 950-2011Г)Гост-900-2000**

**3. 1 литр сувдаги умумий микроблар сони.**

А) 200Б) 150В) \*100Г) 250

**4. Ичимлик сувининг коли-индекси нечага тенг ?**

А)2Б) \*3В)5Г)6

**5. Ичимлик сувининг коли-титри нечага тенг ?**

А)250Б)450В) \*300Г)500

**6. Сув орқали келиб чиқадиган эндемик касалликлар.**

А)гепатит Б) \*эндемик букок,флюорозВ) гижжаг)ичак инфекцияси

- 7. Геокимёвий эндемик касалликларни кўрсатинг-1.\*** Флюороз  
касаллиги, эндемик бўқоқ, подагра2. Селикоз, антрокоз, эндемит букоқ,  
холера3. Бруцеллез, гельминтоз, аскаридоз
- 8. Тупроқдан намуна олиш меъёри-1.\*** 5-8 жоидан 0,8кг-1кг  
2. 1-2 жоидан 0,5-10кг. 3. 20 жоидан 20кг
- 9. Биогеохимик худуд:** 1. Пестицидлар билан ифлосланиш  
2.\* Маълум бир юкори ёки паст миқдордаги кимёвий моддаларни  
ифодаловчи худуд3. Кимёвий моддалар билан ифлосланиш
- 10. Гелминтоскопик текширишлар учун тупроқ намунасини олиш -**  
1. тупроқнинг чуқур қатламларидан олиниши лозим. 2. 1-2 жоидан 0,5-  
10кг 3. \*тупроқнинг ҳам юза ва ҳам чуқур қатламларидан олиниши лозим.

**Овқатланиш гигиенаси фани ҳақида тушунча. Овқатланиш  
гигиенаси бўлимининг текширув объектлари ҳақида тушунча.**

**Овқатланиш гигиенаси соҳасида санитария назорати  
куйидагиларни назарда тутади:** озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати  
устидан ишлаб чиқариш жойларида назорат қилиш: озиқ-овқат саноат  
корхоналарида, гўшт ва сут саноатида, балиқ хўжалиги ва уларни реализация  
қилиш жойларида, сотув тармоғи ва умумий овқатланиш тармоғида, озиқ-  
овқат маҳсулотларини ташиб жараённида, музлатиш, омбор ва уларни сақлаш  
жойларида. Овқатланиш гигиенасидаги санитар назоратни олиб бориши  
куйидаги чора-тадбирларини бажаришни ўз ичига олади:

1. Санитар назоратини барча вазифаларини бажарувчи амалдаги давлат  
санитария эпидемиологик хизматни ташкил қилиш.
2. Озиқ-овқат маҳсулотларини ҳимоя қилувчи санитар қонунчиликни  
ишлаб чиқиш (хукумат қарорлари, фармонлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги  
буйруқлари, овқатланиш гигиенаси соҳасидаги барча қонуний хужжатлар).

3. Умумий овқатланиш корхоналари ва сотиш тармоқлари, озиқ-овқат саноати масъул ходимлари ва маъмуриятига санитар назорат органлари талабларини қўйиш ҳуқуқига эга бўлиши.

4. Санитария назорати ташкилотларига маъмурий мажбурият ҳуқукини бериш.

5. Озиқ-овқат маҳсулотларини стандартлаштириш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари бузилиши ва сифати бузилганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилишини белгилаш.

Санитар назоратини Давлат санитария эпидемиология назорати марказлари ва санитар хизмат расмий идоралари олиб боради. Санитар назорат ветеринар назорат билан тўғридан-тўғри боғлиқдир. Ветеринар назоратни чорвачиликда ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатлари тизимида ветеринар хизмати олиб боради. Аҳолининг овқатланиши устидан давлат санитария назоратини қўйидаги ташкилотлар олиб боради: санитария эпидемиологик бошқарув бош бошқармаси овқатланиш гигиенаси бўлими (Республика соғлиқни сақлаш вазирлиги) ва санитария эпидемиологик хизмат ташкилотлари (Республика, вилоят, шаҳар, туман санитария эпидемиология назорат марказларида, сув транспортида бассейн, портларда) ДСЭНМ, бошқариш даражасига қараб овқатланиш гигиенаси бўлими бўлади. Овқатланиш гигиенаси врачи ўз иш фаолиятида қонунчилик ҳужжатларидан кўлланма сифатида фойдаланади. Тиббий биологик талаблар ўз ичига қўйидаги кўрсаткичларни олади:

- I. Умумий ҳолатлар**
- II. Озиқ- овқат маҳсулотлари органолептик хусусиятлари, яъни ташқи кўриниши, ранги, консистенцияси, ҳиди ва мазаси.**

### **III. Озиқавий қийматлилиги**

Озиқ-овқат хом-ашёси ва озиқ-овқат маҳсулотлари алоҳида кўринишлари ва гурухларининг озиқавий қийматлилигига асосан кўпинча уларнинг ҳар бирида озиқавий модда ва энергетик қийматлилиги борлиги билан аниқланади.



Расм 32. Озиқ-овқат маҳсулотлари

Мана шу белгилари бўйича озиқ-овқат хом ашёси ва маҳсулотлари 9 та асосий гурӯхга бўлинади:

1. Гўшт, гўшт маҳсулотлари, парранда маҳсулотлари ва тухум.
2. Сут ва сут маҳсулотлари.
3. Балиқ ва балиқ маҳсулоталари ва бошқа турдаги денгиз маҳсулотлари.
4. Нон ва нон маҳсулотлари, ун ва ёрма маҳсулотлари.
5. Шакар ва қандолат маҳсулотлари.
6. Сабзавотлар, полиз маҳсулотлари мевалар, мевалар ва уларни қайта ишлиш маҳсулотлари.
7. Ёғли маҳсулотлар.
8. Ичимликлар ва бижғитиш маҳсулотлари.
9. Бошқа маҳсулотлар.

#### **IV. Хавфсизлик мезонлари:**

Озиқ – овқат маҳсулотлари хом-ашёси ва уларнинг хавфсизлик кўрсаткичлари асосида уларда саломатлик учун потенциал хавфли, келиб чиқиши жиҳатидан кимёвий ва биологик моддалар, яъни пестицидлар сақловчи, микробиологик кўрсаткичлар, озиқ-овқат стабиллиги

кўрсаткичлари (ачитқи ва микроскопик замбуруғлар устидан назорат) қўйилиши мумкин бўлган даражада чеклаш талаблари қўйилган.

#### **V. Болаларнинг овқатланиши учун тавсия этилган озиқ-овқатлар:**

Бу бўлимда бир ёшдан уч ёшгacha бўлган болалар учун маҳsusлаштирилган озиқ-овқат маҳsулотлariга қўйилган тиббий-биологик талаблар, шунингдек хаётning бириинчи йилидаги bemor болаларни даволаш учун ишлаб чиқарилган маҳsus озиқ-овқат маҳsулотlariга бўлган тиббий-биологик талаблар кўrsatilgan.

**Маҳsулотларнинг калорияси ва озиқавийлик қийматини аниқлаш усуllари.** Санитария эпидемиология назорати марказларининг асосий вазифаларидан бири ахолининг турли қатламлари орасида меъёрлаштирилган овқатланишни ташкиллаштиришдан иборат. Шунинг учун етарли даражадаги овқат рационини баҳолаш усуllарини билиш ҳамма учун зарурдир. Шу мақсадда ахолининг овқатланиш сифати ва кунлик рационни лаборатория шароитида бутун рационни ёки алоҳида таомларини санитария эпидемиология назорат маркази лабораториясида овқатланиш гигиенаси врачанинг иш режаси асосида текширилади. Рацион ёки таомларнинг озиқавийлик қиймати ва калориясини лаборатория шароитида аниқлашда уларнинг таркибидаги оқсиллар, ёғлар ва карбонсувлар миқдори баҳоланади, шу билан биргаликда уларнинг биологик қийматини, яъни витаминлар ва минерал моддалар, зарурият бўлганда аминокислотлар миқдори ҳам аниқланади. Нутриентлар таркибига оқсил, ёғлар, углеводлар, минерал моддалар киради. Оқсил, ёғ, углеводларнинг нисбати 1:1:4 бўлиши зарур. Организмда оқсил етишмаслиги жисмоний ривожланмасликка, шартли рефлекс ва иммуннобиологик фаолиятининг сусайишига, бу эса кислота-ишқор тенглигининг бузилишига олиб келади.



Расм 33. Оқсилларга бой озуқалар

Ёғлар организм йўқотган энергияни қоплайди. Улар организмни ташки мухит омиллариға қарши курашиб қобилиятини, яъни иммунитетни оширади. Организмда ёғ миқдорининг камайиши натижасида витаминлар етарили даражада сўрилмайди. Организм учун асосий ёғлар манбаларидан бири, озиқ-овқат махсулотлари таркибидаги ёғлар хисобланади. Кунлик ёғга бўлган эҳтиёж умумий миқдорининг 5-10% ни ташкил қилиши зарур.

Углеводларнинг асосий вазифаларидан бири организмнинг энергия сарфини қоплашдир. Углеводга бой манба ўсимлик озиқ-овқат махсулотлари хисобланади. Қанд, нон, картошка, сабзавот ва мевалар таркибидаги углеводлар оддий( моносахаридлар) ва мураккаб қанд (ди ва полисахаридлар) тарзida бўлади.



Расм 34. Углеводларга бой озуқалар

Овқатланишни тўғри ташкил қилишда витаминларнинг хам ахамияти катта. Улар организм ривожланишида моддалар алмашинуви жараённида маълум

бир вазифани ўтайди. Организм учун энг керакли витаминлар В гурух витаминлар PP, C, A, E лар киради.



Расм 35. Витаминларга бой озуқалар

Организмнинг моддалар алмашинувида минерал тузлар ҳам иштироқ этади. Минерал тузлар деярли ҳамма озиқ-овқат махсулотларида ( гүшт, сут, балиқ, тухум, картошка, сабзавот махсулотлари) мавжуд. Минераллар таркибиға фосфор, Ca, Na, K тузлари, бундан ташқари микроэлементлар мис, кобальт, фтор, марганецлар киради.



Расм 36. Рационал овқатланиш учун озуқа моддалар

**Рационал овқатланиш** – организмни энергетик, пластик талабарни қондирадиган, нормал моддалар алмашинувини таъминлайдиган овқатланишга айтилади.



Расм 37. Сут ва сут махсулотлари

**Баланслаштирилган овқатланиш** – қунлик рационда асосий озуқа моддалари ва микроэлементларни бир бирига нисбатан тўғри нисбатда бўлишига айтилади. Масалан : оқсил, ёғ, углевод ўртача 1:2.7:4.6 га teng бўлиши. Болалар овқатланишида организм учун энг зарур бўлган элементлар Ca, P ва йод қунлик овқатда 1:1.5 нисбатда бўлиши керак. Йод – интеллектуал элемент хисобланади.

**Адекват овқатланиш** – қунлик рациондаги овқатланиш бир бирига ва организмга мос келиши. Овқатланиш тартиби бу бир кун давомидаги озуқаларни белгиланган вақтларда ва маълум вақтлар оралигида қабул қилишга айтилади.

### **Овқатланиши адекватлигини баҳолашда қўйидаги кўрсаткичлардан фойдаланамиз : ИТМ ( идеал теоретик вазн)**

ИТМ=P-100 ( бу тана узунлиги 165 смгача бўлганлар учун)

ИТМ=P-105( 165-175 см)

ИТМ=P-110 ( 175 см дан юқори бўлганлар учун)

**Кетле индекси ( КИ)** – бу тана вазнини тана узунлигига нисбатини ифодаловчи индексдир. Бу индексни аниқлаш учун тана узунлигини метрда олиб квадратга кўтариш керак. **КИ=M/P(m<sup>2</sup>)**. 17-25 ёшгача=19,2-24,3; 25-35 ёшгача=20,7-26,3 гача

**Овқатланиш статуси** – овқатланиш организмнинг структурасига, функциясига ва реактивлигига таъсири тушинилади.




### “Блиц усули”

№	Мавзулар саволи	Биламан	Билишни хохлайман	Билдим
1.	Нутриентлар ва уларнинг овқатланишдаги ахамияти.			
2.	Рационал, баланслаштирилган, адекват овқатланиш.			
3	Овқатланиш статуси.			
4.	Кетле индекси ва уни хисоблаш.			
5.	ИГМ ва уни хисоблаш			

### Инсерт жадвали

Түшүнчалар	V	+	-	?
Нутриентлар				
Рационал овқатланиш.				
Баланслаштирилган овқатланиш.				
Адекват овқатланиш.				
Кетле индекси				
ИТМ				

**Мавзуни амалий күнкімаларини эгалашнинг ўқув технологияси**  
**«Ечим дарахти» усули**



**Масала № 1.** Сут заводини жорий санитария назорати ўтказиш давомида шу нарса аникландик, қабул пунктида лаборатория жойлаштирилмаган. Сизнинг мутахассис сифатида хulosangiz?

**Масала № 2.** Лаборатория текширув учун олинган синамалар мухрланмаган ва лабораторияга олиб бориш учун синама олинган объектда қолдирилганды. Сизнинг хulosangiz.

**Масала № 3.** Беморни тана вазни 55 кг, тана узунлиги 174 см, ИТМни хисобланг :

Хулоса :

**Масала № 4.** Бемор тана вазни 60 кг, тана узунлиги 165 см. Кетле индексини хисобланг.

Хулоса :

**Масала № 5.** Овқатланиш рациони сифатини баҳоланг.

№	Бажариладиган босқичлар:	%	
1.	Нонуштанинг қиймати	20	
2.	Тушликнинг қиймати	20	
3.	Толма чой қийматини	20	
4.	Кечки овқатнинг қийматини	40	
	Жами	100	
	Хулоса		

**Масала № 6.** Талабаларнинг овқат рационини ўрганишда қуидагилар аниқланди: оқсиллар, ёғлар ва карбонсувларнинг нисбати 1:0,6:4,5 ташкил қилди. Сизнинг хулосангиз.

### **Назорат саволлари**

1. Давлат санитария назоратининг вазифаларини санаб беринг?
2. Давлат санитария назорати қайси 2 гурӯхга ажратилади?
3. Қайси қонуний хужжатлар асосида овқатланиш гигиенаси врачи назоратолиб боради?
4. Қайси хужжатлар асос бўлувчи хужжатлар ҳисобланади?
5. Қайси хужжатлар умумдавлат меъёрий хужжатлари турига киради?
6. Давлат санитария назорати тўғрисидаги қонуннинг қайси бандларида овқатланиш гигиенаси врачининг фаолиятлари акс эттирилган?
7. Овқатланиш гигиенаси врачига қандай хуқуқлар берилган?
8. Овқатланиш гигиенаси врачи қайдай турдаги санитария текширувларини ўтказади?

9. Овқатланиш гигиенаси врачи жорий санитария назорати давомида қайси формаларни түлдиради?

10.Огохлантирувчи давлат санитария назорати олиб бориш давомида қайси ҳисоб шакллари түлдирилади.

## ТЕСТЛАР

**1. Нутриентлар таркибиға нималар киради ?**

А.оқсиллар Б.ёғлар В.\*ҳаммаси Г. углеводлар.

**2. Оқсил, ёғ, углеводлар қандай нисбатда бўлиши керак?**

А.1:1:3 Б. 1:1:2 В. \*1:1:4 Г. 1:4:1

**3. Рационал овқатланиш деб нимага айтилади?**

А.\*Организмни энергетик, пластик талабларини қондирадиган нормал моддалар алмашинувини таъминлайдиган овқатланишга айтилади.

Б.Кунлик рационда асосий озиқ моддалар ва микроэлементларни бир-бирига тўғри нисбатда бўлишига айтилади.

В. Кунлик рациондаги овқатланиш бир-бирига ва организмга мос келишига айтилади.

Г.Кунлик рациондаги овқатланиш бир-бирига ва рационга мос келишига айтилади.

**4. Тўрт махал овқатланиш тартибида қунлик рационнинг энергия қийматини қандай тақсимланади?**

А. нонушта 20%, 2 нонушта 15%, тушлик 50%, кечки овқат 15%

Б. нонушта 15%, 2 нонушта 15%, тушлик 30%, кечки овқат 40%

В.\* нонушта 20%, 2 нонушта 15%, тушлик 35%, кечки овқат 25%

Г. нонушта 10%, 2 нонушта 15%, тушлик 35%, кечки овқат 25%

**5. Катта кишилар меҳнат қобилиятига кўра неча гурухга бўлинади?**

А. 6 Б. \*5 В. 4 Г. 3 Д.7

**6. Тана узунлиги 165 смгача бўлганлар учун ИТМ нечага teng ?**

А. ИТМ=P-105Б.ИТМ=P-110В. \*ИТМ=P-100Г. ИТМ=P-130

**7. Кетле индекси қандай топилади?А.КИ= P(см<sup>2</sup>)/МБ.\*КИ= М/P(м<sup>2</sup>)В.**

КИ= P(м<sup>2</sup>)\*МГ. КИ= P(м<sup>2</sup>)+М

8. **Овқатланиш статуси нима?** А. овқатланишни организмнинг структурасига таъсири Б. овқатланишни организмнинг функциясига таъсири В. овқатланишни организмнинг реактивлигига таъсири Г. \*хаммаси түғри.

9. **Қуидагиларнинг қайси бири соғлом турмуш элементлариға кирмайды?** А.\* юқори калориялы овқатланиш Б. кун тартибига риоя қилиш В. рационал овқатланиш Г. ёмон одатлардан холи бўлиш

#### **10.Рационал озиқланишнинг принципларидан бири:**

1. Овқатланиш балансланган бўлиши керак\*
2. Овқатланиш конституцияга мос келиши керак
3. Овқатланиш йил мавсумига мос келиши керак
4. Овқатланиш даволовчи-профилактик бўлиши керак.

#### **Кунлик овқатланиш меъёrlари. Таомнома тузиш усули.**

Оқилона овқатланиш деб инсон организмининг ички мухит доимийлиги (гомеостаз) ҳамда юқори даражадаги хаёт тарзини таъминловчи физиологик тўлақонли овқатланишга айтилади. Оқилона овқатланиш соғлом бўлмоғи лозим, зеро соғлом овқатланиш кишиларни сурункали ноинфекцион касалликлардан сақлайди ҳамда саломатлик ҳолатини сақлаган ҳолда узоқ-умр кўришини таъминлайди. Овқатланиш рационига қўйиладиган асосий талаблар куйидагилардан иборат:

1. организмнинг қундалик энергия сарфига мутаносиб бўлиши;
2. барча турдаги зарурий озиқ-овқат маҳсулотлари, минераллар, витаминлар маълум миқдорда ҳамда муълум нисбатда мавжуд бўлиши, бирмунча организм учун фойдали;
3. қабул қилинаётган озиқ – овқат маҳсулотларнинг кимёвий тузилиши меъда-ичак тизимидағи ферментлар тизимиға максимал мос келиши;
4. тўғри овқатланиш тартиби.

Маълум бўлишича аҳолининг оқилона овқатланишларини ташкил этишнинг асосий илмий хусусияти бу кишининг ёши, жинси, саломатлик ҳолати

ва касбий фаолиятига боғлиқ бўлмай, балки қуидаги умумий физиологогигиеник талабларга боғлиқдир:

1) *овқатланиши рациони* – энергетик қувватмандлиги, сифатий таркиби, озуқа моддаларнинг меъёрлаштирилганлиги, сўрилувчанлиги, турли-туманлиги, тўйимли бўлиши, санитар-эпидемиологик хавфсиз бўлиши;

2) *овқатланиши тартиби* – овқатланиш вақти ва даврийлиги, овқатланишлар сони ҳамда улар орасидаги интервал, истеъмол қилинаётган овқатнинг хусусиятларидан келиб чиқиб кунлик рационни тақсимлаш (энергетик қувватмандлик, таркиби, миқдори, вазни);

3). *Озиқ-овқат маҳсулотларни қабул қилиши вақти-* овқатланиш хонасинингхолати ва безатилганлиги, овқатланиш столида идиш ҳамда овқатланиш анжомларининг жойлаштирилиши, хонанинг микроиклими ва бошқалар.

**Таомнома тузиш** жараёнида қуидаги гигиеник мезонларни инобатга олиш керак: овқатлар миқдор жиҳатдан етарли, организм йўқотган қувватини қоплаши керак.

1. кунлик рационнинг энергетик қиймати;
2. рацион таркибидаги оқсиллар миқдори, шунингдек ҳайвон оқсилларнинг миқдори;
3. рацион таркибидаги ёғлар миқдори, шунингдек ўсимлилк ёғларининг миқдори;
4. рацион таркибида карбонсувларнинг миқдори, шунингдек шакарнинг миқдори, яъни дисахаридлар миқдори;
5. рацион таркибидаги витаминалар миқдори: С, А, Д, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, В<sub>6</sub>, РР;
6. минерал моддалар миқдори: кальций, фосфор, темир ва магний;
7. овқатланиш тартибига риоя қилиш лозим, овқатни куннинг маълум бир қисмида ва вақтида истеъмол қилиш шарт;
8. овқат кунлик таомномада оқсиллар, витаминалар, минерал моддалар меъёрда бўлиши керак. Кунлик овқат қувватмандлигини 14 %и оқсил, 30 % ёғ ва 56 %и углеводлар ҳисобига тўлдирилиши лозим;

9.таомларнинг хилма-хиллиги ва уларнинг таркибидаги маҳсулотларнинг турли-туманлиги;

10.овқатланиш тартиби (алоҳида овқатланиш вақтига ва тартибига асосий озуқа моддаларини тақсимлаш);

Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёжи ва энергетик қиймати унинг касбига, машғулот турига, жинси, ёши ва хизмат турига, спорт тури ва жисмоний юкламалар даражасига ва климатик яшаш минтақасини инобатга олиш зарур.

Кунлик рационни қўйидаги тартибда тузиш керак: умумий қувватнинг 14% оқсиллар ҳисобига, 30%-ёғлар ҳисобига, карбонсувлар ҳисобига эса 56% бойитилиши керак. Рацион таркибидаги оқсиллар, ёғлар ва карбонсувларнинг нисбати эса 1:1:4 нисбатда бўлиши зарур.

Овқатланиш жараёнида унинг калориясини ҳисоблашда қўйидаги коэффицентларни инобатга олиш керак: 1 г оқсиллар -4,1 ккал, 1 г ёғлар - 9,3 ккал, 1 г карбонсувлар эса - 4,1 ккал беради. Тавсия этиладиган 4 маҳалли ёки 3 маҳалли овқатланиш тартибida кунлик рационинг энергетик қийматининг тақсимланиши жадвалда келтирилган.

#### Жадвал 4

#### **Овқатланиш тартибига қўра овқат қувватмандлигини тақсимланиши**

Овқатланиш вақти	Овқатнинг умумий қувватмандлигига нисбатан % ҳисобида	
	Тўрт маҳалли овқатланиш	Уч маҳалли овқатланиш
Нонушта	25-30	30
Тушлик	10-15	-
Толма чой	40-45	45-50
Кечки овқат	15-20	25-30

## **Инсоннинг қувват ва озуқа моддаларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш усуллари**

**Овқатланишнинг физиологик меъёри** – овқатланиш гигиенаси, биокимёси ва физиологияси бўйича барча тадқиқотларнинг охирги хulosаси ҳисобланади. Климатик шароитлари организмининг физиологик эҳтиёжи, меҳнат шароити, ёши, жинсини инобатга олган ҳолда озуқа моддалари ва энергия миқдорини аниқлашга ёрдам беради. Олинган натижаларнинг таҳлили ва баҳолашда, шунингдек натижаларга баҳо беришда ва уларнинг истеъмол даражасини аниқлашда физиологик меъёр, бу ўртacha қиймат ҳисобланади. Бугунги кунда катта ёшдаги меҳнат қобилиятига эга аҳолининг овқатланиш даражаси иш интенсивлигига қараб 5 та гурухга ажратилган (жадвал 5):

**1-гурух.** Ақлий меҳнат билан шуғулланувчилар: корхона раҳбарлари, инженер-техник ходимлар: тиббиёт ходимлари, жарроҳлар, тиббиёт хамширалари, фан ходимлари, ижодкорлар, маданият ишлари бўйича ходимлар, режалаштириш ва хисоб- китоб бўлим ходимлари, котибалар, иш юритувчилар, пультда ишловчилар, диспечерлар.

**2-гурух.** Енгил жисмоний иш билан шуғулланувчилар: иш фаолияти айrim жисмоний куч талаб қиласиган инженер-техник ходимлар, автоматлаштириш жараёнида банд бўлган ишчилар, радиоэлектрон корхоналарнинг ишчилари, тикувчилар, агрономлар, зотехниклар, ветеринар ходимлар, тиббиёт хамширалари, санитаркалар, саноат моллари билан савдо қилувчилар, соатсозлик корхоналарининг ишчилари, алоқа ва телеграф ходимлари, ўқитувчилар, жисмоний тарбия ва спорт инструкторлари ва тренерлари.

**3-гурух.** Ўртacha оғирлиқдаги иш билан шуғулланувчилар: металлга ва ёғочга ишлов берувчилар, чилангандар, созловчилар, жарроҳлар, кимёгарлар, тўкувчилар, косиблар, транспорт хайдовчилари, озиқ-овқат корхонаси ходимлари, умумий овқатланиш ва коммунал хўжалиги ишчилари, озиқ-

овқат магазинлари сотувчилари, фермерлар уюшмаси бошлиқлари, темир йўлчилар, сувчилар, кўтарма кранларнинг машинистлари.

**4-гурух.** Оғир жисмоний меҳнат билан шуғулланувчилар: қурувчи ишчилар, қишлоқ хўжалиги ходимлари ва механизаторлар, ер юзасида ишловчи кон ишчилари, нефть ва газ саноати ишчилари, металурглар, қуювчилар, ёғочни қайта ишлаш корхонларининг ишчилари, дараҳтларни кесувчилари, дурадгорлар, қурилиш материаллари саноати ишчилари.

**5-гурух.** Ўта оғир жисмоний меҳнат билан шуғулланувчи ишчилар: кон ишчилари, пўлат қуювчилар, дараҳт ағдарувчилар, дараҳтларни бўлакларга ажратувчи ишчилар, ғишт терувчилар, бетончилар, ер қазувчилар, юк ташувчилар, иш жараёни механизациялаштирилмаган қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган соҳа ишчилари.

Ҳар бир гурух ўз навбатида 3 та ёш гуруҳига бўлинган – 18-29 ёш; 30-39 ёш ва 40-59 ёш. Ўртacha мутлоқ тана вазни сифатида эркаклар учун 70 кг, аёллар учун 60 кг қабул қилинган.

**Катта ёшли меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат интенсивлигига қараб кунлик овқатланишини физиологик  
меъёрлари**

Меҳнат интенсивлиги бўйича	Жинси	Ёши	Қувватмандлик кДж (ккал)	Оқсил, ш.қ. ҳайвон, г	Ёғ, г	Углевод, г	Минерал моддалар, мг				Витаминалар, мг					
							Ca	P	Mg	Fe	B <sub>1</sub>	B <sub>2</sub>	B <sub>6</sub>	C	PP	E <sub>(ME)</sub>
I	Эркаклар	18-	11723(2800)	91(50)	103	378	800	1200	400	10	1,7	2,0	2,0	70	18	15
		29	11304(2700)	88(48)	99	365					1,6	1,9	1,9	68	18	
		30-	10676(2550)	83(46)	93	344					1,5	1,8	1,8	64	17	
		39														
		40-														
		59														
	Аёллар	18-	10048(2400)	78(43)	83	324	800	1200	400	18	1,4	1,7	1,7	60	16	12
		29	9630(2300)	75(41)	84	310					1,4	1,6	1,6	58	15	
		30-	9210(2200)	72(40)	81	297					1,3	1,5	1,5	55	14	
		39														
		40-														

		59														
II	Эркаклар	18-	12560(3000)	90(49)	110	412	800	1200	400	10	1,8	2,1	2,1	75	20	15
		29	12142(2900)	87(48)	106	399					1,7	2,0	2,0	72	19	
		30-	11514(2750)	82(45)	101	378					1,7	1,9	1,9	69	18	
		39														
		40-														
		59														
	Аёллар	18-	10676(2550)	77(42)	93	351	800	1200	400	18	1,5	1,8	1,8	64	17	12
		29	10257(2450)	74(41)	90	337					1,5	1,7	1,7	61	16	
		30-	9839(2350)	70(39)	86	323					1,4	1,6	1,6	59	15	
		39														
		40-														
III	Эркаклар	18-	13398(3200)	96(53)	117	440	800	1200	400	10	1,9	2,2	2,2	80	21	15
		29	12979(3100)	93(51)	114	426					1,9	2,2	2,2	78	20	
		30-	12351(2950)	88(48)	108	406					1,8	2,1	2,1	74	19	
		39														
		40-														

		59														
	Аёллар	18-	11304(2700)	81(45)	99	371	800	1200	400	18	1,6	1,9	1,9	68	18	12
		29	10886(2600)	78(43)	95	358					1,6	1,8	1,8	65	17	
		30-	10467(2500)	75(41)	92	344					1,5	1,8	1,8	62	16	
		39														
		40-														
		59														
IV	Эркаклар	18-	15495(3700)	102(56)	136	518	800	1200	400	10	2,2	2,6	2,6	92	24	15
		29	15072(3600)	99(54)	132	504					2,2	2,5	2,5	90	23	
		30-	14444(3450)	95(52)	126	483					2,1	2,4	2,4	86	22	
		39														
		40-														
		59														
	Аёллар	18-	13188(3150)	87(48)	116	441	800	1200	400	18	1,9	2,2	2,2	79	20	12
		29	12670(3050)	84(46)	112	427					1,8	2,1	2,1	76	20	
		30-	12142(2900)	80(44)	106	406					1,7	2,0	2,0	73	19	
		39														
		40-														

		59														
V	Эркаклар	18-	18008(4300)	118(65)	158	602	800	1200	400	10	2,6	3,0	3,0	108	28	15
		29	17166(4100)	113(62)	150	574					2,5	2,9	2,9	102	27	
		30-	16328(3900)	107(59)	143	546					2,3	2,7	2,7	98	25	
		39														
		40-														
		59														

## **18-29 ёшдагилар учун бир кунлик озуқа меъёрлари қуидагича :**

Нон	350 г	Картошка	260 г
Сабзавот	250 г	Мевалар	110 г
Шакар	80 г	Сариёғ	30 г
Сут	900 мл	Тухум	1 та
Гүшт	100-150 г		

Оқсил – 93 гр. Ёғ – 120 гр. Углевод – 440 гр. 3185 ккал атрофида бўлиши керак.

1-3 ёшли бола кунига 1000ккал, 3-7 ёшли бола эса 1500-1800 қилади. Озиқ-овқат таркибига оқсил, ёғ, углеводлар, витаминлар, минерал моддалар ва сув киради.

Спортчилар, талабалар, оғир жисмоний меҳнат билан шуғулланувчи одамлар, хомиладор ва эмизикли аёлларнинг калорияга бўлган эҳтиёжи ( ккал)

### Жадвал 6

Тоифаси	Эркаклар	Аёллар
Талабалар	2800-3300	2700-3000
Мусобақа даврида зўр бериб машқ қилувчи спортчилар	4500-5000	3500-4000
Кўп жисмоний меҳнат қилувчи шахслар	4300	3500-4000
Хомиладорлар	4300	3500-4000
Эмизикли оналар	4300	3500-4000

**Таомнома – тақсимнома** бу битта истеъмол қилишга мўлжалланган овқатнинг тури ва унинг таркибига кирган овқат маҳсулотлари. Таомнома тузишда Ўзбекистон шароитида кўп етиштириладиган ҳамда миллий таомлар тайёрлашда кўп ишлатиладиган озиқ маҳсулотлари киритилган. Бир кунга мўлжалланган таомномани тузишда уй нони (тандирда, газда пиширилган нон) бошқа нонларга нисбатан кўпроқ истеъмол қилиниши аниқланган.

**16-59 ёшли эркакларга бир күнлик таомнома учун овқатлар**



**16-54 ёшли аёлларга бир күнлик таомнома учун овқатлар**



**Пенсия ёшидагиларга бир күнлик таомнома учун овқатлар**



**1-3 ёшли болаларга бир күнлик таомнома учун овқатлар**



**4-6 ёшли болаларга бир күнлик таомнома учун овқатлар**



**7-15 ёшли болаларга бир күнлик таомнома учун овқатлар**



## Расм 38. Бир кунлик таомнома учун овқатлар

Таомларнинг турлича бўлишига аҳамият берилади ( бир хил таом хафтади 1-2 марта берилиши мумкин). Кунлик рациондаги калорияси баҳоланади.

Мактабгача ёшдаги болалар учун эрталабки нонушта 20-25%, тушлик овқат 35-40%, кечки тушлик овқат 10%, кечки овқат 20-25% ни ташкил қилиши шарт.

### **Вазиятли масалалар**

**Масала № 1.** Ақлий меҳнат билан шуғулланадиган ишчининг фактик овқатланишини ўрганиш давомида қуйидагилар аниқланди: оқсиллар- 70 грамм, улардан ҳайвонот оқсиллари -20 грамм, ёғлар 110 грамм, карбонсувларнинг миқдори эса 800 грамм, А витамини – 0,5 мг, С витамини – 40 мг. Сизнинг хulosангиз.

**Масала № 2.** Тоғ-кон ишчисининг овқатланиш тартиби қуйидагича: нонушта -30%, тушлик -40%, кечки овқат-30%. Сизнинг хulosангиз.

**Масала № 3.** Талабаларнинг овқат рационини ўрганишда қуйидагилар аниқланди: кунлик рацион тарикибида оқсилар миқдори 70 г, улардан ҳайвонот оқсилларининг миқдори эса-20%ни ташкил қилди. Сизнинг хulosангиз.

**Масала № 4.** Талабаларнинг овқат рационини ўрганишда қуйидагилар аниқланди: кунлик рацион тарикибида ёғларнинг миқдори 80 г, улардан ҳайвонот ёғларнинг миқдори эса-50%ни ташкил қилди. Сизнинг хulosангиз.

**Масала № 5.** Талабаларнинг овқат рационини ўрганишда қуйидагилар аниқланди: кунлик рацион тарикибида карбонсувлар миқдори 500 г ни ташкил қилди. Сизнинг хulosангиз.

### **Назорат саволлари**

1. Кечқуринги менюда қайси таомни истеъмол қилиш тўғри келмайди?
2. Кимнинг овқат рационларини тузишда қайси хусусиятлари хисобга олинишлари шарт?

3. Мактаб болаларнинг рационларини тузганда қайси маҳсулотлардан фойдаланиш зарур?
4. Мактаблар, мактаб-интернатлари тарбиячиларида кун давомида овқат рационининг умумий энергетик қиймати қандай?
5. Таомнома тузиш.
6. Таомномадаги таомлар таркибидаги маҳсулотларни түлиқ ифодаланиши.
7. Рационнинг овқатли ва энергетик қийматини хисоблаш.
8. Ҳарбир озуқли модданинг кунлик йиғинди миқдорини хисоблаш.
9. Оқсил, ёғ, карбонсувларнинг нисбатини хисоблаш.
10. Овқатланиш тартиби бўйича рационнинг фоизлардаги тақсимотини хисоблаш.
11. Овқатланишдаги шахсий физиологик меъёrlарни аниqlаш.

### **Тестлар**

- 1. Тўрт маҳал овқатланиш тартибida кунлик рационнинг энергия қийматини қандай тақсимланади?**  
А. нонушта 20%, 2 нонушта 15%, тушлик 50%, кечки овқат 15%  
Б. нонушта 15%, 2 нонушта 15%, тушлик 30%, кечки овқат 40%  
В.\* нонушта 20%, 2 нонушта 15%, тушлик 35%, кечки овқат 25%  
Г. нонушта 10%, 2 нонушта 15%, тушлик 35%, кечки овқат 25%
- 2. 18-29 ёшдагилар учун 1 кунлик нон меъёри қанча?**  
А.450 г Б. \*350 г В. 250 г Г. 550 г
- 3. 18-29 ёшлилар учун 1 кунлик картошка меъёри қанча?**  
А. 250 г Б. 280 г В. 270 г Г. \*260 г
- 4. 18-29 ёшлилар учун 1 кунлик тухум меъёри қанча?**  
А.  $\frac{1}{2}$  та Б. 2 та В. \*1 та Г. 3 та
- 5. 18-29 ёшлилар учун 1 кунлик гўшт меъёри қанча?**  
А. 50-100 г Б. \*100-150 г В. 200-250 г Г.300-350 г Д. Эҳтиёжга қараб.
- 6. Оқсил, ёғ, углевод ва ккалга бўлган 1 кунлик эҳтиёжи қанча?**  
А. оқсил 85, ёғ 150, углевод 300, ккал 1500

- Б. оқсил 120, ёғ 50, углевод 500, ккал 2000
- В. \* оқсил 93, ёғ 120, углевод 440, 3185 ккал
- Г. оқсил 100, ёғ 90, углевод 500, 4190 ккал

**7. Оқсил, ёғ, углевод ва ккалга бўлган 1 кунлик эҳтиёж қанча?**

- 1. оқсил 120, ёғ 50, углевод 500, ккал 2000
- 2. \* оқсил 93, ёғ 120, углевод 440, 3185 ккал
- 3. оқсил 85, ёғ 150, углевод 300, ккал 1500

**8. Кунлик энергия сарфини аникладиган энг осон ва қулай усул?**

- 1. термометрия усули
- 2. респиратор энергометрия усули
- 3. \*жадвалли хронометраж усули

**9. Овқатланиш режими нима дегани? 1. Овқатнинг калорияси 2.**

\*Овқатланишга қараб калорияларни тўғри тақсимлаш

- 3. Овқатланиш вақти

**10. Овқатланишнинг энергетик адекватлигининг критериялари-**

- 1.\* бўй, вазн , жинс, ёш, касб
- 2. вазн , бўй-вазн кўрсаткичи , тери ости ёғ қаватини қалинлиги
- 3. бўй , бош айланасини катталиги , кўкрак қафаси айланаси

11. **Организмнинг энергия сарфини бошқарувчи турлари:** 1. \*Ақл ва жисмоний меҳнатнинг хар хил турлари 2. Жисмоний фаолият  
3. Респиратор энергометрия.

**Болалар ва ўсмирлар гигиенаси фани ҳақида тушунча. Болалар ва ўсмирлар гигиенаси бўлимининг текширув объектлари ҳақида тушунча.**

Болалар ва ўсмирлар гигиенасининг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

**1. Болалар ва ўсмирлар соғлиғини сақлаш.** Бу масалани ҳал қилиш биологик ва ижтимоий омиллар, ташқи муҳит ҳамда умумий тараққиёт қонунларининг организмига таъсирини аниqlаш имконини беради. Ҳар бир

ёшга оид даврга хос касалликларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш эса касалликнинг олдини олиш чора-тадбирларини белгилайди ва ҳаётга тадбиқ этиш имкониятини яратади. Ўсиб келаётган авлоднинг соғлиқ даражаси жорий этилган соғломлаштириш гигиеник тадбирларининг натижаси ўлароқ, келгусида яна қандай қўшимча гигиеник тадбирлар кўриш кераклигини ҳам белгилаб беради. Ҳозирги ёш авлоднинг соғлигини тавсия этилган муддатда аниқлаш (тиббий кўрикдан ўтказиш орқали) билан бир қаторда антропометрик усулларни қўллаш йўли билан уларнинг жисмоний ривожланишини аниқлаш қабул қилинган.

**2. Болалар ва ўсмирлар фаолияти гигиенаси.** Олиб бориладиган ишларнинг бу соҳасида ўсиб келаётган авлоднинг турли ишлар билан шуғулланишида (хар хил турдаги болалар муассасаларида ўқиш, жисмоний иш бажариш, жисмоний тарбия, корхоналарда касбга ўргатиш ва ҳоказо) гигиенавий тадбирларни қўллаш ва натижаларини аниқлаш кўзда тутилади. Бунда болаларнинг соғлигини сақлаган ҳолда иш фаолиятини ошириш ҳамда чарчашнинг олдини олиш тадбирларини кўриш асосий масала ҳисобланади. Бу ўз йўлида ясли, боғча, мактаб ёшидаги болаларга мувофиқ келадиган кун тартибининг тўғри тузилишига хизмат қиласди.

**3. Болалар ва ўсмирлар Ташқи муҳит гигиенаси.** Мўлжалланган ишнинг бу қисмida муассасаларини, қурилиш лойиҳасини тузишда ва қурилишда гигиена тадбирларини жорий этиш, жумладан: уларни аҳоли яшайдиган жойларга жойлаш, хоналарни етарли даражада тоза ҳаво ва иссиқлик, ичиш учун мўлжалланган сув билан таъминлаш ҳамда санитария-техника иншоотлари ва бошқа болалар учун мўлжалланган жиҳозлар билан таъминлаш кўзда тутилади.

**4. Болалар ва ўсмирлар овқатланиш гигиенаси.** Бунда овқат маҳсулотларининг аҳамияти, овқатланиш тартиби болалар муассасаларининг хусусиятига кўра (болалар муассасаларида, ёзги оромгохларда, санаторийларда, ташкил қилинган саёҳат ва юришларда) ўрганилади ҳамда ўсиш даври ва энергия сарфи- меъёри ишлаб чиқилади.

**5.Болаларга ва ўсмирларга тиббий хизмат кўрсатиш.** Ишнинг бу қисмида тиббий хизмат кўрсатишни илмий нуқтаи назардан ишлаб чиқиши ҳамда эпидемияга қарши тадбирлар кўриш ва болаларни гигиенавий нуқтаи назардан тарбиялаш мўлжалланган. гигиенасининг асосий мақсади болаларнинг ўсиб-унишига ёрдам берган ҳолда уларни яна ҳам соғлом, жисмонан яхши ривожланишини таъминловчи ташқи муҳит шароитларини яратиш ва шу мақсадда кенг миқёсда лаборатория усулларидан ҳамда гигиеник кузатишлардан фойдаланишдан иборат.

**6.Санитария-статистика усули.** Бу усул соғлигини аниқлашда, туғилиш-ўлим, табиий ўсишини белгилашда, ахолининг ўртacha умр кўришини аниқлашда ҳамда жисмоний ривожланишига баҳо беришда кенг қўлланилади.

Болалар ва ўсмирлар гигиенасига оид масалаларни ҳал этишда асосан умумий гигиена йўналишларидан кенг фойдаланилади. Болалар ва ўсмирлар орасида меҳнатни илмий асосда ташкил қилишда меҳнат гигиенаси, яшаш шароитини ўрганишда (туар жой, болалар муассасаларининг ҳолатини ўрганишда, хоналарни етарли даражада ҳаво, табиий ёруғлик ва иситиш иншоотлари, шунингдек, етарли даражада тоза сув билан таъминлаш ва бошқалар) коммунал гигиена, болаларнинг ўсишини ҳамда энергетик ҳаражатларини ҳисобга олган ҳолда овқат гигиенаси, юқумли касалликларнинг олдини олишда эпидемиология хulosалари натижаларидан кенг фойдаланилади.


Болалар ва ўсмирлар муассасаларининг лойиҳасини тузишда, қуришда, жиҳозлашда ва атрофни кўкарамзорлаштиришда ,техникага, меъморчиликка, сантехникага ва кимёга суюнган ҳолда иш тутилади. Санитария-эпидемиология станцияларида болалар ва ўсмирлар гигиенасига оид тавсиялар жорий этилади: Болалар ва ўсмирлар гигиенасига тегишли илмий ишлар, чунончи, меъёрлар, амалий кўрсатмалар, тавсияномалар ва бошқалар.

### **Болалар ва ўсмирлар гигиенасининг асосий муаммолари:**

1. Болалар ва ўсмирларни тарбиялаш ва ўқитиш гигиенаси.

2. Ўсмирларни меҳнат гигиенаси.
3. Болалар ва ўсмирлар муассасалари гигиенаси.
4. Жисмоний тарбиялаш гигиенаси.
5. Болалар ва ўсмирларсаломатлигини ўрганиш ва коррекция қилиш.

**Мавзуни амалий қўнималарини эгалашнинг ўқув технологияси**  
**“Нима учун” усули**




### **Вазиятли масалалар**

**Масала № 1. Қўйидаги масалаларга кластер тузинг.** Болалар ва ўсмирлар контингентлари саломатлик ҳолатини, шунингдек, юқумли касалликларни олдини олиш ва камайтириш, касб касалликларини олдини

олиш, болаларни тўғри жисмоний ривожланишини, кун тартиби ва рационал овқатланишини тўғри ташкиллаштириш, атроф — мухитнинг санитария ҳимояси — жорий санитария назоратини тўғри йўлга қўйиш.

### Кластерни тузиш қоидаси

1. Сизда пайдо бўлган барча фикрларни ёзинг. Ғоялар сифатини муҳокама қилманг, фақат уларни ёзинг.
2. Хатни тўхтатадиган имло хатоларига ва бошқа омилларга эътибор берманг.
3. Ажратилган вақт тугагунча ёзишни тўхтатманг, янги ғоялар келмагунча қоғозга расм чизиб туринг.



### Назорат саволлари

1. Болалар ва ўсмирлар гигиенасининг асосий масаласи нимадан иборат?
2. БўГ ўсиб келаётган организмга қайси омиллар таъсирини ўрганади?
3. БўГ бошқа гигиеник фанлардан нима билан фарқланади?
4. БўГ ўрганиш обьекти бўлиб нима хисобланади?
5. БўГ бўйича профилактик чора-тадбирлар нимага асосланиб ишлаб чиқилади?
6. Болалар ва ўсмирларорасида профилактик чора-тадбирларни ўтказиш учун нима асос бўлади?

7. Соғлиқни сақлаш амалиётида БҮГ нима билан шуғулланади?
8. Болалар ва ўсмирларнинг саломатлигини асосий ифодоловчи омиллари.
9. Ёш болалик даврида тиббий кўрикларни ўтказиш даврийлиги.
10. Болалар ва ўсмирларорасида қандай ҳасталиклар кўпроқ учрайди?

## ТЕСТЛАР

- 1.Хозирги кунда болалар ва ўсмирларорасида энг кўп учрайдиган касаллик тури -1. Анемия 2.\* Миопия 3. Неврастения**
- 2. Ўсмирлар ва болаларни иммунологик реактивлиги учун кўрсатилган қайси омиллар аҳамиятга эга?**
  1. \*Овқатланиш сифати ва чиниқиши 2. Уйқу ва дам олиш тартиби, шахсий гигиена 3. Яшаш шароитлар
- 3. Болалар ва ўсмирлар муассасалари асосий объекти хисобланади -**
  1. Мактаб, мактаб—интернат, касбий мактаблар колледжлар, лицей ва соғломлаштириш масканлари
  2. \*МБМ, мактаб, мактаб—интернат, касбий мактаблар колледжлар, лицей ва соғломлаштириш масканлари
  3. МБМ, мактаб, касбий мактаблар колледжлар, лицей ва соғломлаштириш масканлари
- 4. ДСЭНМ врачи фаолиятининг энг асосий чора—тадбирлари -**
  - 1.болалар ва ўсмирларжисмоний ривожланишини яхшилашга қаратилган чора—тадбирлар 2.болалар ва ўсмирлармехнат холатини яхшилашга қаратилган чора—тадбирлар 3.болалар ва ўсмирларсаломатлик холатини яхшилашга қаратилган чора—тадбирлар.
- 5. Бола ҳаётиниг биринчи ойи давомида тиббий кўриклар ўтказиш давомийлиги -**
  - 1.Бир ойда бир марта 2.\*Хафтада бир марта
  3. Бир ойда икки марта
- 6. БҮГ фанининг асосий вазифасини кўрсатинг -**
  - 1.Болалар ва ўсмирларгармоник ривожланиш хусусиятларини ўрганиш

2. Ўсиб келаётган организмга атроф мухит таъсирининг тахлили ва баҳоси
3. \*Ўсиб келаётган ёш авлоднинг саломатлик холатини мустахкамлаш мақсадида профилактик чора- тадбирлар ишлаб чиқариш.

**7.БўГ ўсиб келаётган организмига таъсир қиласидан қайси омилларни ўрганади?** 1. Физакавий ва кимёвий, биологик 2.\*Табиий ва ижтимоий, санитар гигиеник 3. Касаллантирувчи ва табий, биологик

**8.БўГ фани бошқа гигиеник фанлардан нима билан фарққилади?**

1. БўГ жисмоний ривожланишини ўрганади.
2. БўГ муассасалари учун гигиеник меъерларни ишлаб чиқариш
3. \*Энг аҳамиятли ва аҳолининг энг касалманд қисмининг саломатлик холатини ҳимоялаш.

**9. БўГ шифокорининг асосий вазифасига биринчи навбатда қайси касалликларни олдини олиши киради?** 1. Соматик 2. \*Юқумли  
3. Сурункали.

**10. Бола ҳаётиниг биринчи йилида тиббий кўриклар даврийлигини кўрсатинг:** 1.Бир ойда бир марта 2. Ярим йилда бир марта \*3. Икки ойда бир марта.

**Болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланиш  
кўрсаткичлари ва уларни баҳолаш ҳақида тушунча.**

**Саломатлик гурӯхлари.**

**организмининг ўсиш ва ривожланишиқонуниятлари.** Тирик жонзодлар ичида инсон энг ёрдамга муҳтоҷ ҳимоясиз туғилади. Ҷақалоқ мустақил яшашга умуман тайёр эмас. У бутунлай етук бўлиши учун узоқ муддатли ўсиш ва ривожланиш даврини ўтиши керак.

**Ўсиш-** организмга тушадиган моддалар хисобига тўқималар ва органлар вазнини миқдорий ортиши ҳамда янги тўқималарни хосил бўлишидир.

**Ривожланиш** - бу тўқима ва органларда кузатиладиган сифат ўзгаришлар бўлиб, бунинг натижасида тўқима ва органлар дифференцировкаси,

уларнинг функционал етилиши ҳамда янги функциялаларни хосил бўлишидир. Ўсиш ва ривожланиш организм ҳаёт фаолияти жараёнининг 2 томони бўлиб, унинг асосини моддалар алмашинуви ва энергия ташкил этади. Инсоннинг ҳаёт цикли 3 та этапга бўлинади:

1. Етилишэтапи.
2. Етук ёш.
3. Қариш.

**Болалар ва ўсмирларорганизмида айрим орган ва системалар ривожланишининг анатомо-физиологик хусусиятлари.** Ривожланиш - бу организмнинг микдор ва сифат жихатидан қайта хосил бўлиш жараёнининг асосидир. Болалар организмидаги рухий ва физиологик ўзгаришлар асосан мактаб ёшида бўлиб ўтади. Инсон организмининг сифат жихатдан ривожланиши 3 босқичдан иборат:

I. Орган ва системаларнинг табиий биологик ривожланиш босқичи.  
II. Ҳаётий тажрибалар натижасида ўз хохиши билан ривожланиш босқичи.  
III. Олий босқич: максадга йўналтирилган ўрганиш босқичи.  
Организмнинг постнатал ривожланиши орган ва системаларда параллел бўлмайди. Умуман олганда организмнинг ўсиш ва ривожланиши туғилгандан бошлаб 18-20 ёшгача давом этади.

**Нерв системаси ва мия** - асосан ҳаётнинг I- йилларида актив ривожланади. Марказий нерв системасида бошқа орган ва системалардан фарқ қилиб микдор эмас, сифат ўзгаришлар кўп бўлади. М: Катта ёшдагилар орган ва системалар вазнининг чакалоқлардагига нисбатан катталиги.

Мушак	- 21
Суяк	- 37
Тери ва тери ости ёғ қатлами	- 19,2
Периферик нервсистемаси	- 15,3
Бош мия	- 3,7

7 ёшдан 16 ёшгача бош мия вазни бор йўғи 200 граммга ортади.

7 ёшда - 1282 г

16 ёшда

- 1430 г

Мия арикчаларининг ривожланиши 7 ёшгача интенсив бўлади.

Лимфа системаси - ( тимус, лимфа тугунлари) 10-12 ёшда ўзининг энг юқори ўсиш даражасига етади, сўнг ривожланиш 5-6 ёшдаги холатга қайтади, яъни бироз ривожланиш пасаяди.

Кўриш ўткирлиги - 7 ёшда катта ёшдагилар даражасига етади.

Организмнинг ўсиш ва ривожланиши бу асосан генетик программанинг бажарилишидир. Бунга мухитнинг таъсири кучли. Тананинг юқори ва пастки қисмлари турли давларда турлича ривожланади. 9-10 ёшгача тананинг юқори қисми пастки қисмидан катта бўлади. 10-11 ёшдан бошлаб тананинг пастки қисми яъни оёқлар ривожланиши тезлашади ва юқори қисм кўрсаткичидан ошиб кетади. 12 ёшда конституция - яъни соматик ривожланиш типи хосил бўлади. Ўғил болалар ва қизларнинг тана узунлигини ўсишида 2 та кесишишни кўриш мумкин.

I. 10-11 ёшда - бунга қадар ўғил болалар тана узунлиги қизларга нисбатан узун.

II. 14-15 ёшда - 11 ёшдан 14 ёшгача қизларнинг тана узунлиги ўғил болаларнидан юқори.

15 ёшдан бошлаб ўғил болалар кўрсаткичлари яна юқори бўлади  
**Жинсий деморфизм** - бу турли жинсдаги организмнинг структур ва функционал фарққилишидир. Бу жараён постнатал онтогенезда кучли ривожланади ва хулқи, тананинг тузилиши, иккиламчи жинсий белгилар билан фарқланади. Жинсий етилиш даврида эндокрин без фаолияти активлашади.

**Мушак системаси** - тананинг умумий вазнига нисбатан мушакларнинг вазни қўйидагича.

7-8 ёшда - 27,2%

13-15 ёшда - 32,2%

16-18 ёшда - 44,2%

**Онтогенезда яъни инсоннинг ривожланишида 7 та давр тафовут этилади,**

1. Чақалоқлик даври	-1-10 кун
2. Күкрак ёши	- 10 кундан 1 ёшгача
3. Эрта болалик	-1 ёшдан 4 ёшгача
4. I-болалик ёши	-4-7 ёш
5. 2- болалик ёши	
қизларда	- 8-12 ёш
ўғил болаларда	- 8-11 ёш
6. Ўсмирлик ёши	
Қизларда	- 12-15 ёш
Ўғил болаларда	- 13-16 ёш
7. Ўспиринлик ёки ёшлиқ даври	
Қизларда	- 16-20 ёш
Ўғил болаларда	- 17-21 ёш

Бу давларда асосий морфологик кўрсаткичлар, яъни тана узунлиги, вазн ва кўкрак қафаси айланаси ўзгаради.

**Тана узунлиги** - I ёшга бориб туғилгандағига нисбатан 47% га ортади, 2 ёшга бориб 1 ёшга нисбатан 13%га, 3 ёшда 2 ёшга нисбатан 9%га, 4- 7 ёшда эса ҳар йили 5-7% га, 8-10 ёшда 3% га ортади. 16-17 ёшга бориб ўсиш кескин секинлашади. 18-20 ёшда эса ўсиш амалий тўхтайди.

Тана вазни - 4-5 ойликда туғилгандағига нисбатан 2 баравар ортади. 1 ёшда 3 маротаба ортса, 3-7 ёшда йилига 5-7,5% га ортади.

Кейинги давларда вазн қўшилиши кескин камаяди, фақат жинсий етилиш даврида ортади.

**Жисмоний тараккиётни гигиеник баҳолаш усулларининг жисмоний тараққиёти қўйидаги усуллар ёрдамида гигиеник баҳоланади:**  
антропометрик, сигма оғищ усули, центил, регрессия усули ва бошқа усуллар.

**Жисмоний тараккиётни ўрганишда қўйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:**

1. Соматометрик кўрсаткичлар: тана узунлиги, вазни, кўкрак кафасиайланаси ва б.
2. Соматоскопик кўрсаткичлар: кўкрак қафаси, умуртқа поғонаси ва товон шакллари, тери ости ёғқатлами, жинсий белгилар.
3. Физиометрик белгилар: ўпканинг тириклик сифими, мускул кучи, қон босими, юрак уриш сони ва бошқалар.

### **Болалар ва ўсминаларнинг саломатлик гурухлари.**

1- гурух: Соғлом болалар гурухи.(Нормал ривожланиш ва нормал функция даражасига эга.).

2- гурух: Соғлом болалар гурухи. (айрим функционал ва морфологик ўзгаришлар мавжуд, ўткир ва сурункали касалликларга қаршилиги пасайган).

3- гурух: Сурункали касалликлар компенсация даврида.

4- гурух: Сурункали касалликлар субкомпенсация даврида.

5- гурух: Сурункали касалликлар декомпенсация даврида.

Болалар в а ўсминаларнинг саломатлик холати давлатнинг келажагини, иктисадий потенциалини ва мудофаа қобилиятини белгилайди.

### **“Блиц усули”**

№	Мавзулар саволи	Биламан	Билишни хоҳлайман	Билдим
1	Болалар ва ўсминалар гигиенасининг асосий муаммолари			
2	Онтогенез даврлари			
3	Соматометрик кўрсаткичлар			
4	Соматоскопик кўрсаткичлар			
5	Физиометрик кўрсаткичлар			
6	Саломатлик гурухлари			

### **Инсерт жадвали**

Түшүнчалар	V	+	-	?
Тарози турлари				
Ростомер				
Динамометр				
Спирометр				
Үсиш				
Ривожланиш				

Расм 39. Жисмоний ривожланишни аниқлаш учун приборлар


### Тиббий тарозилар




### Ростомерлар



См тасма



Тери ости ёғ қатламини үлчаш  
учун  
сурилувчи паргар (циркуль)



RIO

Динамометрлар




Расм 40. Сколиоз



**Мавзуни амалий кўникмаларини эгаллашнинг “Пирамида” ўқув  
технологияси**

**“болалар ва ўсмирларнинг саломатлик гурухлари”**



## **Вазиятли масалалар**

**Масала № 1.** Тиббий кўрик пайтида маълум бўлди: 9 ёшли бола умуртқа поғонасида - бел соҳасининг силлиғлангани бўйин бўқоқлиги катталашган, боши олдинга энгашган. Бундай таянч-ҳаракат аппарати қандай типга киради?

**Масала № 2.** БўГ бўлими врачи хисобот учун саломатлик индексини хисоблаши лозим эди. Саломатлик индексини хисоблаш учун яна қандай маълумотларни назарда тутиш лозим

**Масала № 3.** Тиббий кўрик натижасида 7 ёшли болада морфофункционал оғишлар ва иммун тизимини пасайиши топилди. Саломатлик гурухининг қайси гурухига бу болани лойик деб топилди?

**Масала № 4.** Мактаб врачи болаларнинг жисмоний ривожланишини ўтказиши режалаштирилган: Бў жисмоний ривожланишини баҳолашда асосий кўрсаткичлардан қайслари аниқланиши шарт?

**Масала № 5.** Мактаб врачи болаларнинг жисмоний ривожланишини ўтказиши режалаштирилган: қайси айтиб ўтилган кўрсаткичлар соматометрик гурухига таълуқли эмас?

### **Назорат саволлари**

1. Болаларни саломатлик гурухларига ажратиш асосида нима ётади?
2. Болалик даври босқичларини санаб ўтинг.
3. 10 йил ичидаги болалар бўйи неча см кўпаяди?
4. Жисмоний ривожланишга ноқулай таъсир кўрсатадиган омиллар.
5. Жисмоний ривожланишнинг физиометрик кўрсаткичлари.
6. Қайси болалар I саломатлик гурухига таълуқли?
7. II саломатлик гурухига қайси болалар кирадилар?
8. III саломатлик гурухига қайси болалар кирадилар?
9. IV саломатлик гурухига қайси болалар кирадилар?
10. Соматометрик кўрсаткичларига жисмоний ривожланишнинг қайси кўрсаткичлари киради?
11. Физиометрик кўрсаткичларни аниқлаш учун қандай асбоблар керак?

## ТЕСТ

- 1. Нечта саломатлик гурухи бор? А) \*5 та Б) 3 та В) 4 та Г) 1 та**
- 2. Саломатликнинг учинчи гурухига кимлар киради.? А) Соғлом  
Б) Аъзоларида функционал ўзгаришлар бўлган болалар. В) I ва II гурух ногиронлари Г)\*Компенсация давридаги сурункали касали бўлган болалар.**
- 3.Акселерация деганда нимани тушинасиз? А)\*Ўсиш ва ривожланишнинг тезлашиши Б) Жинсий тайёргарлик  
В) Ўсишни тезлашиши Г) Гавдани катталashiши.**
- 4.Саломатликнинг биринчи гурухига қандай болалар киради?  
А) сурункали касални субкомпенсация даври Б)Сурункали касаллиги бор В)\*Соғлом болалар Г) I ва II гурух ногиронлари.**
- 5. Мактаб ўқувчилари қандай жисмоний гурухларга бўлинади?  
А)\*Асосий, тайёрлов, маҳсус Б) Асосий, тайёрлов,кўшимча.  
В)Тайёрлов, асосий, бошлангич Г)Тайёрлов,ўрта, умумий.**
- 6.Бешинчи саломатлик гурухига қандай болалар кириши мумкин?  
А)\* Декомпенсация давридаги юз берадиган сурункали касали бор болалар Б) Соғлом сурункали касали бўлган болалар В) Соғлом лекин тез-тез касал бўладиган болалар Г) Компенсация даврида касал бўладиган болалар.**
- 7. Қандай холларда жисмоний ривожланиш кўрсаткичлар меъёридан юкори бўлиши мумкин? А)Модда алмашинуви жараёни бузилганда  
Б)Спортчиларда, акселератларда В)Акселерацияда ички безлар гиперфункциясида Г) \*Хамма жавоблар тўғри.**
- 8. Шахсий жисмоний ривожланиш хозирги пайтда қайси усуллар билан баҳоланади? А)\*Регрессия, комплекс, центил Б) Регреция шкаласи бўйича В) Центил усули билан Г) Комплекс усули билан.**
- 9. Физиометрик кўрсаткичларни аниқлаш учун қандай асбоблар зарур? А)\*Спирометр, динамометр Б)Спирометр, психрометр**

В) Динамометр, бўй ўлчагич, психрометр Г) Бўй ўлчагич ва тиббий тарози, гигрограф

**10. Артериал босим қайси асбобда ўлчанади?** А) Анемометр  
Б) Динамометр В) Спирометр Г) \*Тонометр.

**Меҳнат гигиенаси фани ҳақида тушунча.Меҳнат гигиенаси бўлими текширув объектлари ҳақида тушунча.**

Меҳнат инсон соғлигига ижобий таъсир кўрсатади, у жамиятнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади, кишининг кундалик ҳётини қамраб олади. Шу билан бирга меҳнатнинг баъзи бир турлари маълум шароитларда касб хасталикларининг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Бунинг асосий сабаблари ишлаб чиқаришнинг техник жиҳатдан етарли даражада таъминланмаганлиги ва зарур санитариягигиена қоидаларига риоя қилмаслиkdir.

Фан ва техниканинг жадал суръатлар билан ривожланиши натижасида ҳалқ хўжалигига ҳали ҳам учраб турадиган айрим салбий омиллар тобора ошиб бормоқда. Аммо янги ишлаб чиқариш омиллари, яъни космик фазони ўзлаштириш, лазер нурларининг ишлатилиши, кимёвий ва физик омилларнинг бир бўлиб таъсир кўрсатиши натижасида янги касб касалликлари вужудга келиши мумкин. Буларнинг ҳаммаси ўз навбатида касб касалликларининг олдини олишда санитария ва гигиена, даволаш ишларни кучайтиришни талаб қиласди. Меҳнат шароитларини яхшилашда саноат корхоналари, транспорт ва қишлоқ хўжалиги корхоналарида кундалик ва огоҳлантирувчи санитария назоратини амалга оширувчи маҳсус хизмат катта ўрин тутади. Ишчиларни ўз вақтида тиббий қўриклардан ўтказиш ва уларни диспансер кузатувига олиш шулар қаторига киритилади. Ҳозирги кунда енгил ва ўзгарган кўринишларга эга бўлган ишчилар соғлигига таъсир кўрсатувчи ишлаб чиқариш омиллари ниҳоятда хилма-хилдир. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ишлаб чиқаришда учрайдиган нохуш омиллар

таъсиридан фақат касб касалликларигина эмас, балки мутлақо бошқа ҳасталиклар ҳам пайдо бўлиши мумкин.

Касб касалликлари келиб чиқиш сабабларига қўра қуидаги турларга ажратилади:

1. Чанг таъсиридан пайдо бўладиган касалликлар (пневмокониозлар, чангли бронхит ва бошк.).
2. Ишлаб чиқаришга доир физик омиллар таъсиридан келиб чиқадиган ҳасталиклар (вибрация, шовқин, нурлар, ташқи муҳитнинг юқори ва паст ҳарорати таъсиридан пайдо бўладиган касалликлар).
3. Ишлаб чиқаришга алоқадор кимёвий омиллар таъсири туфайли пайдо бўладиган касалликлар (хилма-хил ўткир ва сурункали заҳарланишлар).
4. Биологик омиллар сабабли келиб чиқадиган касб касалликлари (меҳнатнинг айни бир турига тааллукли турли хил юқумли касалликлар, антибиотиклар, замбуруғлар сабабли юз берадиган ҳасталиклар ва ҳ. к.).
5. Аъзо ва тизимларнинг зўриқиши натижасида пайдо бўладиган ҳасталиклар (таянч-харакат аппарати, мушаклар ва асаб толаларининг касалликлари ва б.).

Меҳнат шароитларини ва унинг турларини гигиеник нуқтаи назардан баҳолаш учун иш жойларида (меҳнатнинг гигиеник таснифи) омилларнинг қуидаги хиллари тафовут қилинади:

1. Ишлаб чиқаришнинг заарли омили, бунда у ишчи организмига маълум бир шароитларда таъсир қилиб, касалликка ёки меҳнат қобилиятининг пасайиб кетишига олиб келиши мумкин.
2. Ишлаб чиқаришдаги хавфли омил, бунда у ишчи организмига маълум шароитларда кучли таъсир кўрсатиб, ўткир жароҳатларга ёки шикастланишларга олиб келади.
3. Меҳнат оғирлигидан келиб чиқадиган омил, бунда у меҳнат жараёнида таянч-харакат аъзоларига, томир ва юрак тизимларига салбий таъсир кўрсатади ва оғир жароҳатларга олиб боради.

4. Мехнат оғирлигидан, ишдан толиқиши сабабли юз берадиган омил, бунда баъзи аъзолар зўриқиб ишлайди (асаб тизими ва аъзоларда асоратлар қолади).

Пневмокониозлар заарли чангларнинг узоқ, вақт давомида организмга тушиб туриши оқибатида пайдо бўладиган ўпка ҳасталиклари гурухига мансубдир. Кенг тармоқли саноат корхоналарининг ҳавоси таркибида чанг қўп миқдорда бўлади, мазкур саноат корхонасида ишлайдиган одамлар ана шу касалликка чалинишлари мумкин.



Расм 41. Саноат корхоналарда – чанг.

Касаллик кўпинча машинасозлик саноатида (шакл берувчилар, қолипловчилар, сайқалловчилар ва б.), тоғ-кон саноатида (кон пармаловчилари, тош кесувчилар), чинни буюмлар ишлаб чиқарадиган корхоналарда, мармар ишлаб чиқаришда, қурилиш корхоналарининг ишчи-хизматчилари орасида учрайди. Шунингдек қурилиш материаллари этиштирувчилари, электр пайвандчилар, газлама тўқувчилари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (ғалла, пахта, зифир) ни қайта ишловчилар орасида тез-тез учраб туради. Одатда, пневмокониоз ишчи-хизматчиларнинг техника

ҳавфсизлиги, шахсий ҳимоя воситаларидан оқилона фойдаланмасликлари натижасида, шунингдек мазкур корхоналар ҳавосида заарли чанг миқдори белгиланганидан ошиб кетиши оқибатида юз беради. Чангларнинг кимёвий таркиби, таъсирчанлик даражаси ҳам касалликларни келтириб чиқаришда катта ўрин тутади.



Расм 42.Шахсий ҳимоя воситалари

Пневмокониознинг ривожланишида кварц чанги, шунингдек таркибида силикат бирикмаси бўлган чанг заррачалари ўзгача таъсир кўрсатиши билан фарқланиб туради. Чунки бу чанглардаги фиброгенлик хусусияти бошқа турдаги чангларга қараганда кучлироқ бўлади.



## Расм 43. Аспираторлар

**Вибрация касаллиги** турли хил клиник белгилари билан фарқ қиласидиган ва ўзига хос хусусиятларга эга бўлган касб касаллигидир. Вибрация маълум вақт оралигига такрорланиб турувчи механик тебранма ҳаракатдир. Касалликнинг келиб чиқишига асосий сабаб ишлаб чиқаришдаги тебранишдир. Ишлаб чиқаришда қўшимча омиллар (нохуш таъсиротлар) ҳам мавжуд (шовқин, совук, оғир иш, мажбурий иш ҳолати) бўлиб, улар касалликнинг пайдо бўлишини тезлаштиради, касалликнинг ўзига хос клиник белгиларини юзага чиқаради. Касаллик машинасозлик, самолётсозлик, кемасозлик, металургия саноатида, қурилишда, юқ транспортида ва қишлоқ хўжалигига ишлайдиган ишчилар орасида кўпроқ учрайди. Ишчининг баданига таъсир кўрсатишига қараб у қуйидагиларга ажратилади: маҳаллий (маълум бир жойга хос) вибрация; умумий (ишчи жойининг тебраниши) вибрация; мураккаб (маҳаллий ва умумий тебранишнинг бирга бўлиши) вибрация.

Маҳаллий вибрациянинг пайдо бўлиш манбалари: қўл машиналари, қўл бармоқлари билан бошқариладиган машиналар, асбоб-ускуналар ва жиҳозлар; асбоблар ва ишлов бериладиган қисмлар. Маҳаллий тебраниш баданинг титраши (қўл-оёклар орқали) келиб чиқади. Кўпинча бу тебраниш механизациялаштирилган қўл асбобларини ишлатувчиларда учрайди (куйилган металл кесувчиларда, парчинловчиларда, қолипловчиларда, конда йўл очувчиларда ва кончиларда, сайқал берувчиларда ва х. к.).

**Тебранишни аниқлаш учун ишлатиладиган асбоб – ускуналар:** Виброметрлар. Вибрографлар. ИШВ I ( шовқин ва тебранишни аниқловчи асбоб). Арога –Деви – Калитин актинометрии.



Расм 44. Виброметрлар

**Шовқиннинг одам организмига таъсири.** Шовқин ишлаб чиқариш муҳитининг нохуш омиллари қаторига киради. Унинг одам организмига таъсири асосан янги, юкори унумли жиҳозларни қўллашга, меҳнат жараёнларини механизациялашга ва автоматлаштиришга, турли хил мосламалар ва агрегатларни ишлатишда катта тезликларга ўтишга алоқадор бўлади. Двигателлар, сўрғичлар (насослар), компрессорлар, турбиналар, пневматик асбоблар, каттакон болғалар, майдалагичлар, станоклар ва ҳаракатланувчи деталлари бўлган бошқа мосламалар шовқин манбай бўлиши мумкин. Бундан ташқари, сўнгги йилларда шаҳар транспортининг зўр бериб тараққий этгани муносабати билан турмушда ҳам шовқин кўпайди, шу сабабли у нохуш омил тариқасида катта ижтимоий ахамият касб этади.

Шовқин одам организмига таъсири этар экан, энг аввал эшитув аъзосида, асаб ва юрак-томир тизимларида ўзгаришларни келтириб чиқаради. Шуни таъқидлаб ўтиш жоизки, шовқинга алоқадор бўлган иш жараёнлари кўпинча гавданинг ноқулай вазиятда бўлишини, диккат-эътиборининг ошувини, асаб-рухнинг ҳаяжонланишини талаб қиласи, шу билан бирга тебраниш, чанг, захарли моддалар, ноқулай об-ҳаво шароитларининг таъсири кўрсатиши билан бирга давом этади. **Частотаси бўйича шовқин турлари.** 1. Паст частотали шовқин - 16 - 350 гц. 2. Ўртача частотали шовқин - 351 - 800 гц. 3. Юқори частотали шовқин - 800 гц дан юқори.



Расм 44. Шумомерлар

**Дастлабки тиббий кўриклар** чукур ва тўлиқ ўтказилиши керак, хулоса берган шифокор бутун жавобгарликни хис этиши керак. Ишга қўйиш масаласи ҳал қилинаётганда барча хавфли, зарарли ва номақбул иш шароитларида ишлагандаги тиббий қарши кўрсатмаларга, шунингдек, ҳар бир омилнинг таъсир хусусиятини ҳисобга олиб қўшимча қарши кўрсатмаларга амал қилиш керак. Бу кўрикларнинг иккинчи мақсади саломатлиги ёмонлашмасдан туриб ўз касбини бажаришига монелик қилувчи касалликларни аниқлаш (масалан, транспорт ҳайдовчиси бўлиб ишга киришда дальтонизм – ранг ажратмаслик; қурол аслаха билан ишлашда асаб - рухий касалликлар; юқори аниқликдаги ишларни бажаришда паркинсонизм касаллиги ва б.

**Даврий тиббий кўриклар** мунтазам равишда ўтказилиб, уларни ўтказиш муддатлари ишнинг зарарли ва хавфли омиллари хусусиятига, технологик жараёни ва бошқаларга боғлиқ бўлади.

**Даврий тиббий кўрикларнинг асосий мақсадлари:**

-касбий кассаликнинг bemorларда эрта аниқлаш ва зарарли омилларни кейинчалик таъсирини ва патологик жараённинг ривожланишини тугатиш бўйича чоралар кўриш;

- зарарли иш шароитларида ишни давом эттиришга тўсқинлик қилаётган (яни қарама-қарши кўрсатма бўлган умумий касаликларни қайтадан орттирган) шароитларни аниқлаш;

- баҳтсиз ходисаларнинг олдини олиш ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш, ахоли саломатлигини химоя қилиш, юқумли ва паразитар касалликларнинг тарқалишини олдини олиш мақсадидида уларни вақтида аниқлаш;

-тиббий кўрик натижаларига кўра шахсий даволаш-профилактика чора – тадбирлари ўтказилишини таъминлаш;

- корхонада касбий касалланишларни олдини олишга қаратилган соғломлаштириш чора - тадбирларни ишлаб чиқиши.

**Вазиятли масалалар**

**Масала № 1.** «Чархпалак» тренинги. Касбига қараб касб касалликларини мослаштиринг.

Касблар	Касб касалликлари			
	Яssiойоқлик	Сколиоз	Ўпка эмфиземаси	Сурункали ларингит
1. Новвойлар				

2. Дастьгохларда ишловчилар				
3. Тўқимачилар				
4. Ўқитувчилар Карнайчи Сурнайчилар				
5. Оғир юк ташувчилар				
6. Сартарошлар				
7. Шиша пуфловчилар				
8. Қўшиқчилар				

**Масала № 2.** Қўйидаги кўрсаткичлар бўйича ишлаб чиқариш мухитига баҳо беринг?

1. Иш жойида ёруғлик 75 люкс
2. Ҳаводаги CO<sub>2</sub> миқдори 0,5%
3. Микроиқлим : ҳарорат 32 С, нисбий намлиқ 75%, ҳаво ҳаракат тезлиги 0,05м/с.
4. Шовқин 90 Дб ( 4000 гц) шахсий ҳимоя воситаси йўқ.

**Хулоса :**

**Масала № 3.** Қўйидаги кўрсаткичлар буйича ишлаб чиқариш мухитига баҳо беринг?

1. Шовқин интенсивлиги 100 Дб, унинг спектрига асосан 4000гц га тенг товушлар ташкил қиласди.
2. Микроиқлим : ҳарорат 32 С, нисбий намлиқ 85%, ҳаво ҳаракат тезлиги 0, CO миқдори 2%.
3. Вибрация частотаси 500 гц, амплитудаси 0,2 см бўлиб иш вақтининг 90% виброасбоб билан олиб борилади. Шахсий ҳимоя воситаси йўқ.

### **Хулоса :**

**Масала № 4.** 1. Чанг миқдори 8 мг/м<sup>3</sup>, эркин кремний оксиidi тутади, юқори дисперсликга эга ва 3,4 бензапирен бор. Шахсий ҳимоя воситаси йўқ. Вазиятни баҳоланг.

### **Хулоса :**

2. Арадаш таркибли чанг, кремний оксиidi 70%, диперслилиги 70% 7 мкм, миқдори 18 мг/м<sup>3</sup> ( ПДК 4 мг/м<sup>3</sup>), чанг таркибида асбест толалари бор.

### **Хулоса :**

**Масала № 5.** «Чархпалак» тренинги. Чанг турларини мослаштиринг.

Чанг турлари	Органик чанг		Анорганик чанг		Арада ш
	Ўсимли к чанг	Хайвон и максулот	Суни й	Минера л чанг	
1. Ёғоч, пахта					
2.Пластмасса					
3. Жун, суюк					
4.Озод кремний,силикат					
5.Темир, алюминий					
6.Металлни,қуйқалар ни тозалаш					

**Масала № 6.** Қуйидаги кўрсаткичлар бўйича ишлаб чиқариш мухитига баҳо беринг?

1. Иш жойида ёруғлик 75 люкс
2. Ҳаводаги СО<sub>2</sub> миқдори 0,5%
3. Микроиқлим : ҳарорат 32 С, нисбий намлиқ 75%, ҳаво ҳаракат тезлиги 0,05м/с.
4. Шовқин 90 Дб ( 4000 гц) шахсий ҳимоя воситаси йўқ.

## **Хулоса :**

**Масала № 6.** Қуйидаги күрсаткичлар бўйича ишлаб чиқариш мухитига баҳо беринг?

1. Шовқин интенсивлиги 100 Дб, унинг спектрини асосан 4000гц га тенг товушлар ташкил қиласди.
2. Микроиқлим : ҳарорат 32 С, нисбий намлик 85%, ҳаво ҳаракат тезлиги 0, СО миқдори 2%.
3. Вибрация частотаси 500 гц, амплитудаси 0,2 см бўлиб иш вақтининг 90% виброасбоб билан олиб борилади. Шахсий ҳимоя воситаси йўқ.

## **Хулоса :**

### **Назорат саволлари**

1. Дастребаки тиббиёт кўригини ўтказишдан мақсад нима?
2. Корхонада цех ординаторининг асосий вазифалари?
3. Нима мақсадда даврий тиббиёт кўриги ўтказилади?
4. Даврий тиббий кўриклар ўтказилиши муддатлари қанча?
5. Шовқиннинг гигиеник аҳамияти.
6. Шовқиндан ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирлар.
7. Тебранишнинг физик ва физиологик тавсифи.
8. Вибрацияни инсон саломатлигига таъсири ва уни меъёrlаштириш.

## **ТЕСТ**

- 1. Мехнат шароитларини баҳолашда ҳал этилиши керак бўлган 3 асосий вазифани айтиб беринг:** А. зарарли омилларнинг таъсир этиши даражасини аниқлаш\* Б. зарарли шароитларда ишловчиларнинг сонини аниқлаш В. ишчи жойларнинг сони Г. шамолатиш самарасини баҳолаш\* Д. ёритилганлик самарасини аниқлаш\*
- 2. Ишлаб чиқариш зарарларининг таснифини келтиринг/3 гурӯҳ/:**  
А. ишлаб чиқариш омиллари Б. физикавий омиллари\* В. химические факторы\* Г. қишлоқ-хўжалик омиллари Д. руҳий-физиологик омиллари\*

**3. Заарали ишлаб чиқаришда ишловчиларни тиббий кўрикдан ўтказишнинг 2 турини кўрсатинг:** А. дастлабки тиббий кўрик\*Б. жорий тиббий кўрикВ. даврий тиббий кўрик\*Г. РежалиД. шошилинч

**4. Қайси шароитларда инсонга маҳаллий тебраниш таъсир этади:**

А. болға билан ишлаганда\*Б. сигирни қўлда соғишда

В. скрипка чалганда Г. электродрель билан ишлаганда\*

**5. Шовқин ва тебранишни аниқлашда қўлланиладиган асборларни айтинг:** А. ИЗВБ. ИШВ\*В. БЕРУШГ. ВШВ\*Д. РАНАГ

**6. Келиб чиқишига кўра чангнинг таснифи:** А. металлБ. органик\*

В. неорганик\*Г. ўсимлик Д. аралаш\*

**7. Дастлабки тиббиёт кўригини ўтказишдан мақсад нима?**

А. саломатлигида ўзгаришлари бўлган шахсларни зарарли корхоналарга ишга олмаслик Б. саломатлигини аниқлаш В. олдинги ишлаган жойларида касб туфайли касаллик белгиларини бор йўқлигини аниқлаш

Г. касб касаллигини келиб чиқишига йўл қўймаслик

**8. Корхонада цех ординаторининг асосий вазифалари?** А. \*хамма жавоблар тўғри Б. ишчиларнинг тиббиёт кўригидан ўтишларига қатнашиши В. қилинадиган иш режаларини тузиш Г. касалларни қабул қилиш

**9. Нима мақсадда даврий тиббий кўриги ўтказилади?** А.\* корхонадаги ишчиларда касалликларнинг дастлабки белгиларини аниқлаш Б. иш бажариш жараёнида касалликни аниқлаш В. корхонада салбий таъсир этувчи омилларни аниқлаш Г. иш меъёрини аниқлаш мақсадида

**10. Бўлажак касб эгаларини нима мақсадда техника ҳавфизлигидан дарс берилади?** А. иш услуби билан беҳавотир ишлаши ўргатиш учун Б. иш унумдорлигини ошириш мақсадидаВ. ажратилган вақтдан тежамкорлик билан фойдаланиш учунГ. \*касбнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш мақсадида

**11. Чанг қайси асбоб ёрдамида аниқланади - 1.\* Электроаспиратор.**

2. Пилометр.3. Актинометр.

- 12. Хар хил пневмокониоз патогенетик омиллари-** 1. Бронхит, бронхоэктаза хосил бўлиши; 2. «Чанг» пневмониясини хосил бўлиши; 3. \*Ўпка фиброзини ривожланиши;
- 13. Одам организмига шовқинни умумий таъсир этиши:** 1. Эшитиш нерв толасининг неврити; 2. \*Шовқин касаллиги; 3. Шовқиндан шикастланиш;
- 14. Пахта чангидан келиб чиқадиган пневмокониоз -** 1.\* Бициноз  
2. Антракоз 3. Силикоз

**Радиацион гигиена фани ҳақида тушунча. Радиологик бўлимнинг текширув объектлари ҳақида тушунча.**

**РАДИАЦИЯ** – умумий тушунча бўлиб, нурланишнинг баъзи бир хил кўринишлари табиатда учрайди, қолганлари эса сунъий усулларда олинади.



Расм 45. Офтоб радиациясини таркиби

Ионлаштирувчи нурларга кичик узунликдаги тўлқинлар, электромагнит тебранишлари бўлган рентген ва гамма нурлари, шунингдек алфа ва бета заррачалари, позитронлар ва нейтронлар – мусбат ва манфий зарядли ёки зарядсиз заррачалар киради.



Расм 46. Дозиметрлар

Радиоактив модда активлиги- вақт бирлиги давомида ядро алмашинувлар сонидир. Унинг ўлчов бирликлари Баккерель (Бк) ва Кюри (Ки).I Бк- I секунддаги I марта ядро парланиши.IКи- I секунддаги 3,710 10 марта парланиши.Ионланувчи радиацияни миқдорий баҳолашда экспозициядозадан фойдаланилади. Унинг системали бирлиги- кулон /кг (кл/кг), системасиз бирлиги-Рентген (Р). Кулон /кг (Кл /кг) – ионланувчи нурнинг энергия миқдори. Рентген – I см<sup>3</sup> хавода ионлар хосил қилувчи миқдор. Биологик манбаларга рентген ва у-нурлар таъсири даражасини баҳолашда ютилган дозадан фойдаланилади. Унинг ўлчов бирлиги Грей (Гр) ва Рад (рад).

Ретген ва радиологик бўлим- ДПМ даги асосий диагностик бўлим бўлиб хисобланади. Рентген ва радиология бўлимлари шифохонада имкони борича алохиди бинога ёки беморлар ҳаракати кам бўлган жойга жойлаштирилиши керак. Бу бўлимларда ўта эҳтиёткорлик билан иш олиб бориши керак.

Радиоактив нурларнинг асосий хусусиятлари ион хосил қилувчи таъсиридир.

**Нурланиши мумкин бўлган аҳоли категориялари:**

А. Ходимлар.  
Б. Аҳолини маълум чегараланган қисми.  
В. Вилоят, Республика аҳолиси.

Инсон организми нурланиш вақтида ионловчи нурларни ҳамда атроф мухит хоссаларини ўзгаришини умуман сезмайди: яъни ионловчи нурлар таъсири вақтида хеч қандай шовқинни, хидни, рангни, босимни, ёргуликни

температураны организм сезмайди. Шунинг учун жуда катта дозада хам нурланиш олишимиз мумкин. Ионловчи нурлар 1-бўлиб хужайра сувини радиолизини келтириб чиқаради. Натижада мусбат ва манфий ишорали молекуляр ионлар хосил бўлади. Булар кейинчалик хужайранинг бошқа функцияларини бузилишига олиб келади. Ионловчи нурлар таъсирига учраши мумкин бўлган 3 гурухга бўлинади.

1. А-категория-ионловчи нур манбалари б\н ишловчи ходимлар.
2. Б-категория- аҳолининг радиоактив таъситига учраши мумкин бўлган қисм.
3. В-категория- қолган умумий аҳоли.

**Радиациоя нурларини организмга таъсири натижасида қўйидаги эфектлар кузатилади :** 1. Стохастик эффект 2. Соматик эффект.

3. Гормезис эффект. Стохастик эффект – деб оз дозадаги радиация таъсирида маълум вақтдан сўнг кутиладиган натижага айтилади ( 5-10 йил). Масалан : яхши ёки ёмон сифатли ўсмалар ривожланиши мумкин. Соматик эффект – деб радиацияни юқори дозада таъсир қилиши натижасида келиб чиқадиган натижага айтилади. Масалан : ўткир нурланиш ривожланади. Гормезис эффект – деб радиацияни организмга ижобий таъсирига айтилади.

**Радиопротекторлар** – радиация таъсирида организмда пайдо бўлган радикалларни чиқариб юборувчи моддаларга айтилади.

Радиопротекторларга: этил спирти, женшен, витамин «С» киради.

### Радиосезгирлиги бўйича органлар Жадвал 7

Критик органлар гурухи	Критик органлар ёки тўқималар	ПДД. А-категория учун	ПДД. Б-категория учун
1	Бутун тана, гонадалар, қизил суюк кўмиги	5	0,5
2	1 ва 3 гурухдан ташқари органлар ва	15	1,5

	тўқималар		
3	Тери қоплами, суяқ тўқимаси, бармоқлар, товонлар, билак	30	3,0

Врач учун тиббий амалиётда ионлантирувчи нурланиш манбаъларидан фойдалангандага санитар-дозиметрик назорат ва радиацион ҳимояланиш принципларига доир билимлар жуда зарурдир, чунки бунга ҳам ҳодимларнинг саломатлиги ва ҳам пациентларнинг асоссиз нурланишлардан ҳимоялаш боғлиқдир. Шунинг учун врач ҳар қандай кўринишдаги ионлантирувчи нурланиш манбаларидан (ИНМ) фойдаланилганда ҳимояланишни ташкил қилишга доир саволларни кўз олдига келтира олиши керак. ИНМ ДПМ ларида ташхис қўйиш ва айрим касалликларни даволаш мақсадларида қўлланади. ДПМ-ларда қўлланадиган ҳамма ИНМ ўзининг вазифаси ва характеристига қараб учта гурухга бўлиниши мумкин: нурланиш генераторлари (мисол, рентген мосламалари, тезлатгичлар), ёпиқ изотопли манбалар (масалан, онкологик беморларни масофа орқали нурлантириш учун гамма-аппаратлар, bemorlarning ichki bўshliqlariga kiritib nurlantriish учун ИНМ) ва очиқ ИН манбалари, (масалан, айрим касалликларга ташхис қўйиш учун радиофарм препаратлар). Ҳар қандай турдаги ионлантирувчи нурланиш манбалари билан ишлаганда ҳодимлар учун асосий ҳавфни, фойдаланилаётган манбанинг характеристи ва радиацион ҳимоянинг ташкил этилишига боғлиқ ҳолда **нурланиш ташқи ва ички бўлиши** мумкин. Ҳодимлар ташқи нурланишни ҳар қандай кўринишдаги манбадан олиши мумкин. Изотопли манбалардан фойдаланилганда ташқи нурланиш дозаси иш жойидаги манбанинг активлиги, улар билан ишлаш вақти, манбагача бўлган масофа ва фойдаланиладиган ҳимоя тўсифининг самара бериш даражаси билан белгиланади. **Нурланиш генераторлари** билан ишлаганда ташқи нурланиш дозаси мосламанинг қуввати, у билан ишлаш вақти, унгача бўлган масофа ва тўсиқлар билан ҳимояланишга боғлиқ.

Радиометрик назорат ДПМ ларида очиқ турдаги ИНМ дан фойдаланилган шароитда ўтказилиши керак, масалан, радиофармпрепаратлар (РФП). Бундай манбалар құлланганда турли ишчи юзалар, ишчиларнинг қўллари ва кийимлари, хона ҳавоси ифлосланиши мумкин. Бундай шароитда РМ (радиацион мослама) нинг инкорпорацияланиш ҳавфи туғилади, шунинг учун очиқ ИНМ билан ишловчилар ҳам ташқи, ҳам ички нурланиш ҳавфига дучор бўладилар. Шунга боғлиқ ҳолда очиқ РМ билан ишлашга юқори даражадаги талаблар қўйилади: бундай бўлимларни алоҳида жойлаштириш, РМ (радиацион мослама) фойдаланишдаги энг оптималь технологик кетма-кетликни таъминловчи хоналарни жойлашишига эътибор қаратилади. Бундан ташқари хоналарнинг ички пардозини амалга оширишда ўзига РМ ютмайдиган маҳсус материаллардан фойдаланиш, маҳсус жиҳозларни қўллаш (бокслар, ишчи юзаси маҳсус қопламага эга бўлган столлар, маҳсус конструкцияга эга бўлган қўл ювиш чиганоқлари ва чиқиндиларни тўплаш учун маҳсус контейнерлар). Инкорпорацияланувчи РМ хисобига ички нурланишни олдини олиш учун бу бўлимларда, умумий ва шахсий дозиметрик назоратдан ташқари, ҳаво мухитини, ишчи юзаларни, ишчиларнинг қўллари ва қийимларини РМ билан ифлосланиш даражасини мунтазам назорат қилиш зарур. Бундай назорат ДСЭНМ врачлари томонидан радиометр асбоблари ёрдамида мунтазам ўтказилиб турилади.

Ҳамма радиометрлар қабул қилувчи ва қайд қилувчи қисмлардан ташкил топган. Қабул қилувчи қисми сифатида Гейгер-Мюллер хисоблагичи (счётчик) ёки сцинтилляцион узатгичдан фойдаланилади. Уларга нурланиш заррааси ёки нурланиш квANTI таъсир этганда хисоблагич зарядсизланади ва у қайд қилиш қисмida хисобга олинади. Хозирги қунда радиометрик назоратни ўтказиш учун РУП (қўтариб юриладиган универсал радиометр) ёки УИМ (универсал тиббий ўлчагич) типидаги асбоблардан фойдаланилади. Аммо ҳавфсиз иш шароитларини таъминлаш учун кўчмас радиометр-сигнализаторларни бўлимнинг ўзига, масалан, муолажа хонасидан чиқиши жойига ўрнатиш керак.



Расм 47. Радиометрлар

Даволаш процедуралари ўтказилиб бўлингандан сўнг врач ёки хамшира муолажа хонасидан чиқишидан олдин қўл, кийимларнинг тозалигини радиометр ёрдамида радиометрик назоратидан ўтказади. Асбоб эса белгиланган рухсат этиладиган радиоактив заарланиш даражасига мослаштирилган.





Расм 48. Шахсий дозиметрлар

Агар ходимдаги нурланиш даражаси ундан ортиқ бўлса ёргулик (индикаторнинг қизил ранги ёнади) ёки товуш сигнали ишлаб бизга хабар беради. Бундай ҳолатда тиббий ходим муолажа хонасига қайтиб кириши ва қўлларини қайта ювиши ва махсус кийимни алмаштириши керак.

#### **Радиоактив нурланишдан химояланиш усуллари:**

1. Микдор билан химояланиш.
2. Вақт билан химояланиш
3. Масофа билан химоялаш.
4. Экран билан химоялаш.

#### **Тиббиётда қўлланиладиган рентген нурлари классификацияси**

Рентген нурлари билан доимий равишда бевосита мулоқотда бўлувчи ходимларни химоя қилиш ва хавфсизлик чора тадбирларини кучайтирган холда қўйидаги даволовчи нур турлари мавжуд.

1. Рентгенодиагностика
2. Дистанцион рентгено ва гамматерапия. Юқори энергияларни қўллаш йўли билан даволаш.
3. Ёпик усулдаги тўқималараро, тўқималар ичи ва апликация терапия.
4. Нурлар ёрдамида даволаш ва диагностика қилиш.

#### **Тасвир хосил қилиш бўйича қўйидаги турлари мавжуд :**

1. Рентгеноскопия – кучайтирилган экранлар орқали визуал кўриш.
2. Рентгенография – махсус плёнкалар қўллаш орқали.
3. Флюорография – экрандаги фотоаппарат ёрдамида тасвирни суратга олиш.


## “Блиц усули”

№	Мавзулар саволи	Биламан	Билишни хохлайман	Билдим
1.	радиация хакида тушунча .			
2.	радиацияни организмга таъсири.			
3	радиацияга нишон органлар.			
4	Нурланиши мумкин бўлган аҳоли категориялари			

### Инсерт жадвали

Тушунчалар	V	+	-	?
Рентгеноскопия				
Рентгенография				
Флюрография				
радиация				
Рентгенодиагностика				
Лазер нурлари				

## **Мавзуни амалий қўникмаларини эгалашнинг ўқув технологиялари “Лойиха” усули**



**Талабалар учун топшириқ:**

1. Дозиметрик ва радиометрик аппаратларининг тузилиши ва ўлчашларни ўтказиш қоидалари билан таништириш.

### **Назорат саволлари**

1. Радиацион гигиена фани ҳақида тушунча.
2. Радиологик бўлим ҳақида тушунча.
3. Радиологик бўлимнинг текширув объектлари.
4. Радиация ўлчов бирликлари.
5. Радиацияни организмга тъсири.
6. Радиацияга нишон органлар.
7. Ходимлар вааҳолини радиациядан ҳимояланиш усуллари.
8. Радиация нурларини организмга тъсири натижасида эффектлар.

9. ПДД- йўл қўйса бўладиган дозага тушунча.

10.ПД- доза чегарасига тушунча.

## ТЕСТЛАР

**1. Радиоактив нурларнинг асосий хусусиятлари нима ?** А) нур хосил қилиш Б) ватт хосил қилиш В) соғлом хосил қилиш Г)\* ион хосил қилиш

**2. Радиация нурларининг организмга таъсири натижасида нечта эфект кузатилади ?** А) 2та Б) 3та В) 4та Г) 5та

**3. Радиоактив модда актив бирлиги нима ?** А) \*Беккерель ва Кюри  
Б) Ватт      В) Радон    Г) Рентген

**4. Радиологик бўлимларда β-нурланишидан ҳимоялашда фойдаланувчи ашёлар:** А)\*Қўрғошин, пўлатБ) Пластмасса, алюминВ) Органик ойна

**5.Ионловчи нур манбаалари билан ишловчи ходимлар қайси категорияга киради ?** А) \* «А»    Б) «Б» В) «В» Г) «Г»

**6.Аҳолини радиоактив таъсирига учраши мумкин бўлган қисми қайси категорияга мансуб ?** А) «А» Б)\* «Б» В) «В» Г) «Г»

**7.Радиосезирлиги бўйича органлар нечта гурухга бўлинади ?** А) 2та  
Б)\* 3та В) 4та    Г) 5та

**8.ПДД нима ?** А) Химояланиш Б) Эквивалент доза В) Йўлқўйса буладиган доза Г) Максимал доза

**9.ПД нима ?** А)\* Доза чегараси Б) Максимал доза В) Йўл қўйса бўладиган доза Г) Рентген нури

**10. Радиопротекторларга нималар киради?** А) Этил спирти, зираворлар, укроп.Б) Мевалар, этил спирти, сут маҳсулотлари. В) \*Женшень, этил спирти, витамин С. Г) Женшень, витамин С, цитрусли мевалар.

**11. Рентген хоналарини қаерларга жойлаштириш мумкин эмас?**

1. \*Аҳоли турар жойларида;
2. Стоматология поликлиникаларида;
3. Маслаҳат поликлиникаларида.
4. Болалар мактабгача муассасаларда.

## ГЛОССАРИЙ

1. **Азот-** инерт газларга кириб кислороднинг суюлтирилишида қатнашади ва атмосферанинг асосий таркибий қисми.
2. **Акселерация** - аввалги одамларга қараганда, замонавий одамлар популяциясида жисмоний ривожланиш қўрсаткичларини яхшилаши.
3. **Алиментар гипотрофия** – сифат ва миқдор жиҳатидан тўла қийматсиз овқатланиш билан боғлиқ бўлган ҳолат.
4. **Алиментар қасалликлар-** нотўғри овқатланиш натижасида келиб чиқадиган қасалликлар.
5. **Антифон-** кохлеар невритни олдини олиш учун шахсий ҳимоя воситаси.
6. **Атроф мухитнинг ифлосланиши** - яшаш мухитининг физикавий, кимёвий, биологик ва психоген хоссаларининг негатив ўзгариши.
7. **Атроф мухитни радиоактив ифлосланишдан муҳофаза қилиш-** радиоактив чиқиндиларни ҳосил бўлишини камайтириш.
8. **Ассенизация далалари** - аҳолидан ҳосил бўлган суюқ чиқиндиларни зарарсизлантириш учун мўлжалланган маҳсус далалар.
9. **Аспиратор-** ишчи зонаси ҳавосини чангланганлигини аниқлашда фойдаланиладиган асбоб.
10. **Болаларни гигиеник тарбиялаш** – турли ёшдаги болаларда соғлом турмуш тарзи асослари бўйича билим ва кўнимкаларни шакллантириш.
11. **Болаларнинг жисмоний ривожланиши** - болаларнинг саломатлик ҳолатини интеграл қўрсаткичи бўлиб, ўқитиш ва тарбиялаш шароитлари ва қасаллигини мавжудлиги билан боғлиқдир.
12. **Беккерель-** СИ тизимида радиоактив моддаларни активлигининг ўлчов бирлиги.
13. **Бош режа** - қурилиш учаскасининг размери, конфигурацияси, зоналарга бўлиниши, йўлакларнинг ифодаси, территориянинг ободонлаштирилиши, қурилишнинг характеристи, шаҳар кўчалари билан алоқаси ҳақидаги тушунчани беради.

- 14.ВШВ-003-М2** - шовқин ва тебраниш даражасини ўлчаш учун мўлжалланган асбоб.
- 15.Гиповитаминозлар** – организмга етарлича бўлмаган миқдорда витаминларнинг тушиши билан боғлиқ бўлган ҳолат.
- 16.Гигиеник тарбиялаш шакллари** – сухбатлар, намойиш, дарслари, фильмлар, видеоклиплар, плакатлар.
- 17.Грей- СИ** тизимида ютилган доза ўлчов бирлиги.
- 18.Даволовчи-химояловчи тартиб** – беморларни даволаш муассасаларида ташхис қўйилишида, даволанишида ва соғлом бўлишида мувофиқ шарт-шароитларни яратиш бўйича тадбирлар тизими.
- 19.ДавСТ 951-2011** – сув манбаларини танлашга бўлган гигиеник талаблар.
- 20.Децибел** - шовқин ўлчов бирлиги.
- 21.ДСН-Давлат санитария назорати** - бу санитария қонунларининг бузилишини олдини олиш, аниқлаш ва уларга чек қўйишга қаратилган санитария эпидемиология хизматининг фаолиятидир.
- 22.Даволовчи-профилактик овқатланиш** - энг кўп заарланадиган органлар функциясини яхшилашга кўмак бўлувчи қўшимча бепул овқатлантириш.
- 23.ЖСН**-жорий санитария назорати-бу квартал, ой ёки йил давомида топширилган объектлар устидан кундалик назорат.
- 24.Зиверт- СИ** тизимида эквивалент доза ўлчов бирлиги.
- 25.Ёпиқ ионлантирувчи нурланиш манбалари** - фойдаланиш шароитида радиоактив моддаларни атроф муҳитга тушмасликни таъминловчи мосламали манба.
- 26.Ионосфера-хароратнинг 7000 даражада** ва ундан хам юқорига кўтарилиши, юқори даражада электр ўтказувчанлик ва хавони ионизациялашган хусусиятининг ошиши ҳамда ультрабинафша нурларнинг кўплиги билан сифатланувчи қисм.

- 27.Ижтимоий – гигиеник мониторинг** – инсонлар саломатлиги ва яшаш мухитини санитария-эпидемиологик ҳавфсизлик омилларини кузатувчи, уларни тахлил ва башорат қилувчи ҳамда яшаш мухитидаги омилларни инсон саломатлик ҳолати ўртасидаги сабаб – ҳодисаларнинг боғлиқлигини аниқловчи давлат тизими.
- 28.Ионлантирувчи нурланишнинг соматик таъсир самараси** - нурланиш таъсири оқибатида нурланган хужайралардаги соматик ўзгариш.
- 29.Ички нурланиш** - организм ичидаги бўлган радиоактив моддалардан олинадиган нурланиш.
- 30.ИФКУ** - бетта-, гамма- ва нейтрон нурланишининг шахсий дозасини аниқлаш асбоби.
- 31.Ишлаб чиқариш мухитидаги физикавий омиллар-** номувофиқ микроиқлим, шовқин, тебраниш.
- 32.Ишлаб чиқаришдаги биологик омиллар-** микроорганизмлар ва уларнинг ҳаётий маҳсулотлари.
- 33.Ишлаб чиқариш мухитидаги кимёвий омиллар-** захарли моддалар.
- 34.Ишлаб чиқариш хоналаридаги маҳаллий шамоллатиш** - чанг ёки захарли чанг ҳосил бўладиган иш жойидан ифлосланган ҳавони сўриб чиқариш.
- 35.Инсон экологияси** – экологиянинг бир қисми бўлиб, инсон яшаш мухитининг гигиеник ва ижтимоий-гигиеник омилларини ва уларнинг саломатликка таъсирини тавсифлайди.
- 36.Кимёвий ишлаб чиқариш заарларининг моддий кумуляцияси** - моддаларнинг организмда тўпланиш хусусияти.
- 37.Канцерогенли, бластомогенли таъсир** -айрим ишлаб чиқариш омиллари таъсирида хавфли ўсмаларнинг ривожланиши.
- 38.Махсус таъсир кўрсатувчи ишлаб чиқариш заҳарлари-** аллерген, мутаген, канцероген, тератоген.

- 39. Қисқа умр күрүвчи изотоплар** - бир неча сонияда парчаланувчи радиоактив моддалар.
- 40. Квашиаркор** - овқат таркибидә тұла қийматлы оқсилларнинг бўлмаслиги туфайли келиб чиқадиган касаллик тури ёки ёғларнинг танқислигидан келиб чиқадиган касаллик, гипо- ва авитаминозлар.
- 41. Коммунал гигиена** - инсонга табиий ва антропоген омиллар таъсирини ўрганадиган ва шулар асосида гигиеник меъёрларни, ҳамда санитария қоидаларини ишлаб чиқадиган фан бўлиб, бу қоидаларга риоя қилиш саломатликни таъминлайди ва аҳоли турмуш шароитларини яхшилайди.
- 42. Компост далалари** - қаттиқ майший чиқиндиларни заарсизлантириш учун қўлланиладиган маҳсус далалар.
- 43. Лойиҳа** – янгитдан қуриладиган бинолар ёки эскиларини реконструкция қилинишига мувофиқ барча ҳужжатлар мажмуаси тушунилади.
- 44. Микроиқлим** – чегараланган худуддаги ҳавонинг физик хоссалари.
- 45. Микдорий ҳимояланиш** - иш жойида минимал микдордаги радиоактив моддалардан фойдаланиш.
- 46. Нурланувчи шахсларнинг А тоифаси-** ионлантирувчи нурланиш манбаи билан ишловчи ходимлар .
- 47. Нурланувчи шахсларнинг В тоифаси-** аҳолининг чекланган қисми.
- 48. ОГ-Огоҳлантирувчи (олдини олувчи) санитария назорати** - бу, янги қурилган, таъмирланаётган ва кенгайтирилаётган объектларни жойлаштиришда, лойиҳалаштиришда, қуришда, таъмирлашда ва эксплуатацияга қабул қилишда, ҳамда меъёрий техник ҳужжатларни ишлаб чиқишида, янги кимёвий бирикмаларни, ичимлик суви, янги қурилишлар, технологик жараёнларни тадбиқ этишида амалдаги саниатр-гигиеник ва санитар-эпидемиологик қоидалар ва меъёрларга риоя қилинишини назорат қилиш мақсадида илмий тасдиқланган

гиgienик меъёрлар ва қонуний актлардан иборат бўлган, мукаммал тадбирлар йигиндисидир.

**49.Ота-оналар ўртасида санитар-оқартув ишлари** – уйда оптимал ўқитиш шароитини яратиш бўйича ота-оналарга маслаҳатлар бериш.

**50.Пневмокониоз-** ишлаб чиқаришга оид чанглар таъсирида келиб чиқадиган касб касаллиги.

**51.Педаголар ўртасида санитар-оқартув ишлари** – болалар муассасаларидаги педагогларда болаларни ўқитиш ва тарбиялаш шароитларини оптималлаштириш бўйича билим ва кўникмаларни шакллантириш.

**52.Очиқ ионлантирувчи нурланиш манбаи** - фойдаланиш шароитида РМ атроф муҳитга тушиши мумкин бўлган манба.

**53.Оқилона овқатланиш-** организмнинг жинси ёши ва меҳнат фаолиятининг турига мувофиқ физиологик овқатланиш эҳтиёжларини қондира оладиган, юқори меҳнат қобилиятини яратадиган, атроф муҳит омилларининг номувофиқ таъсирларига қарши организмнинг курашиш қобилиятини оширадиган, инсоннинг фаоллик йиллари ва узоқ ўмр кўриш йилларини узайтирадиган овқатланишга айтилади.

**54.Радиоактивлик** - бир элемент атомининг ўз-ўзидан ўзгаришида ионлантирувчи нурларни тарқалиши билан кузатиладиган жараёни.

**55.Радиоактив моддаларнинг активлиги** - моддадаги ўз-ўзидан кетадиган ядервий ўзгаришлар сонининг бу жараён кузатиладиган маълум вақт оралиғига бўлган нисбати.

**56.Радиоактив парчаланиш қонуни** - тенг вақт оралиғида изотоп атомининг актив бўлакчаларидаги тенг ядервий ўзгаришлар.

**57.Радиоактив чиқиндилар-** санитария қонуллари белгилаган миқдордан ортиқ РМ тутувчи ва уни ишлатиб бўлмайдиган эритмалар, буюмлар, материаллар, биологик объектлар

**58.Радиацион аварияларда асосий ҳавф-** аҳолининг нурланиши ва атроф муҳитнинг РМ билан ифлосланиши

- 59.Регрессия шкаласи бўйича баҳолаш** - болаларнинг жисмоний ривожланишини шахсий тарзда баҳолаш усули
- 60.Рахит-** витамин Д етишмовчилигада келиб чиқадиган касалликлар
- 61.Регрессия шкаласи** – болаларнинг жинси, ёши, миллати, тураг-жойига мувофиқ жисмоний ривожланишининг стандарт шкаласи.
- 62.Санитария химоя миңтақаси (СХМ)-** аҳоли яшаш пункти ва атмосфера хавосини ифлосланувчи манба орасида ташкил этилган қонуний, режалаштирувчи ва ташкилий чора- тадбир.
- 63.Санитария сони ёки Хлебников сони** - тупроқдаги органик азотнинг азот аммиакка нисбати.
- 64.СТП** – сув таъминот пункти.
- 65.СХМ** – санитария ҳимоя миңтақаси.
- 66.Ситуацион режа** - қурилиш участкаси ва лойиҳалаштирилган бинонинг аҳоли яшаш пунктига нисбатан жойлашиши таърифланади ёки қуриладиган объектнинг аҳоли яшаш жойидаги бошқа мавжуд объектларга нисбатан жойлашиши тасвирланади.
- 67.Селитеб миңтақа-** яшаш туманлари жамоат марказлари,тиббий, спорт ва бошқа муассасалар, хамда умумий яшил ўсимликлар жойлашган жой.
- 68.Санитар-эпидемияларга қарши тартиб-** касалхона ичи инфекцияларини профилактикаси ва даволовчи-ҳимояловчи тартибни таъминловчи тадбирлар тизими.
- 69.Соғлом турмуш тарзи** – касалликларни келиб чиқишига тўсқинлик қилувчи оптимал яшаш мухитини шакллантириш бўйича кўнималар тизими.
- 70.Соматик кўрсаткичлар** - бўй, вазн, кўкрак қафаси айланаси.
- 71.Сувни лойқалиги-** сувнинг табиий хусусияти бўлиб ундан минерал ва органик моддаларнинг борлигига боғлиқ.
- 72.Сувнинг ранги-**сувнинг табиий хусусияти бўлиб ундан гумин моддаларнинг (ранг берувчи) борлиги билан ҳарактерланади.

- 73. Суянчиқ дистанцияси** - стол қопқоғининг орқа чегарасидан ўтиргич суянчигигача бўлган масофа.
- 74. Стратосфера-** тропосферадан тахминан 100 км юқори ҳароратнинг ошиб бориши намлиknинг камайиши, булитнинг йўқлиги ултрабинафша нурлари ҳамда аzon миқдорининг ошиб бориши билан фарқланадиган қисм.
- 75. Суюқ радиоактив чиқиндиларни дезактивация қилиш усувлар-** коагуляция, ион алмаштириш, дистилляция, биологик усувлар.
- 76. Табиий радиацион фон** -космик нурлар ва атроф муҳитда бўладиган табиий РМ тарқаладиган ионлантирувчи нурланишлар.
- 77. Ташқи нурланиш** - организмдан ташқарида бўлган манбалардан нурланиш.
- 78. Темир-танқислик анемияси** – организмга ўзлаштириладиган темирни кам тушиши оқибатида келиб чиқадиган камқонлик.
- 79. Тропосфера-ер** сатхидаги 10-12км юқори ҳаво ҳарорати ва намлиknинг пасайиб бориши билан фарқланадиган қисм.
- 80. Тератогенли таъсир-** ишлаб чиқариш заарларининг ҳомиладор аёлнинг ҳомиласини жароҳатлайдиган таъсир.
- 81. ТСҚ** - ишчи ва маҳаллий аҳолига хизмат кўрсатувчи тиббий санитария қисмлари
- 82. Углерод икки оксиди-** органик моддаларнинг углерод манбаси хисобланади, атмосфера ҳавосининг доимий таркибий қисми.
- 83. Физиометрик кўрсатикчлар-** ўпканинг тириклик сифими, мушаклар кучи ва чидамлилиги.
- 84. Ҳавони радиоактив чиқиндилардан тозалаш-** ингичка толали ва насадкали фильтрларда фильтрлаш, эритмалар ва сорбентлар билан сорбциялаш, вақт давомида сақлаш.
- 85. Ҳаво-** газлар аралашмаси бўлиб атмосферани ташкил этади, яни ер шарининг газ қобиги.

- 86.Хавф омиллари** – касалликларни келиб чиқиши ёки ривожланишига олиб келувчи яшаш мұхитининг омиллари.
- 87.Центил шкаласи** – жисмоний ривожланиш күрсаткичларининг боланинг жинси, ёши, миллати ва турар-жойини ҳисобга олган ҳолда фоизларда тақсимланиш шкаласи.
- 88.Чиқиндиларни күмиш пункти** - радиоактив чиқиндиларни марказлашган ҳолда түплаш, узоклаштириш ва күмишни таъминловчи корхона.
- 89.Электромагнит нурланиш** -ўз ичига инфрақизил, ултрабинафша, рентген, гамма нурланиш ва б. олади.
- 90.Экспозицион доза** - ҳавони эффектив ионланишини таърифловчи доза.
- 91.Эквивалент доза-** ютилган доза қийматини шунга мувофиқ келадиган нурланишнинг сифат коэффициентини белгиловчи қиймат.
- 92.Ютилган доза** - модданинг масса бирлигига ютилган энергия.
- 93.Янги туғилган давр** - атроф мұхитнинг номувофиқ омиллари таъсирига энг кўп даражада сезгир бўлган ёш даври.

## **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Закон Республики Узбекистан «Об охране здоровья граждан» 1996г.
2. Закон Республики Узбекистан «Об охране атмосферного воздуха» 1996г.
3. Закон Республики Узбекистан «О воде и водопользовании» 2009г.
4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсийжавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. 2017 й, 104 бет, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг “O’zbekiston” нашриёти матбаа ижодий уйи.
1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. 2017й, 488 бет. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг “O’zbekiston” нашриёти матбаа ижодий уйи.

2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. 2016 й, 56 бет, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг “O’zbekiston” нашриёти матбаа ижодий уйи.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ – 4947 – сонли фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 йил, 6 – сон, 70 – модда.
4. Закон Республики Узбекистан«О качестве и безопасности пищевой продукции» Президент Республики Узбекистан И. Каримовг. Ташкент,30 августа 1997 г.,№ 483-I
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори «Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-куватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев Тошкент ш., 2018 йил 18 декабрь, ПҚ-4063-сон
6. Указ Президента Республики Узбекистан 09.09.2019 г. н уп-5814 «О мерах по коренному совершенствованию системы санитарно-эпидемиологической службы Республики Узбекистан».
7. Санитарные правила, нормы и гигиенические нормативы Республики Узбекистан «Гигиенические требования к безопасности, производству, транспортировке, хранению и реализации продуктов детского питания» СанПиН №0369-19.
8. СанПиН № 0250-08 «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини турли гурухларини озик моддалар ва энергияга бўлган физиологик талаб меъёрлари».
9. Санитарные нормы и правила по охране атмосферного воздуха населенных мест Республики Узбекистан. СанПиН № 0350-17
10. Профилактика внутрибольничных инфекций. СанПиН № 0342-17

11. Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси: ( 2011 йил 1 июлгача бўлган ўзгартириш қўшимчалар билан) Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: Адолат, 2011. – 276 б.
12. Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида Конуни, Т.2015. -186.
13. Duschanov B.A., Iskandarova Sh.T. “Umumiy gigiyena”, Дарслик. Т., 2008. – 476б.
14. Ponomareva L.A., Kazakov E.K., Abduqodirova L.K., Tuhtarov B.E., Dravskix I.K., Sharipova S.A., Sadullaeva X.A.Umumiy gigiyena bilan ekologiya. Amaliy mashg`ulotlar uchun o`quv qo`llanma. - Т., 2011.-1996.
15. Duschanov B., Yusupova O., Nuraliyeva S., Aminov U. “Radiatsion va harbiy gigiyena”. Дарслик. – Т., 2008. – 186б.
16. Пономарева Л.А., Иногамова В.В., Саломова Ф.И. “Радиационная гигиена” ўқув қўлланма. Т. 2014. – 158б.
17. Environmental health Dade W. Moeller Third Edition Harvard University Press Cambridge, Massachusetts London, England, 2005
18. Issues in environment, health, and pollution, USA 2011
19. Мельниченко П.И., Архангельский В.И., Козлова Т.А. ва б. “Гигиена с основами экологии человека”, Дарслик. М., 2010. -752б.
20. Румянцев Г.И., Прохоров Н.И., Новиков С.М. ва б. “Гигиена” Учебник для вузов, М., 2009 - 608б.
21. Большаков А.М. “Общая гигиена” М. 2009, -736 б
22. Кича Д. И., Дрожжина Н. А., Фомина А. В. “Общая гигиена руководство к лабораторным занятиям”. 201009.-288 б.
23. Демиденко Н.М. таҳрири остида. “Гигиена” Т.2004. -615б.
24. Пономарева Л.А., Зарединов Д.А., Дравских И.К., Абдуқадырова Л.К. “Радиацион гигиена” ўқув қўлланма – Т., 2001. – 65б.
25. Камилова Р.Т. нинг жисмоний ривожланишини баҳолаш учун регрессия шкаласи. Т., 1998, -75б.

26. Камилова Р.Т. нинг жисмоний ривожланишини баҳолаш учун центил шкаласи. Т., 1998, -506.
27. Г.И.Шайхова, « Овқатланиш гигиенаси», Тошкент-2011.
28. Диетология. 4-е изд. / Под ред. А. Ю. Барановского. — СПб.: Питер, 2012.—1024 с.: ил.
29. ЎзР СанҚ ва М – 2005 - 2017йиллар
30. Б. М. Маматқулов, Б. А. Умаров, “Ўзбекистон Республикасида санитария эпидемиология хизматини ташкил этиш асослари» (ўқув қўлланма): Тошкент, 2011. – 211 б.
31. Маҳмудова Ш. Қ., Искандарова М. С. Касб касалликлари: (Дарслик) — Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 1996.— 304 б.
32. Шайхова Г.И. гигиенаси. Дарслик. Тошкент, 2004, - 326 б.
33. Шайхова Г.И. Овқатланиш гигиенаси фанидан амалий машғулотлар учун ўқув қўлланма: Тошкент,2015, -502 б.
34. Basic Principles in Occupational Hygiene October,2010.
35. Selected topics on hygiene and human ecology Edited by Emilia Kolarzyk, 2002
36. Hand book of hygiene control in the food industry EditedbyH. L. M. Lelieveld, M. A. Mostert and J. Holah., 2005
37. Water analysis hand book 4<sup>th</sup> Edition Revision 3, 2005
38. Radiation Protection and Safety of Radiation Sources: International Basic Safety Standards , 2014.

### **Интернет сайтлар**

39. [www.minzdrav.uz;](http://www.minzdrav.uz)
40. [www.tma. Uz](http://www.tma.Uz)
41. [www. Ziyonet;](http://www.Ziyonet;)
42. [www.hygiene.uz;](http://www.hygiene.uz)
43. [www.radiation.uz;](http://www.radiation.uz)
44. [www.eco.uz](http://www.eco.uz)
45. [www.википедиа.ком](http://www.википедиа.ком)

46. [www.gov.uz](http://www.gov.uz) – Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали.
47. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий баъзаси.